

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 809.51

ББК:81.2(5)

У - 73

Усмонова Ситора Юсуповна

**ХИТОЙ ВА ИНДОНЕЗ ТИЛЛАРИДА СЎЗ ЯСАЛИШИ
МАСАЛАСИ**

5А 5120102 - Лингвистика (хитой тили)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

филология фанлари номзоди, доцент **Носирова С.А.**

ТОШКЕНТ 2016

Ҳимояга рухсат берилди:

Магистратура бўлими бошлиғи

Х.Ҳамидов

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1 Боб. Хитой ва индонез тилшунослари томонидан сўз ясалиши масаласининг ўрганилганлик даражаси	16
1.1. Хитойшунос тилшунослар томонидан сўз ясалиши, аффиксация усулининг ўрганилганлик даражаси.....	17
1.2. Индонезшунос тилшунослар томонидан сўз ясалиши, аффиксация усулининг ўрганилганлик даражаси.....	23
1 боб бўйича хулоса.....	25
2 Боб. Хитой ва индонез тилларида сўз ясалишининг лексик-морфологик услуби: яримаффиксация усули.....	28
2.1. Хитой ва индонез тилларида яримпрефиксация.....	29
2.2 Хитой тилида яримсуффиксация.....	35
2 боб бўйича хулоса.....	43
3 Боб. Хитой ва индонез тилларида сўз ясалишининг морфологик услуби: аффиксация усули.....	45
3.1. Хитой ва индонез тилларида префиксация.....	52
3.2. Хитой ва индонез тилларида инфиксация.....	61
3.3. Хитой ва индонез тилларида суффиксация.....	63
3.4. Индонез тилида конфиксация	82
3 боб бўйича хулоса.....	91
Хулоса.....	93
Адабиётлар рўйхати.....	95

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.
“Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. ...Жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”¹

Маълумки, Ўзбекистонимизнинг мустақил давлатга айланиши натижасида Ватанимиз дунёга юз тутди. Хорижий мамлакатлар билан савдо, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар йўлга қўйилди. Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул қилинди. Азалий кадриятларимиз тикланди, жаҳон интеграцияси жараёнларида фаол қатнашилмоқда. Бунинг натижасида юртимизда хорижий тилларга бўлган қизиқиш ва эътибор мислсиз даражада ошди.

Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: “Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ.1997. – Б.185.

такомиллаштирилишини тақозо этади.” (И.А.Каримов 2012, ПК-1875-сонли қарори).

Ҳозирги муқаммал ва ривож топиб бораётган давлатларда тил ўргатиш ва ўрганишга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам чет тилларини ўрганиш ва шу тил вакилларининг ҳаёти, маданияти ва тарихига бўлган қизиқиш кундан кунга ўсиб бормоқда. Кейинги йилларда Жанубий Шарқий Осиё минтақасининг йирик мамлакатларидан ХХР ва Индонезия Республикаларининг тилини, уни тарихини, маданиятини, халқ ҳаётини ўрганишда ҳукуратимиз томонидан кўплаб чора тадбирлар кўриб келинмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда хитойшунос ва индонезшуносларни, тил мутахассисларини, ўқитувчи ва таржимонларни етказиб чиқаришга бўлган эътибор кучли эканлигидан далолат беради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ҳамда Индонезия Республикалари ўртасида расмий дипломатик алоқалар ўрнатилганлигига қарийб 24 йил бўлган бўлсада, ТошДШИда шарқ тиллари сифатида иккала тилнинг ўқитилиши йўлга қўйилган бўлсада, ушбу тилларда сўз ясалиши масаласига оид ўзбекзабон ўқувчилар учун мўлжалланган яхлит дарслик мавжуд эмас. Тадқиқот мавзуимизнинг хитой ва индонез тилларида сўз ясалиши масаласи, иккала тилда ҳам кенг қўлланиладиган сўз ясалишининг морфологик усули бўлмиш аффиксация усулига бағишланади. Узоқ вақтлардан бери сўз ясалишининг бир неча усули борлиги тан олиб келинган бўлса, аслида, унинг биргина усули - аффиксация усули мавжудлиги исботланди. ² Ўзбекистонда хитой ва индонез тили грамматикасига оид кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ва илмий ишлар қилинган бўлсада, айнан икки тилдаги сўз ясалиш мавзуси чоғиштирма методи асосида таҳлилга тортилмаган. Икки тилдаши бу ҳодисани ўрганиш авваломбор ТошДШИнинг "Шарқ филологияси"

² А. Ҳожиёв. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. -Т., 2010.- Б.140.

талаблари учун ўқув қўлланма, маъруза матнлари учун асос бўладиган таҳлилий материалларни йиғиш. Хитой ва индонез тилларини ўрганишга ва ўқитишга бўлган эҳтиёж ушбу мавзунини янада кенгроқ ёритилиш кераклигини тақозо этмоқда.

Сўз яшаш бирор усул билан янги сўз ҳосил қилиш демакдир. Янги сўз тилда, одатда, сўз яшаш воситалари ёрдами билан ҳосил қилинади. Янги сўзлар луғатни тўлдириб такомиллаштиради. Сўз ясовчи воситалар тилнинг таракқиёт қонунларига мувофиқ равишда ривожланади. Бироқ улар барча тилларда бир хил эмас. Шунга кўра, бундай воситаларни ҳар бир тилнинг ўз қонун-қоидалари асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.³ Шу фикрга асосланган ҳолда мазкур илмий тадқиқот ишимизда биз икки оилага мансуб, типологик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи хитой ва индонез тилларидаги морфологик усул бўлмиш аффиксация усули ёрдамида сўз ясалиши масаласини ҳар бир тилнинг қонун-қоидасидан келиб чиққан ҳолда ёритишга ҳаракат қилинди.

Сўз яшаш модели уч қисмдан иборат: 1) сўз яшашга асос бўлувчи лексик морфема; 2) лексеманинг маъносини ўзгартирувчи аффикс – ясовчи аффикс ёки формант; 3) бирикиш ҳосиласининг табиати, моҳияти.⁴ Хитой ва индонез тилларида лексик маънони ўзгартирувчи формантлар хилма-хиллиги кузатилди.

Тадқиқотнинг объекти – ҳозирги замон хитой ва индонез тилларида сўз ясалишининг морфологик усули, **предмети** сифатида эса аффиксация усули танлаб олинди.

Тадқиқотнинг мақсади: Хитой ва индонез тилларида сўз ясалиши масаласини лексик-морфологик ва морфологик услублари ёрдамида типологик жиҳатдан таҳлил қилиш.

Тадқиқот кесимида қуйидаги **вазифалар** ўз ечимини топди:

³ Х.З. Алимова Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. -Т., 2005. - Б.7.

⁴ Ўша манба. - Б.9.

1. Хитой ва индонез тилшунослари томонидан сўз ясаши масаласи, аффиксация усулининг ўрганилганлик даражаси хитойшунос ва индонезшунос олимлар илмий асарлари мисолида ўрганиб чиқилди, хитой ва индонез тилшуносларининг аффиксация усули борасидаги турли хил фикрлар мутаносибликларини таҳлил қилинди;
2. Хитой ва индонез тилларида сўз ясашининг лексик-морфологик услуби: яримаффиксация усули хар иккала тилда мисоллар ёрдамида кўриб чиқилди, ўхшаш ва фарқли томонлари таҳлил этилди;
3. Хитой ва индонез тилларида префиксация, инфиксация, суффиксация ва индонез тилида конфиксация мисоллар орқали кўриб чиқилди;
4. Хитой ва индонез тилларида аффиксация усули орқали ҳосил бўладиган янги сўзлар лексик-семантик ва грамматик категорияларига асосан қайси туркумга кириши аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- илк бор хитой ва индонез тилларида сўз ясаши масаласи лексик-морфологик ва морфологик услублар ёритилган хитой ва индонез илмий адабиётлари, олимларнинг фикрлари қиёслаб таҳлил этилди ;
- хитой ва индонез тилларидаги сўз ясашининг морфологик усулига оид, самарадорлик жиҳатидан хитой ва индонез тилларида асосий ўринни эгалловчи усул бўлмиш аффиксация усулининг ўхшаш ва фарқли томонлари таҳлил этилди;
- хитой ва индонез тилларида аффиксация усули орқали ҳосил бўладиган янги сўзлар лексик-семантик ва грамматик категорияларига асосан туркумланиш эҳтимоллиги кўриб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

Хитой ва индонез тилларидаги кенг ишлатиладиган аффиксация усулининг янги семантик маъноларнинг келиб чиқишида асосий воситачи вазифасини бажара олиш эҳтимоли асосий фараз сифатида белгиланди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи.

Тадқиқот доирасида кўтарилган масала юзасидан кўплаб ўзбек, россиялик, шунингдек чет эллик олимлар илмий ишлари, илмий мақолалари, хитой ва индонез умумий тилшунослиги бўйича фундаментал ишлар, лингвистика, семантика, когнитив лингвистика назарияси, киёсий типология, морфология, грамматикага оид ишлардан кенг фойдаланилди. Жумладан, хитой тилида сўз ясалишининг аффиксация усули борасида хитой тилшуносларидан Лу Живэй⁵, Жэнь Сюэлян⁶, Сунь Чансюй⁷, Тао Лианг⁸; россиялик хитойшунослардан Н. Н. Коротков⁹, А.А.Хаматова¹⁰, В. А. Цыкин¹¹; ўзбек хитойшунослардан С.Хашимова¹² ларнинг; индонез тилида сўз ясалишининг аффиксация усули борасида индонезиялик тилшунослардан Н.Алви¹³, Н., Chaer, Abdul¹⁴, Н.Кридалаксана¹⁵; М.Рамлан М.¹⁶, Resmini,¹⁷ Samsuri¹⁸ ва шу билан биргаликда кўпгина россиялик индонезшунослардан Н.Ф.Алиева¹⁹, В.Д.Аракин²⁰, Л.Н.Демидюк²¹, А.К.Оглоблин,²² томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган.

⁵ 录制为。汉语的构词法。 - 北京。 1957 – 160 页

⁶ 任学良. 汉语造词法. 北京, 1981.31-51 页.

⁷ 孙常叙. 汉语词汇. 长春, 1956, 151-152 页

⁸ 涛良. 改革开放的来汉语新词语构词分析[Словообразовательный анализ неологизмов китайского языка периода политики "открытых дверей"] // 汉语 论存[Сборник статей по изучению китайского языка]. -太原? 2002. 105-130 页.

⁹ Н.Н. Коротков. Основные особенности морфологического строя китайского языка.- М., 1968.- 187 с.

¹⁰ А.А. Хаматова. Словообразование современного китайского языка. -М., 2003.-

¹¹ Цыкин В.А. Полуаффиксация в системе китайского словообразования //Вопросы языкознания. 1979. № 5. -С.80-91.

¹² С. Хашимова. Хитой тилида сўз ясалиши. Т. 2011.- 230 б.

¹³ Alwi H., Dardjowidjojo S., Lapoliwa H., Moeliono A.M. Tata bahasa baku bahasa Indonesia. Edisi ketiga. Jakarta, 1998. -158 h.

¹⁴ Chaer, Abdul. Morfologi Bahasa Indonesia(Pendekatan Proses).- Jakarta. 2008. - 265 h.

¹⁵ Kridalaksana, Harimurti. Kelas Kata Dalam Bahasa Indonesia (Edisi Ketiga).- Jakarta. 1994.-237 h.

¹⁶ Ramlan, M. Morfologi: Suatu Tinjauan Deskriptif. -Yogyakarta: C.V.Karyono,1987.- 280 h.

¹⁷ Resmini, Novi. Kebahasaan.(Fonologi, Morfologi, dan Semantik)...Bandung, 2003.- 180 h.

¹⁸ Samsuri. Analisis Bahasa. – Jakarta 1987. 97- h

¹⁹ Алиева Н.Ф. Особенности грамматического строя индонезийского языка в типологическом освещении. Доктор филол.наук. ...дисс. -М., 1992 ; Глагол в индонезийском языке. Проблемы аффиксации. Афтореферат дис.на соискание учен.степени кандидата филол.наук.- М., 1963.- 320 с.

²⁰ Аракин В.Д. Грамматика индонезийского языка. М.,1972.- 230 с.

²¹ Демидюк Л.Н. Сопоставительный анализ аффиксальных именных словообразовательных систем некоторых индонезийской группы // Языки и литература Дальнего Востока и Юго-Восточной Азии. - СПб., 1994. -С.21-27

Изланишлар натижасида хитой ва индонез тилларида сўз ясалишининг аффиксация усули чоғиштира таҳлилига бағишланган ишлар кузатилмади. Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётларни шарҳлар эканмиз, хитой тилшуноси Лу Живэйнинг "Хитой тилида сўз ясалиши" деб номланган илмий асари сўз ясалишининг барча усулларига бағишланган бўлиб, асосан 老 lao префикси хақида бизга кўпроқ маълумот беради;²³.

Жэнь Сюэяньнинг "Хитой тилида сўз ясалиши" деб номланган монографияси ҳам сўз ясалишининг барча усулларига бағишланган бўлиб, унда асосан 17 та префиксни кўриб чиқиб, сўнгги ўн йилликларда хитой тилида мустақил маънога эга сўзлардан ҳосил бўлган ва ўзининг лексик маъносини йўқотмаган префикслар пайдо бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бундай префикслар қаторига у қуйидагиларни киритади: 老 lao, 阿 a, 小 xiao, 可 ke, 第 di, 初 chu, 巴 ba, 反 fan, 被 bei, 见 jian, 所 suo, 而 er, 非 fei, 不 bu, 准 zhun, 二 er, 以 yi²⁴. Муаллиф ўзининг монографиясида суффиксал сўз ясалишини тавсифлашда хитой тилида сўз ясовчи суффиксларнинг префиксларга нисбатан сони анча юқорироқ эканлигини, уларнинг ёрдамида от, феъл ва сифатлар ясалишини, префикслар каби суффикслар ҳам мустақил маънога эга сўзлардан ҳосил бўлиши ва буларнинг барчаси ҳам ўзининг лексик маъносини бутунлай йўқотмаганлигини таъкидлайди. Жэнь Сюэянь сўз ясовчи суффиксал жумласига қуйидагиларни киритади: 子 zi, 儿 er, 头 tou, 员 yuan, 家 jia, 者 zhe, 士 shi, 师 shi, 生 sheng, 手 shou, 汉 han, 夫 fu, 丁 ding, 郎 lang, 众 zhong, 属 shu, 鬼 gui, 棍 gun, 迷 mi, 犯 fan, 派 pai, 分子 fenzi, 主义 zhuyi, 性 xing, 处 chu, 品 pin, 巴 ba, 化 hua, 于 yu, 乎 hu, 以 yi, 么 me, 然 ran, 其 qi, 切 qie, 而 er, 尔 er, 且 qie, 的 de, 地 di, 得 de, 了 liao (le), 着 zhe²⁵. Бундан кейин муаллиф квазисуффикслар, ёки суффиксга

²² Оглоблин А.К.. Адверсативность в индонезийском языке. (глаголы с конфиксом ke-...-an) // Востоковедение. Вып. 25-СПб. 2014.- С. 16-23.

²³ Ушбу мисол Лу Чживэйдан келтирилган.(Lu Zhi Wei. Hanyude goucifa. Beijing, 1957.-C139.

²⁴任学良. 汉语造词法. 北京, 1981.-C.31-51.

²⁵任学良. 汉语造词法. 北京, 1981. 50-97 页.

ўхшаш (准词尾 – zhunciwei) билан келган сўзларга мисоллар келтириб, шу каби суффикслар ўзининг ривожланиш жараёнида эканини, уларнинг сони жуда кўплигини изоҳлаб бериб, бир нечта мисоллар келтиради: 论 lun, 度 du, 式 shi, 却 que, 豪 hao²⁶. Шу билан биргаликда Жэнь Сюэлян инфикслар масаласини, ҳамда фақат хитой тили учун хос ҳодиса, яъни бир нечта суффиксларнинг кетма-кет ишлатилиши натижасида янги лексик маъноларнинг келиб чиқиши масаласини кўриб чиққан.²⁷ Тасниф муаллифи ҳисоб сўзлар ёрдамида сўзларнинг ҳосил бўлишини сўз ясалишнинг алоҳида бир тури деб ҳисобласа ҳам, уни аффиксация доирасида ўрганеди. Унинг хусусиятлари шундан иборатки, отга тегишли ҳисоб сўзи кўшилиши натижасида бир бўғинли сўз икки бўғинли сўзга айланади, ушбу усул орқали фақат отлар ҳосил бўлади²⁸. Жэнь Сюэлян ўзининг монографиясида 17 та префикс ва яримпрефиксларни, 45 та суффикс ва яримсуффиксларни кўриб чиққан. Жэнь Сюэлян ўзининг "Хитой тилида сўз ясалиши" деб номланган асарида 然 ran суффикси орқали ясалган сўзларнинг рўйхатини келтириб, 70 дан ортиқ лексик бирликларни кўриб чиқади²⁹. Сунь Чансюй ўзининг "Хитой тили лексикаси" китобида аффиксация ҳақида сўз юритар экан, 儿 er суффикси (аффиксал морфема) ҳам предметлик маъносини ифодаловчи отларни ҳосил қилади, унинг этимологик корреляти сифатида 儿 er ўзил маъносини билдирувчи ўзак хизмат қилади, дейди. Сунь Чансюй ушбу сўз ясовчи морфеманинг тўртта вазифасини кўрсатади: ҳиссиёт (хис-туйғу) коннотацияни ҳосил қилиши, ўзак морфеманинг маъносини аниқлаши, унинг категориал тегишлилигини ўзгартириш ва бир таркибли сўзнинг фонетик тузилмасини ўзгартириш.

Тао Лянь "Хитой тили неологизмларининг ясалиши" деб номланган илмий мақоласида неологизмларнинг сўз ясалиши усулларини таҳлил қилиб,

²⁶任学良. 汉语造词法. 北京, 1981. 97-98 页.

²⁷任学良. 汉语造词法. 北京, 1981. 98-99 页.

²⁸任学良. 汉语造词法. 北京, 1981. 99-10 页.

²⁹任学良. 汉语造词法. 北京, 1981. 85-89 页.

18 та префикс ва яримпрефиксларни ҳамда 54 суффикс ва ярим суффиксларни келтиради. Ишида кўриб чиқилган 2805 та неологизмлардан префикслар ва яримпрефикслар орқали 93 та (3,32 %) янги сўз, суффикслар ва яримсуффикслар натижасида 354 та (12,62 %) янги сўз ҳосил қилинган, деган фикрни айтади.³⁰

Россиялик хитойшунослардан Н. Н. Коротков "Хитой тили морфологик тузилишининг ўзига хосликлари" деб номланган илмий асариди таъкидлашича, "пекин шеvasида кенг тарқалган феъл ва феълдан ясалган отнинг ўртасидаги фарқни белгиловчи морфологик усул сифатида 儿 er суффиксини кўшиш натижасида бўғиннинг ретрофлексизацияси хизмат қилади"³¹. Н. Н. Коротковнинг фикрига кўра, хитой тилида кенг тарқалган 子 zi, 儿 er, 头 tou суффикслари нафақат сўз ясовчи, балки тур ясовчи вазифасини бажаради³².

В. А. Цыкиннинг "Хитой тили сўз ясалишида яримаффиксация" деб номланган илмий мақоласи хитой тили сўз ясалишида мавжуд аффиксация ва яримаффиксация масаласига бағишланган бўлиб, тилшуносликнинг фикрига кўра, аффиксация сўз ясалишининг морфологик усулига, яримаффиксация эса – сўз ясалишининг лексик-морфологик усулига тегишлидир.³³ Тилшунос аффикс ва яримаффикслар ўртасидаги фарқ масаласи ҳақида сўз юритар экан, замонавий хитой тилидаги сўз ясовчи аффиксларнинг аксарияти маънога эга сўзлардан пайдо бўлган. Шунингдек, хитой тилида маънога эга морфемадан аффиксал морфемага айланиш йўлини ҳали босиб ўтмаган талайгина морфемалар мавжуд. Улар аффикс ва маънога эга сўз ясовчи морфеманинг ўртасидаги оралик ўринни эгаллаб, яримаффикслар номини

³⁰ 涛良. 改革开放的来汉语新词语构词分析[Словообразовательный анализ неологизмов китайского языка периода политики "открытых дверей"] // 汉语 论存[Сборник статей по изучению китайского языка]. - 太原? 2002. 105-130 页.

³¹ Н. Н. Коротков Основные особенности морфологического строя китайского языка: (Грамматическая природа слова). – М., 1968. – С. 74.

³² Н. Н.Коротков. Основные особенности морфологического строя китайского языка: (Грамматическая природа слова). – М., 1968. – С. 122.

³³ В.И. Горелов. Лексикология китайского языка.- М., 1984. -С.50

олган, сўз ясалиши турларининг грамматик конструктив унсурлари сифатида намоён бўладиган ва бир турдаги узун сўзларнинг қаторини ташкил қилувчи морфемалар “сўз ясовчи аффикслар” (ўзининг лексик маъносини бутунлай йўқотган морфемалар) ва “сўз ясовчи яримаффикслар” (қисман делек்சикализациялашган морфемалар), деб аталади, деган фикрни билдиради.

Индонез тилида сўз ясалишининг аффиксация усули борасида индонезиялик тилшунослардан Chaer Abdul ўзининг "Индонез тили морфологияси" деб номланган илмий асарида индонез тилида мавжуд 41 та аффикс ҳақида сўз юритади. M.Ramlan нинг "Морфология" деб номланган илмий ишида от сўз туркумидан бошқа бир от сўз туркуми ясайдиган *-is* суффикси алоҳида тилга олинади.

Бундан ташқари, россиялик тилшунослардан Н.Ф. Алиева ўзининг фан номзодлиги диссертациясида индонез тилида феъл сўз туркуми билан биргаликда, аффиксация ҳодисаси ва унинг ўзига хосликлари ҳақида сўз юритади. А.К.Оглоблиннинг илмий мақоласи эса асосан *ke-...-an* конфиксига бағишланган. Бундан ташқари у 40 та аффикс: 11 та префикс, 4 та инфикс, 13 та суффикс ва 11 та конфиксни аниқлаганини таъкидлайди.

Таҳлил этилган илмий ишлар мисолида шуни кўришимиз мумкин-ки, олимларнинг морфологик усул борасида фикрлари хилма-хил, аффиксация масаласида ҳам бирлаштирувчи ёндашув мавжуд эмас. Масалан, хитой тилида айрим олимлар томонидан аффикслар қаторига киритилган бирликлар бошқа олимлар томонидан аффикслар қаторига киритилмаган, бундай тафовутни биз Жэнь Сюэлян ҳамда Тао Лянь ишларида кузатдик. Бу масала хитой тилшунослари томонидан тўла ўрганилмаган муаммоли масала қаторида кўрилади. Индонез тилидаги манбалар кўриб чиқилганда, шу нарса аён бўлдики, адабий индонез тилида аффиксация усули у қадар ривожланмаган, янги лексик бирликларни ҳосил қилишда бу усул асосан шеваларда ўз самарадарлигини кўрсатади. Замонавий индонез тилида

аффиксация усули редупликация усуллари билан бир қаторда самарали сўз яшаш усули ҳисобланади.

Юқорида таҳлил этилган илмий ишлардан фарқли равишда бизнинг илмий тадқиқотимизда аффиксация усули илк маротаба битта тил камровида эмас балким типологик жиҳатдан фарқли хитой ва индонез тиллари кесимида сўз ясалишнинг асосий воситаси сифатида кўриб чиқилди. Аффиксациянинг янги семантик маъноларини ҳосил қилишдаги ўрни, аҳамияти атрофлича ўрганилди. Айрим суффиксларнинг кетма-кет қўлланилиши ҳодисаси иккала тилда ҳам кузатилиши аниқланди, бу ҳодиса янги лексик маъноларни ҳосил қилишда ёрдамчи усул сифатида кўриб чиқилди. Ҳар бир тилнинг ўзиган ҳос конун-қоидаларига асосланадиган ҳолда сўз ясалиш усулининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мисоллар ёрдамида ёритилди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Мавзуга оид тўпланган материалларнинг таҳлили жараёнида ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланилувчи қиёсий-тавсифий, систематика, компонент таҳлили, классификациялаш, интерпретация, микдорий методларидан ҳамда картотекадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Назарий аҳамияти шундан иборатки, таҳлил этилган аффиксация усули икки турли оилага тегишли тилларда самарали усуллардан бири эканлиги аниқланди. Хитой тилида ҳам индонез тилида ҳам аффиксация усули ёрдамида янги лексик маънолар ҳосил бўлиши исботланди. Шу билан бир вақтда янги грамматик маъноларнинг ҳам ҳосил бўлиши аниқланди. Сўз ясалиши соҳасидаги тадқиқот натижалари мутахассисликлар, махсус курслар бўйича хитой ва индонез тилларининг ўқитиш жараёнида, лексикология, назарий грамматика соҳасида, филологияга кириш ва бошқа йўналишларда ҳамда синхрон ва изчил таржима кўникмасини ҳосил қилишда, мазкур соҳада махсус адабиётлар, методологик қўлланмалар яратиш учун материал бўлиб хизмат қилади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 30-сон, 346-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 384-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 29 октябрдаги 418-сон буйруғи асосида Магистратура тўғрисидаги Низомда белгиланган диссертация таркибий қисмларининг барчаси қамраб олинган, яъни титул варақ, икки тилдаги қисқача аннотация, мундарижа, кириш ва 3 бобдан иборат асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган. Ҳар бир боб ўз мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кичикроқ қисмларга бўлинган.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, объекти ва предмети, илмий ва амалий аҳамияти ҳамда тадқиқотнинг асосий методлари ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби "Хитой ва индонез тилшунослари томонидан сўз ясалиши масаласининг ўрганилганлик даражаси" деб номланган бўлиб, ўз ичига "Хитойшунос тилшунослар томонидан сўз ясалиши, аффиксация усулининг ўрганилганлик даражаси" ва "Индонезшунос тилшунослар томонидан сўз ясалиши, аффиксация усулининг ўрганилганлик даражаси" бўлимларини қамраб олган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби "Хитой ва индонез тилларида сўз ясалишининг лексик-морфологик услуби: яримаффиксация усули" деб номланган. Бу бобга ўз навбатида "Хитой ва индонез тилларида

яримпрефиксация", ва "Хитой тилида яримсуффиксация" деб номанган бўлимлар кирган.

Тадқиқотнинг учинчи боби "Хитой ва индонез тилларида сўз ясалишининг морфологик услуби: аффиксация усули" деб ном олган ва "Хитой ва индонез тилларида префиксация", "Хитой ва индонез тилларида инфиксация", "Хитой ва индонез тилларида суффиксация" ва "Индонез тилида конфиксация" бўлимларидан ташкил топган.

Ҳар бир боб бўйича алоҳида хулосалар келтирилиши натижасида ишнинг хулосасида тадқиқот таҳлили умумлаштирилган.

Фойланилган адабиётлар рўйхатида 50та хитой, индонез, ўзбек, рус тилидаги китоблар ҳамда луғатлар ва интернет ресурслари рўйхати келтирилган. Ишнинг умумий ҳажми 98 бет.

1 БОБ. ХИТОЙ ВА ИНДОНЕЗ ТИЛШУНОСЛАРИ ТОМОНИДАН СЎЗ ЯСАЛИШИ МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Сўз ясалиши - 1.Тилшуносликнинг сўз ҳосил қилиниши (сўз ҳосил бўлиши) ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи бўлими. 2. Тилда бор бўлган маълум усул, модель асосида янги сўз ҳосил қилиниши.³⁴

Сўз ясалиши 构词法 *goucifa* бу –тилдаги сўз ясалиши тизимининг тавсифини ўзида мужассамлаган ва сўзларнинг ҳосил бўлиши усулларини ўрганувчи лексикологиянинг бўлими ҳисобланади. Бошқача қилиб айтиш

³⁴ А.Ҳожиев. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т. 2002. -Б.98-99.

мумкинки, сўз ясаши бу – номинатив бирликларнинг ясашидаги муайян бир механизм, тилдаги номинатив фаолиятининг муҳим соҳасидир.³⁵

Кенг тарқалган ва шу боис анъанага айланган нуқтаи назарга кўра айрим тилларнинг сўз ясаши тизимида лексик бирликларининг иккита синфи – мураккаб сўзлар ва ясама сўзларни ажратишади ва баъзан бирига қарама-қарши қўйишади. Бироқ, сўзларни қўшиш (ўзакларни қўшиш) услуги орқали ясалган мураккаб сўзлар бошқа усуллар: аффиксация, контракция, редупликация ёрдамида ҳосил бўлган лексик бирликлари бўлмиш афиксал, мураккаб қисқартирилган ва редупликацияланган сўзлар билан ўзаро мутаносибликда бўлади.

Ясама сўзларни “сўзларнинг ҳосил бўлиши (ишлаб чиқилиши)” тушунчасига кўра инсоннинг сўзларни яшаш ижодиёти натижасида пайдо бўладиган лексик бирликлар деб айтиш мумкин. “Мураккаб сўз” ва “Ясама сўз” терминлари ҳар хил маънодаги тушунчаларни англатади. Шунинг учун айрим лексик бирликлари сўз ясаши усули бўйича мураккаб сўзлар бўлиб, пайдо бўлиш нуқтаи назаридан ясама сўзлар сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин.³⁶

Хитой тилидаги сўзлар номинатив бирликлар сифатида тилда мавжуд бўлган сўзлар, ўзаклар ва аффикслардан шаклланади. Сўз ясовчи воситаларнинг тизими бошланғич (туб) лексик маънонинг десемантизацияси даражаси бўйича қуйидагича намоён бўлиши мумкин: 1) сўз ёки ўзак мавқеи (статуси)га эга тўлиқ маънодаги морфема; 2) муайян лексик қаторидаги сўзларнинг идентик (бир хил, тенг) унсури (компоненти)га эга тўлиқ маънодаги морфема; 3) ярим аффикс; 4) аффикс. Лексик қаторнинг идентик унсури (компоненти) ярим аффиксга, ўз навбатида ярим аффикс ҳам “соф” аффиксга айланиши эҳтимоли мавжуд.

³⁵ В.И. Горелов Лексикология китайского языка. М., 1984 -С. 18.

³⁶ В.И. Горелов Лексикология китайского языка.- М., 1984 -С. 18.

Албатта, сўз ясовчи воситаларнинг бундай таснифи нисбий ва шартли деб ҳисобланади, чунки ушбу воситалар ўртасидаги аниқ чегарани ўтказиш баъзан осон эмас. О. П. Фролованинг фикрига кўра, морфеманинг мавқеи (статиси)ни аниқлаш қийин бўлади, мураккаб мажмуаларнинг таркибидаги ташқи кўринишдан бир хил бўлган морфемалар ҳам ўзак, ҳам аффиксал морфемалар бўлиши мумкин. Бу ерда мазкур тузилмалардаги морфемаларнинг турини аниқлаб олиш имконини берадиган ишончли меъёрлар ҳам мавжуд эмас³⁷. Аммо шунга қарамай, ушбу воситаларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланишини кўрсатиб бериш учун, сўз ясовчи воситаларнинг муайян тизимини кўриш зарурдир.

Хитой тилининг сўз ясалишида ярим аффиксация (сўз ясалишининг лексик-морфологик усули) ва аффиксация (сўз ясалишининг морфологик усули) муҳим ўринни эгаллаб, тобора кенгайиб бормоқда.

1.1. Хитойшунос тилшунослар томонидан сўз ясалиши, аффиксация усулининг ўрганилганлик даражаси

Ҳозирги замон хитой тилида сўз ясалишининг айрим усуллари кўплаб россиялик тилшунослар Е.Д. Поливанов, И. М. Ошанин, А. А. Драгунов, Н. Н. Коротков, С. Е. Яхонтовларнинг ишларида ёритилган. В. М. Солнцев конверсия, сўз кўшиш, аффиксация каби сўз ясалиши усуллари батафсил ёритади³⁸. В. И. Горелов хитой тилида лексик-семантик, лексик-морфологик, морфологик, морфологик-синтактик, морфологик-фонетик, лексик-семантик усуллари, редупликация ва контракцияни ажратади³⁹. О. П. Фролова термин (атама)лардаги отга оид сўз ясалиши масаласини ўрганиб, морфологик, синтактик, фонетик усулларни ва конверсияни белгилайди⁴⁰. И. Д. Клениннинг В. Ф. Щичко билан ҳамкорлигидаги тадқиқотида морфологик,

³⁷О. П. Фролова Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск, 1981. – С. 79.

³⁸В.М. Солнцев. Очерки по современному китайскому языку.- М., 1957. -С.204

³⁹В.И. Горелов . Лексикология китайского языка. М., 1984. -С. 19-20.

⁴⁰О.П. Фролова Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. - Новосибирск, 1981. -С. 22.

семантик, аффиксал сўз ясалиши кўрилади, морфемага оид контракция ва унинг турлари батафсил ёритилади⁴¹.

Хитойлик тилшунослардан Ли Цзиньси ва Лю Шижу сўз ясалишнинг учта асосий усулини келтиради:

синтактик – (成分结构 *chengfen jiegou*, ёки 句法构词法 *jufa goucifa*);

морфологик – (形态结构 *xíngtài jìégòu*, ёки 形态构词法 *xíngtài gòucífǎ*);

фонетик – (语音结构 *yǔyīn jìégòu*, ёки 语音构词法 *yǔyīn gòucífǎ*)⁴².

Ли Цзиньси ва Лю Шижу морфологик усул остида янги сўзларни аффиксация ва редупликация орқали ҳосил қилиш, деб тушунадилар (桌子 *zhuozi* – стол, 老虎 *laohu*– йўлбарс, 时时 *shishi*– доимо, ҳар доим).

Сунь Чансуйнинг фикрига кўра, морфологик-структуравий (тузилмавий) усулга аффиксация (老鼠 *laoshu* – сичқон, каламуш, 爱好者 *aihaozhe* – ҳаваскор эркак, ҳаваскор аёл) ва фонетик ўзгаришлар ёрдамида сўзларнинг ясалиши киради (масалан, тасниф муаллифининг фикрича, 吏 *li* – хизматчи, кичик амалдор шахс сўзи ва 事 *shi*– иш сўзи фонетик жараёнлар натижасида 史 *shi* – тарих сўзидан ҳосил бўлган)⁴³.

Юқорида зикр этилган таснифлардан тубдан фарқ қиладиган таснифни Жэнь Сюэлян беради. У янги сўзларнинг ҳосил бўлишида бешта асосий усулни ажратади:

морфологик 词法学造词法 *cifaxue zaocifa* ;

синтактик 句法学造词法 *jufaxue zaocifa*;

стилистик 修辞学造词法 *xiucixue zaocifa* ;

⁴¹ И.Д. Кленин., В.Ф. Щичко Лексикология и фразеология китайского языка.- М., 1978.-С. 72-110.

⁴² Ли Цзиньси, Лю Шижу. Нану юфа жиасай. [Учебные материалы по грамматике китайского языка]. -Пекин, 1959. -С. 595

⁴³ 孙常叙. 汉语词汇. -长春, 1956, 128 页.

фонетик 语音学造词法 yuyinxue zaocifa;

синтетик 综合式造词法 zongheshi zaocifa ⁴⁴.

Муаллиф сўз ясалишининг морфологик усулига куйидагиларни киритади: аффиксация, редупликация, фонетик ўзгаришлар ва конверсия (zhuanleishi –转类式).

Аффиксал сўз ясалишини Жэнь Сюэлян префиксал, суффиксал ва инфиксал усуллари, шунингдек, бир неча суффикслар орқали (多重词尾–duozhong ciwei) ва ҳисоб сўзлар ёрдамида (加量词–jialiangci) сўзларнинг ясалишига ажратади. Муаллиф ўзининг монографиясида 18та префиксни кўриб чиқиб, сўнгги ўн йилликларда хитой тилида мустақил маънога эга сўзлардан ҳосил бўлган ва ўзининг лексик маъносини йўқотмаган префикслар пайдо бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бундай префикслар каторига у куйидагиларни киритади: 老 lao, 阿 a, 小 xiao, 可 ke, 第 di, 初 chu, 巴 ba, 反 fan, 被 bei, 见 jian, 所 suo, 而 er, 非 fei, 不 bu, 准 zhun, 二 er, 以 yi ⁴⁵.

Суффиксал сўз ясалишини тавсифлашда Жэнь Сюэлян шуни таъкидлайдики, хитой тилида сўз ясовчи суффиксларнинг префиксларга нисбатан сони анча юқорироқ бўлиб, уларнинг ёрдамида от, феъл ва сифатлар ясалади. Префикслар каби суффикслар ҳам мустақил маънога эга сўзлардан ҳосил бўлади ва буларнинг барчаси ҳам ўзининг лексик маъносини бутунлай йўқотмаган бўлади. Жэнь Сюэлян сўз ясовчи суффиксал жумласига куйидагиларни киритади: 子 zi, 儿 er, 头 tou, 员 yuan, 家 jia, 者 zhe, 士 shi, 师 shi, 生 sheng, 手 shou, 汉 han, 夫 fu, 丁 ding, 郎 lang, 众 zhong, 属 shu, 鬼 gui, 棍 gun, 迷 mi, 犯 fan, 派 pai, 分子 fenzi, 主义 zhuyi, 性 xing, 处 chu, 品 pin, 巴 ba, 化 hua, 于 yu, 乎 hu, 以 yi, 么 me, 然 ran, 其 qi, 切 qie, 而 er, 尔 er, 且 qie, 的 de, 地 di, 得 de, 了 liao (le), 着 zhe ⁴⁶. Бундан кейин муаллиф

⁴⁴任学良. 汉语造词法. -北京, 1981, 2 页.

⁴⁵任学良. 汉语造词法. -北京, 1981.31-51 页.

⁴⁶任学良. 汉语造词法. -北京, 1981. 50-97 页

квазисуффикслар, ёки суффиксга ўхшаш (准词尾 – zhunciwei) билан келган сўзларга мисоллар келтириб, шу каби суффикслар ўзининг ривожланиш жараёнида эканини, уларнинг сони жуда кўплигини изоҳлаб бериб, бир нечта мисоллар келтиради: 论 lun, 度 du, 式 shi, 却 que, 豪 hao⁴⁷.

Жэнь Сюэлян инфикслар сифатида 不 bu, 里 li, 七八 qiba, 三四 sansi унсурларини 花不棱登 huabulengdeng – ранг-баранг, ола-була, ; *** jiligulu – мужмал, аниқ бўлмаган, 乱七八糟 luanqibazao – тартибсизлик ва бошқа шу каби сўзлар мисолида кўриб чиқади.

Бир неча суффикслар орқали ясалган сўзлар қаторига Жэнь Сюэлян қуйидагиларни киритади: 嘴巴子 zuibazi – тарчаки, шапалоқ тушуриш, 石头子儿 shitouzier – тошча, кичкина тош⁴⁸.

Тасниф муаллифи ҳисоб сўзлар ёрдамида сўзларнинг ҳосил бўлишини сўз ясалишнинг алоҳида бир тури деб ҳисобласа ҳам, уни аффиксация доирасида ўрганади. Унинг хусусиятлари шундан иборатки, отга тегишли ҳисоб сўзи қўшилиши натижасида бир бўғинли сўз икки бўғинлига айланади, ушбу усул орқали фақат отлар ҳосил бўлади. Масалан: 花朵 huaduo – гуллар, 信件 xinjian – хатлар мактублар, 船只 chuanzhi – кемалар, флот⁴⁹.

Юқорида келтирилган сўз ясалишининг таснифини таҳлил қилган ҳолда, шуни айтиб ўтиш керакки, учта муаллиф ҳам ҳозирги замон хитой тилида фонетик ва морфологик усулларни ажратишади (Сунь Чансюйда бу усул – морфологик-структурал), бироқ, ушбу атамалар орқали ҳар хил маъно-мазмунларни билдиришади. Мисол учун, Ли Цзиньси ва Лю Шижуларнинг талқинида морфологик сўз ясалиши ўз ичига аффиксация ва редупликацияни киритади; Сунь Чайсюйда морфологик-структурал усулга аффиксация ва

⁴⁷任学良. 汉语造词法. -北京, 1981. 97-98 页.

⁴⁸任学良. 汉语造词法. -北京, 1981. 98-99 页.

⁴⁹任学良. 汉语造词法. -北京, 1981. 99-100 页.

фонетик ўзгаришлар киритилади; Жэнь Сюэлянда эса – аффиксация, редупликация, фонетик ўзгаришлар ва конверсия кабилар жой олган. Хитой тилида аффиксал сўз ясалиши сўз кўшилишидан кейин ўзининг самаралиги бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Аффиксация ва ярим аффиксация тилшуносликда сўз ясалишининг иккита алоҳида мустақил усули сифатида кўрилади. Ушбу иккита усул ўртасидаги асосий фарқ қуйидагидан иборат: биринчи ҳолатда янги сўзлар тилда мавжуд бўлган сўз ва негизлар асосида сўз ясовчи аффикслар кўшиш орқали ясалади, иккинчи ҳолда эса – янги сўзлар ярим аффикслар ёрдамида ҳосил қилинади. В. А. Цыкиннинг фикрига кўра, аффиксация сўз ясалишининг морфологик усулига, ярим аффиксация эса – сўз ясалишининг лексик-морфологик усулига тегишлидир.⁵⁰ Аффикс ва ярим аффикслар ўртасидаги фарқ масаласи кўпгина тилшунослар, хусусан, В. А. Цыкин⁵¹, И. В. Жданкин⁵², О. П. Фроловаларнинг⁵³ ҳамда хитой тилшуноси Жэнь Сюэляннинг тадқиқотларида батафсил ўрганилади. Замоनावий хитой тилидаги сўз ясовчи аффиксларнинг аксарияти маънога эга сўзлардан пайдо бўлган. Шунингдек, хитой тилида маънога эга морфемадан аффиксал морфемага айланиш йўлини ҳали босиб ўтмаган талайгина морфемалар мавжуд. Улар аффикс ва маънога эга сўз ясовчи морфеманинг ўртасидаги оралик ўринни эгаллаб, ярим аффикслар номини олган.

Хитой ва хорижий тилшунослари замоनावий хитой тилида аффикс ва ярим суффиксларнинг бир мунча сонини келтирадилар, аммо битта жиҳатда улар яқдил: префикс ва ярим префиксларнинг сони суффикс ва ярим суффиксларнинг сонига нсбатан ана кам. Масалан, Жэнь Сюэлян ўзининг 1980 йилда нашр қилинган монографиясида 17 та префикс ва ярим префиксларни, 45 та суффикс ва ярим суффиксларни кўриб чиққан.

⁵⁰ В.И. Горелов. Лексикология китайского языка. -М., 1984. -С.50

⁵¹ В.А. Цыкин. Полуаффиксация в системе китайского словообразования //Вопросы языкознания. 1979. № 5. -С.80-91.

⁵² И.В. Жданкин .Слова - единицы речи в китайском языке: Дис. ...канд.филол.наук. -М., 1986. - С.146.

⁵³ О.П. Фролова. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. - Новосибирск, 1981. -С.132

Тао Лянь неологизмларнинг сўз ясалиши усулларини таҳлил қилиб, 18 та префикс ва ярим префиксларни ҳамда 54 суффикс ва ярим суффиксларни келтиради. Ишида кўриб чиқилган 2805 та неологизмлардан префикслар ва ярим префикслар орқали 93 та (3,32 %) янги сўз, суффикслар ва ярим суффикслар натижасида 354 та (12,62 %) янги сўз ҳосил қилинган.⁵⁴

Юқоридаги таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, хитой тилида сўз ясалишининг энг самарали усулларидан бири аффиксацияда суффиксларнинг миқдори кўпроқ, бу уларнинг самарали сўз ясаовчи воситалар сифатида гавдаланишига асос бўлади.

1.2. Индонезшунос тилшунослар томонидан сўз ясалиши, аффиксация усулининг ўрганилганлик даражаси

Индонез тилида сўз ясалиши масаласи, аффиксация усули бир қанча индонезиялик тилшунослар Alwi, H.⁵⁵, H., Chaer, Abdul⁵⁶, Kridalaksana⁵⁷, H.; Ramlan, M.⁵⁸, Resmini,⁵⁹ Samsuri⁶⁰ ва шу билан биргаликда кўпгина россиялик тилшунослар, жумладан, Н.Ф.Алиева,⁶¹ Л.Н. Демидюк.⁶², В.Д.Аракин⁶³, А.К.Оглоблин,⁶⁴ Ю.Х. Сирк томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган.

Индонез тилида ўзак сўзлар билан бир қаторда кўпгина ясама сўзлар мавжуд. Сўз ясалишининг қуйидаги усуллари қўлланилади:

⁵⁴ 涛良. 改革开放的来汉语新词语构词分析[Словообразовательный анализ неологизмов китайского языка периода политики "открытых дверей"] // 汉语 论存[Сборник статей по изучению китайского языка]. - 太原? 2002. 105-130 页.

⁵⁵ Alwi H., Dardjowidjojo S., Lapoliwa H., Moeliono A.M. Tata bahasa baku bahasa Indonesia. Edisi ketiga. -Jakarta, 1998. -158 h.

⁵⁶ Chaer, Abdul. Morfologi Bahasa Indonesia(Pendekatan Proses).- Jakarta. 2008.

⁵⁷ Kridalaksana, Harimurti. Kelas Kata Dalam Bahasa Indonesia (Edisi Ketiga). -Jakarta. 1994

⁵⁸ Ramlan, M. Morfologi: Suatu Tinjauan Deskriptif. -Yogyakarta: C.V.Karyono.1987.

⁵⁹ Resmini, Novi. Kebahasaan.(Fonologi, Morfologi, dan Semantik)...-Bandung 2003.

⁶⁰ Samsuri. Analisis Bahasa. – Jakarta 1987. 97- h

⁶¹ Н.Ф. Алиева. Особенности грамматического строя индонезийского языка в типологическом освещении. Доктор филол.наук. ...дисс. -М., 1992; Глагол в индонезийском языке. Проблемы аффиксации.Афтореферат дис.на соискание учен.степени кандидата филол.наук. -М., 1963.

⁶² Л.Н. Демидюк. Сопоставительный анализ аффиксальных именных словообразовательных систем некоторых индонезийской группы // Языки и литература Дальнего Востока и Юго-Восточной Азии. - СПб., 1994. -С21-27

⁶³ В.Д. Аракин. Грамматика индонезийского языка.- М.,1972.

⁶⁴ А.К.. глоблин .Грамматика индонезийского литературного языка.-СПб. 2008

- 1) фонетик вариациялар (хилма-хилликлар);
- 2) аффиксация;
- 3) редупликация ёки ўзак морфемаларининг иккиланиши;
- 4) сўз қўшиш⁶⁵

Ўзак морфемасига ёрдамчи морфема - аффикс ёки аффиксал морфемаларнинг қўшилиши орқали янги сўзни ҳосил қиладиган сўз ясалишининг усули аффиксация деб номланади. Индонез тилида ушбу усул жуда самарали ҳисобланади.⁶⁶

Индонез тилида аффикслар ўзак морфемага нисбатан жойлашиши бўйича тўртга турга ажратилади.

Аффикс негиз олдида жойлашса, уни *префикс* дейишади. Индонез тилида префиксация янги сўзларнинг ҳосил бўлишининг асосий воситасидир. Ҳосил қилувчи (самарали) префикслар: *pe-, per-, me-, ber-, ter-, ke-, se-*.⁶⁷

Агарда аффикс ўзак морфеманинг кетидан (кейин) келса, у *суффикс* деб номланади. Индонез тилида суффиксация префиксацияга нисбатан бироз кам самарали ҳисобланади. Энг самарали ҳосил қилувчи суффикслар – бу: *-an, -kan, -i*.⁶⁸

Агар аффикс икки қисмдан иборат бўлиб, биттаси ўзак морфемасидан олдин, иккинчиси эса – бу морфема кетидан келса, бундай аффикс *конфикс* деб аталади. Конфикслар ёрдамида сўз ясалиши индонез тили учун хос ходиса бўлиб, улар орқали талайгина ясама сўзлар ясалади. Энг самарали конфикслар: *pe-...-an, per-...-an, ke-...-an, ber-...-an, ter-...-kan, per-...-kan, per-...-i*.⁶⁹

⁶⁵ Н.Ф. Алиева., В.Д.Аракин, А.К.Оглоблин., Ю.Х. Сирк. Грамматика индонезийского языка. -М., 1972. -С.83.

⁶⁶ Н.Ф.Алиева. Глагол в индонезийском языке. Проблемы аффиксации.Афтореферат дис.на соискание учен.степени кандидата филол.наук. -М., 1963.

⁶⁷ Ramlan, M. Morfologi: Suatu Tinjauan Deskriptif. -Yogyakarta: C.V.Karyono.1987

⁶⁸ Алиева Н.Ф. Глагол в индонезийском языке. Проблемы аффиксации. Афтореферат дис.на соискание учен.степени кандидата филол.наук. М., 1963.

⁶⁹ Алиева Н.Ф., Аракин В.Д., Оглоблин А.К., Сирк Ю.Х. Грамматика индонезийского языка. М., 1972. -С.83.

Агарда аффикс ўзак морфеманинг ичида бўлса, у *инфикс* деб номланади. Ҳозирги замон индонез тилида инфикс орқали янги лексик бирликларнинг ҳосил бўлиши кўп учрайди. Инфиксларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: *-er-, -el-, -em-, -in-*.⁷⁰

Хитой тилидагидек, индонезия ва хорижий тилшунослари замонавий индонез тилида аффикс ва ярим суффиксларнинг бир мунча сонини келтирадилар, аммо битта жиҳатда улар яқдил: префикс ва ярим префиксларнинг сони суффикс ва ярим суффиксларнинг сонига нисбатан анча кам. Аммо умумий миқдор жиҳатдан ҳали ҳануз тафовутлар мавжуд. Буни қуйидаги иккита индонезшуносларнинг фикрларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, индонезиялик тилшунослардан Chaer Abdul ўзининг "Индонез тили морфологияси" деб номланган илмий асарида индонез тилида мавжуд 41 та аффикс ҳақида сўз юритади. Бундан фарқли ўлароқ россиялик индонезшунос А. К. Оглоблин "Грамматика индонезийского литературного языка" деб номланган асарида индонез тилида 40 та аффикс: 11 та префикс, 4 та инфикс, 13 та суффикс(ўзлашмаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ва 11 та конфикс ҳақида маълумот бериб, уни мисоллар орқали таҳлил қилган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, индонез тилида сўз ясалишининг самарали усулларида бири аффиксацияда суффиксларнинг миқдори кўпроқ, бу уларнинг самарали сўз ясаовчи воситалар эканлигидан далолат беради.

1 Боб бўйича хулоса

1 боб қамровида "Хитой ва индонез тилларида сўз ясалишининг аффиксация усули" мавзуси доирасида хитой тилшуносларидан Лу Живэйнинг "Хитой тилида сўз ясалиши" , Жэнь Сюэяннинг "Хитой тилида сўз ясалиши", Сунь Чансюйнинг "Хитой тили лексикаси" илмий асарлари,

⁷⁰ Оглоблин А.К.. Грамматика индонезийского литературного языка.-СПб. 2008. -С.85.

Тао Лиангнинг ""Очиқ эшиклар" сиёсий даврида хитой тили неологизмларининг сўз ясалиш таҳлили" номли илмий мақоласи; россиялик хитойшунослардан Н. Н. Коротков "Хитой тили морфологик қурилишининг ўзига хосликлари" А.А.Хаматованинг"Хитой тилида сўз ясалиши" илмий асарлари, В. А. Цыкиннинг "Хитой тили сўз ясалиши усули ярим аффиксация" ; индонезиялик тилшунослардан Alwi, H. ning "Индонез тили грамматик нормалари", H., Chaer, Abdulning "Индонез тили морфологияси", Kridalaksana ning "Индонез тилида сўз турлари", H.; Ramlan, M.ning "Морфология: тавсифловчи бир кўриниш", Resmini ning "Лингвистика(фонология,морфология ва семантика)", Samsuri ning "Тил таҳлили" каби илмий асарлари ва шу билан биргаликда кўпгина россиялик индонезшунос олимлардан Алиева Н.Ф. ning "Индонез тили грамматик қурилишининг типологик нуқтаи назардан ўзига хос жиҳатлари"номли фан доктори диссертациясида , В.Д.Аракиннинг "Индонз тили грамматикаси" , Демидюк Л.Н. ning "Индонез гуруҳи тиллари от сўз туркуми ясовчи аффиксларининг қиёсий таҳлили", А.К.Оглоблиннинг "Индонез тилида равишлаштириш (*ke-...-an* конфикси билан феъллар) номли илмий мақолалари таҳлили натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

- Хитой тилида тилшуносларнинг аффикслар борасидаги фикрларида тафовутнинг мавжудлиги. Буни статистик маълумотларда ҳам кузатдик. Мисол учун, Жэнь Сюэлян ўзининг 17 та префикс ва ярим префиксларни, 45 та суффикс ва ярим суффиксларни ажратган бўлса, Тао Лянь 18 та префикс ва ярим префиксларни ҳамда 54 суффикс ва ярим суффиксларни таҳлил қилган. Бундан кўриниб турибдики, хитой тилидаги аффикслар ҳали тилшунослар томонидан тўлалигича ўрганилганлиги йўқ.
- Индонез тилида тилшуносларнинг аффикслар ҳақидаги фикрларида шу нарсага дуч келдикки, адабий индонез тилида аффикслар бирламчи эмас. Сўзнинг янги лексик маъно ҳосил қилишида

аффикслар у қадар кўп ишлатилмайди. Асосан оғзаки тил, шеваларда лексик маъно ҳосил қилувчи кўпгина аффиксларни учратишимиз мумкин. Буни Chaer Abdul нинг "Индонез тилининг морфологияси" деб номланган илмий асарида жакарта шевасининг адабий индонез тилидаги аффиксларга таъсири мисолида кўришимиз мумкин.

2 БОБ. ХИТОЙ ТИЛИДА СЎЗ ЯСАЛИШИНING ЛЕКСИК-МОРФОЛОГИК УСЛУБИ: ЯРИМАФФИКСАЦИЯ УСУЛИ

Яримаффиксация (加半词缀 *jiā bāncízhǔi*) бу – сўз ясалишининг турларидан бири бўлиб, ўзакка ярим маънога эга (ярим маъноли) морфемани кўшиш орқали ҳосил бўлади. Хитой тилининг сўз ясалиши тизимида ярим аффиксация сўз кўшиш (ўзак кўшиш) ва аффиксация ўртасидаги ўринни эгаллайди. В. А. Цыкин яримаффиксацияни сўз ясалишининг ўзига хос мустақил лексик-морфологик усули, деб ҳисоблайди⁷¹. Мазкур усул учун қисман (айрим ҳолатларда эса – анчагина) ўзининг дастлабки маъносини йўқотган, делексикализациялашган, яъни грамматизациянинг маълум даражасига эга бўлган морфеманинг қўлланилиши хосдир. Фонетик ўзгаришлар нуқтаи назаридан ярим аффиксал морфемалар аксарият ҳолларда тонни нейтраллаштириб, оҳанг редукцияга учрамайди⁷².

Яримаффиксация – тилда мавжуд бўлган сўзлар ёки негизларга ярим аффиксларнинг кўшилиши орқали янги сўзларнинг ҳосил бўлишини назарда тутати. Мазкур сўз ясалиши усули сўз кўшиш ва аффиксация ўртасидаги оралик усул ҳисобланиб, сўнгги вақтларда хитой тилида унинг роли анча ортиб бормоқда.⁷³

Яримаффикс (半词缀 *bāncízhǔi*), дастлабки ўзак морфеманинг деривати (ҳосиласи) бўлиб, ушбу ўзак морфема билан генетик алоқада бўлади ва маъно жиҳатдан боғлиқликни йўқотмайди. Шундай қилиб, яримаффикс ва ўзак сўз ясовчи морфеманинг этимологик жиҳатдан ўзаро мутаносибликдаги, коррелятив жуфтликни ҳосил қилади.

Ярим аффиксларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар кенг семантик категория (шахс, предмет, жараён ва ҳ.к.лар)ни ифодаловчи сўзлар

⁷¹ В. А. Цыкин Полуаффиксация в системе китайского словообразования // Вопросы языкознания. – М., 1979. – С. 91.

⁷² В. А. Цыкин. Полуаффиксация в системе китайского словообразования // Вопросы языкознания. – М., 1979. – С.90.

⁷³ А.А. Хаматова. Словообразование современного китайского языка. -М., 2003. -С.76.

каторини ҳосил қилади. Шу билан бирга ярим аффикслар юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб, лексик бирликларнинг талайгина қисмини ҳосил қилади. Одатда ярим аффикслар ясама сўзларни муайян сўз туркумига киритади. Ҳар хил категорияларга тегишли бўлган сўзларни ҳосил қилувчи ярим аффикслар нисбатан қамроқ учрайди (масалан, 反 fan ва 超 chao ярим префикслари ҳамда 化 hua ярим суффикси). Шунини айтиб ўтиш жоизки, хитой тилида ярим аффиксация билан боғлиқ муаммо ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради, чунки ярим аффиксация ҳодисаси билан боғлиқ масалалар ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топмаган. Хусусан, ярим аффиксларни ажратиш тамойиллари аниқланмаганлиги боис, ушбу сўз ясовчи унсурларининг синфи ҳаддан ташқари кенгайиб кетган.⁷⁴

2.1. Хитой ва индонез тилларида яримпрефиксация.

Ҳозирги замон хитой тилида ярим префикслар катогориясига мансуб бўлган сўз ясовчи морфемаларнинг сони унча кўп эмас. Препозитив ярим маънога эга морфемани одатда ярим префикс (半前綴 banqianzhui) деб номлашади. Ўзак морфемасига ярим префикснинг қўшилиши натижасида лексик бирликлар ярим префиксал сўзлар дейилади. Ярим маъноли префикслар орқали ҳосил бўлган лексик бирликларнинг сони кўп эмас, ўзакдан кейин қўйиладиган морфемалар ёрдамида ҳосил бўлган сўзлардан ҳам анчагина кам.

超 chao ярим префикси асосан терминологик лексика соҳасида учрайди. У миқдор, меъёр, стандартдан ошиб кетишни ифодалайдиган отларни ҳосил қилади. Ўзбек тилида бу ярим префикс: *ўта, ўта юқори, ортиқ, гайри-, гипер, супер, ультра*. Ушбу префикснинг корреляти сифатида **超 chao** *ошиб ўтмоқ, устун (ортиқ) бўлмоқ* ўзак морфемаси келади. Масалан: 超音速 chaoyinsu – ўта юқори товуш тезлиги; 超声波 chaoshengbo –

⁷⁴ В.И. Горелов. Лексикология китайского языка. -М., 1984 -С. 51.

ультратовуш тўлқинлари; 超星系 chaoxingxi– гиперфазо (галактика); Мазкур ярим префикс сифат белгисининг энг юқори даражасига ишора қилувчи туб сифатларни ҳосил қилишда қўлланилади: 超低 chaodi– *ўта паст*; 超自然 chaoziran – *зайритабиий*.

泛 fan ярим префикси терминологик ва ижтимоий-сиёсий лексиканинг ҳосил бўлишида қўлланилади. Ушбу сўзлар бирон-бир нарсани бутун, ҳаммасини камраб олинишига ишора қилади ва *пан-* префиксига мос келади. 泛 fan кенгликда *ёйилмоқ, тарқалмоқ* ўзаги бу префикснинг корреляти вазифасини бажаради. Масалан: 泛心论 fanxinlun– панпсихизм; 泛神论 fanshenlun– пантеизм; 泛亚西亚主义 fanyaxiyazhuyi– паназиатизм;

微 wei ярим префикси кўпгина терминларни ҳосил қилишда қўлланилади ва унинг ёрдамида жуда кичик предметлар, кам ҳажмдаги миқдорларни ифолайдиган отлар ҳосил қилинади. Таржимада кўпинча *микро-* сўзи билан берилади. Ушбу ярим префиксли морфеманинг корреляти сифатида 微 wei – *жуда кичкина, зигирдай, заррачадай* ўзаги хизмат қилади. Масалан: 微生物 weishengwu – микроб, микроорганизм; 微观世界 weiguanshijie – микродунё, микрокосм (микромухит); 微量 weiliang – микродоза (миқдор).

亚 ya ярим префикси асосан терминларнинг ҳосил бўлишидан иштирок этади. Унинг ёрдамида у ёки бу тасниф тизимида иккиламчи (бўйсунувчи) синфларни англатувчи отлар ҳосил қилинади. Таржимада -*ости, суб -, гипо-* каби префикслар орқали ўгирилади. Мазкур сўз ясовчи морфема генетик равишда 亚 ya – *иккинчи, иккинчи даражали, иккиламчи* ўзаги билан боғлиқ. Масалан: 亚种 yazhong – синфости (турости); 亚科 yake – оилаости; 亚港 yagang – синфости;⁷⁵.

⁷⁵Бу ерда бир изоҳни келтириш жоиз: тўлиқ маъноли 亚 ya – *иккинчи, иккинчи даражали* морфемаси 亚圣 yasheng – *Иккинчи донишманд* (Конфуцийдан кейин, Мэнцзы файласуфининг ўлимидан кейинги унвони) маънодаги сўз бирикмасининг таркибига киради.

反 *fan* ярим префигкси турли функционал услубларда қўлланиладиган сўзларни ҳосил қилади. Улар ёрдамида қарама-қаршилиқ, зиддият, антагонизм маъносига эга отлар ва нисбий сифатлар ясалади. Таржиманда *қарши*, *анти-*, *контр-* каби префигслар билан берилади. Ушбу ярим префигсли морфеманинг корреляти сифатида 反 *fan* – *қарши*, *тесқари* ўзаги хизмат қилади. Жэнь Сюэлянининг таъкидлашича, сўз ясовчи 反 *fan* морфемаси – инглиз тилидан ўзлаштирилган префигс-калька ҳисобланади⁷⁶. Масалан: 反攻 *fangong*– контрхужум; 反包围 *fanbaowei* – контрқуршов (қамал); 反击 *fanji* – контрзарба⁷⁷;

Индонез тилида ярим префигслар, префиглар каби, ўзак, префигс, конфигсинг биринчи қисми олдидаги жойни эгаллаб, ундан бошқа морфемалар билан ажратилмайди. Аксарият ҳолатларда ярим префигслар икки бўғиндан иборат бўлиб, ўзак морфемаси билан ўхшаш бўлади, бошқалари эса – бир таркибли бўлиб, аффиксларга яқин туради. Демак, ярим префигсация префигсация ва сўз қўшилиши ўртасидаги оралиқ мавқени эгаллайди. Префигсларга қараганда, ярим префигслар камроқ учрайди, улар қўшилиб (биргалиқда), дефигс билан ёки алоҳида ёзилиши мумкин. Ўзининг келиб чиқиши нуқтаи назаридан ярим префигслар қуйидагиларга ажаратилади: а) асл (туб): *peri-* – иш, нарса; нутқ; тамоёил (принцип), *tan-* (ява тилида) – : бе-, но-, -сиз; б) санскрит ёки санскрит-явалик: *maha-* – ўта, архи-; *pra-* – -гача, -дан олдин; в) юнонча ва лотинча (интернационал): *mono-* – моно-, бир-, *non-* -сиз, бе-, но-. Ярим префигс ва унга қўшилиб келаётган сўзнинг келиб чиқиши турлича бўлиши мумкин: *mahakolosal* – ўта колоссал (ўта улкан) (*maha* – санскритдан, *kolosal*– голландия тилидан), *prasekolah* - мактабгача (*pra* – санскритдан, *sekolah* – португал тилидан)⁷⁸. Яримпрефигс

⁷⁶任学良. 汉语造词法. -北京, 1981.-С. 43

⁷⁷任学良. 反击 *fanji* сўзини аффиксал эмас, балки мураккаб сўз,деб ҳисоблайди. (任学良. 汉语造词法. -北京, 1981.-С44).

⁷⁸ А.К. Оглоблин.. Грамматика индонезийского литературного языка. -СПб. 2008

префикс олдидан келиши ҳам мумкин: *maha mengertahui* – барчасини билгувчи (*mengertahui* – билмоқ, билиб олмоқ *men-* префикси билан).

Куйидаги ярим префикслар отлар, сифатлар ва феълларга кўшилиши мумкин. Бунинг натижасида бир хил туркум (синф)га оид бирликлар ҳосил қилинади. Кўпгина ярим префиксал сўзлар атрибутивларга тегишли бўлади.

adi- – улкан, ўта, жуда, олий: *kuasa* – ҳокимият – *adikuasa* – олий ҳокимият;

antar- – -аро: *negara* – давлат – *antarnegara* – давлатлараро: *umat beragama* – диний уммат, диндорлар – *antar-umat beragama* – конфессиялараро;

anti- – анти-, -га қарши: *rakyat*– халқ – *anti-rakyat* – халққа қарши;

awa- – -сиз, но-: *hama*– (қишлоқ хўжалиги) зараркунандаси; ўсимликлар касаллиги – *awahama* – зарарсизлантирилган;

kontra- – контр-: *revolusi* – революция – *kontra revolusi* – контрреволюция;

maha- – ўта, архи-, барча: *siswa*– ўқувчи – *mahasiswa* – талаба; *luas* – кенг – *mahaluas* – ўта, жуда кенг; *pengasih*– севадиган – *Maha pengasih* – Барчани севадиган (барчага марҳаматли) (Аллаҳга тегишли);

mansa- – турли, бошқа, ҳар хил: *negara* – давлат – *mancanegara* – чет эл, хориж;

multi- – кўп, талай, сер-: *bakat* – иқтидор – *multi-bakat* серқиррали иқтидорлар;

nara- – одам, субъект: *pidana* – жиноят – *narapidana* – маҳкум, (жиноятчи); *sumber*– манба – *narasumber* – хабар беручи, хабар етказувчи манба;

pasca- – -дан кейинги: *sarjana* – бакалавр – *pascasarjana* – аспирант, докторант;

peri – сўз; нарса, иш (одатда таржима қилинмайди): *kehidupan* – ҳаёт – *peri kehidupan* ҳаёт, борлиқ, мавжуд бўлиш; *keadilan* – адолат – *peri-keadilan*– адолатлик принципи: *bahasa*– тил – *peribahasa* – мақол, матал;

pra- – -дан олдин, аввал: *sangka* – тахмин қилиш – *prasangka* – сохта фикр, нотўғри (хато) тушунча; *sejarah* – тарих – *prasejarah*– қадимги тарих даври (= ибтидоий жамият тарихи); *prabayar* – олдиндан тўлов;

pro- – учун, тарафдор: *kemerdekaan* – мустақиллик – *pro-kemerdekaan* – мустақиллик учун (тарафдори);

purna– тўла, тўлиқ: *purnawirawan* – истефодаги ҳарбий (сўзма-сўз: тўла + ҳарбий; *wira* – жангчи, жанговар, *-wan* суффикси билан);

salah– хато, но-: *sangka* – тахмин – *salah sangka* – хато, нотўғри тушуниш;

saling – ўзаро, бир-бирини: *mengerti* – тушунмоқ – *saling mengerti* – бир-бирини тушунмоқ; *pengertian* – тушуниш – *saling pengertian* – ўзаро тушуниш;

sub- – -ости: *kelompok*– гуруҳ – *subkelompok* – гуруҳости;

super- – супер-, ўта, жуда ҳам: *cepat* – тез – *supercepat* – ўта тез, жуда ҳам тез;

swa- – ўзининг, ўзини ўзи: *daya* – куч-қудрат, потенциал – *swadaya* – ўзининг кучлари; *-layan-i* – хизмат кўрсатмоқ – *swalayan* – ўзига ўзи хизмат кўрсатиш;

tan- – но-, -сиз, эмас: *logam* – металл, темир – *tanlogam*– нометалл, темир эмас; *wujud* – моддавий, материал – *tanwujud*– номатериал, материя эмас;

tuna- – но-, -сиз, -бе: *karya* – иш, меҳнат – *tunakarya* – ишсиз; *wisma* – манзил, уй-жой – *tunawisma* – муайян турар жойсиз.

anti-, *kontra-*, *maha-*, *non-*, *pro-*, *salah-*, *super-*, ярим префиксларнинг грамматик омонимлари – атрибутив ва предикативлари мавжуд: *manusia super* – супермен (*manusia* – одам); *kaum non* – неколлаборационистлар (*kaum* – одамлар, шахслар гуруҳи); *ada yang pro*, *ada yang kontra*– бирлари – тарафдорлар, бошқалари – қаршилар (сўзма-сўз: қайсиларки бор).

Ярим префикслар билан санскрит тилидаги сонларнинг ҳам ўхшашликларини кузатиш мумкин: *eka*– бир, *dwi* – икки, *tri* – уч, *catur* – тўрт, *panca*– беш, *sad* – олти, *sapta* – етти, *asta* – саккиз, *nawa*– тўққиз, *dasa* – ўн, *dwidasa* – йигирма. Булар қўшилиб, биргаликда ёзилиб, сўзнинг фақатгина биринчи компоненти (қисми) сифатида ишлатилади. Мазкур сонлар ёрдамида ясалган ҳосилалар отлар ёки атрибутивлар сифатида келади: *Pancasila* – Панчасила, (давлатнинг) бешта тамойиллари; *ekabahasa* – бир тилли, *dwibahasa* – икки тилли; *dwidasawarsa*– йигирма йиллик (*warsa*– йил).

saling кўрсаткичига эга ярим префиксал ўзаролик маъносидаги феъллар ўтимли ва ўтимсиз феъллардан ҳосил қилинади, шу жумладан, ўзаролик маъноси аффикслар ва иккилантирилиш орқали ифодаланган феъллардан ҳам.

menuduh– айбламоқ – *saling menuduh* – бир-бирини айбламоқ;

dekat – яқин – *saling dekat* – бир-бирига яқин бўлмоқ;

bercerita– айтиб бермоқ, ҳикоя қилмоқ – *saling bercerita* – бир-бирига айтиб бермоқ, ҳикоя қилмоқ;

mengganggu – (бош) қимирлатмоқ, ирғатмоқ – *salingmengganggu* – бир-бирига (бош) қимирлатмоқ, ирғатмоқ;

salah кўрсаткичига эга ярим префиксал феъллар ва I масдарлар турли туркумларга оид, ўзак ва аффиксал сўзлардан ҳосил бўлади.

faham– тушунча – *salah faham* – тушунмаслик, тушунмай қолмоқ, нотўғри тушунча;

cetak – босиб чиқармоқ, босмоқ – *salah cetak*– босма хато;

dengar – эшитмоқ – *salah dengar* – нотўғри эшитмоқ, янглиш эшитмоқ;

alamat – адрес, манзил – *salah alamat*– адрес, манзилда адашиб қолмоқ, адашиб тушмоқ⁷⁹.

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики индонез тилида яримпрефикслар тизими хитой тилига нисбатан ривожланган.

⁷⁹ А.К. Оглоблин. Грамматика индонезийского литературного языка. -СПб. 2008

2. 2 Хитой тилида яримсуффиксация

Сўз ясалишининг турларидан бири бўлмиш яримсуффиксация ҳозирги замон хитой тилининг сўз ясалиши тизимида аҳамиятли ўрин эгаллаб олди. Яримсуффиксация катта ички имкониятларга эга бўлиб, унинг фаолияти соҳасига кўпдан кўп морфемалар жалб этилиб бормокда. Замонавий терминология (терминшунослик)нинг шаклланишида ушбу турнинг роли жуда катта. Ярим маъноли постпозитив морфемани яримсуффикс (半后綴 banhouzhuì) термини билан юритиш қабул қилинган. Ўзак морфемасига яримсуффикснинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган лексик бирликлар яримсуффиксал сўзлар деб номланади.

Яримсуффиксация семантик майдон (соҳа)нинг каттагина қисмини камраб олгани боис, унинг ёрдамида ясалган сўзлар турли хил тушунчаларни англатади. Улар турли фаолият юритаётган шахслар, ҳар хил предмет ва нарсалар, уларнинг белгиларини, шунингдек, турли хил ўзгаришлар ва жараёнларни ифодалайди. Қуйидаги яримсуффиксларни кўрсатиб ўтамиз: 员 yuan, 师 shi, 生 sheng, 汉 han, 士 shi, 夫 fu, 客 ke, 手 shou, 丁 ding, 鬼 gui, 虫 chong, 蛋 dan, 派 pai, 份子 fenzi, 物 wu, 品 pin, 素 su, 体 ti, 力 li, 处 chu, 心 xin, 意 yi, 性 xing, 切 qie, 当 dang, 学 xue, 主义 zhuyi, 化 hua ва бошқалар.⁸⁰

员 yuan ярим суффикси хитой сўз ясалиши тизимида кенг қўлланилади. Унинг ёрдамида кўпгина лексик бирликлар ҳосил қилинади. Таркибида ярим маъноли морфема бўлган сўзлар от категориясига мансуб бўлиб, у ёки бу фаолият тури билан шуғулланувчи шахсларни билдиради. 员 yuan ярим суффикси 员 yuan – *ишлайтган ёки ўқиётган одам* маъносидаги ўзак морфемаси билан мутаносиб келади. Мисол учун: 学员 xueyuan – тингловчи, курсант; 教员 jiaoyuan – ўқитувчи, педагог.

⁸⁰ В.И Горелов. Лексикология китайского языка. -М., 1984 -С.53.

手 **shou** **ярим суффикси** турли хил касб (касб-хунар)га эга, шу жумладан, ўзининг касбини мукаммал қўлга киритган шахсларни билдирувчи талайгина отларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Ушбу сўз ясовчи морфема 手 **shou** – қўл ўзаги билан боғлиқ бўлади. Масалан: 帮手 **bangshou**– ёрдамчи, қўлости ишчи; 歌手 **geshou** – хонанда, ашулачи.

鬼 **gui** **яримсуффикси** ҳиссиёт-баҳо бериш маъносига эга отларни ҳосил қилади. Ушбу отлар иллатли хислатлар, хулқ-атворининг салбий, ёмон жихатларига эга одамни билдиради. Жэнь Сюэлян ушбу морфемани метафорик (истиорали) суффикс (比喻性的刺尾 **biyuxing de ciwei**) деб номлайди⁸¹. Бу яримсуффикснинг корреляти сифатида 鬼 **gui** – *иблис, шайтон* ўзак морфемаси хизмат қилади. 鬼 **gui** ярим маъноли морфема иштирокидаги ясама сўзлар субъектив баҳо бериш яримсуффиксига эга бўлиб, оғзаки услубда вужудга келган. Ҳозирда эса улар бадий-адабий услубда ҳам кенг трақалган. Мазкур морфема кенг ва тез-тез қўлланилгани боис сўзларнинг кўпгина миқдорини ҳосил қилади. Масалан: 醉鬼 **zuigui**, 酒鬼 **jiugui** – алкаш, пиёниста; 精明鬼 **jingminggui** – уддабурон одам; 油滑鬼 **youhuagui** – уста-муғомбир, хийлакор одам; 小气鬼 **xiaoqigui** – бахил, зикна, қизғанчиқ (одам);

虫 **chong** ва 蛋 **dan** **ярим суффикслари** субъектив баҳо (одатда салбий баҳо) бериш маъносига эга ясама лексик бирликнинг ясалишида иштирок этади. Улар унчалик самарали эмас ва отларнинг оз миқдорини ҳосил қилади. Ушбу ярим суффикслар 虫 **chong** *қурт, ҳашарот*; 蛋 **dan** *тухум* ўзак морфемалари билан генетик боғлиқ бўлади. Ясама сўзларнинг таркибига кириб, мазкур яримсуффикслар ўзининг дастлабки маъносини маълум даражада йўқотади. Мисол учун: 寄生虫 **jishengchong** – текинхўр,

⁸¹任学良. 汉语造词法. -北京, 1981.-С.74.

харомтомоқ; 应声虫 yingshengchong – лаганбардор; 糊涂虫 hutuchong, 糊涂蛋 hutudan – аҳмоқ, тентак.

心 xīn яримсуффикси от категориясига мансуб сўзларни ҳосил қилади. Ушбу морфемага эга ясама сўзлар асосан инсон табиатининг хислатлари, фазилатларини ифодалайди. 心 xīn ярим суффиксининг корреляти сифатида 心 xīn қалб, руҳият, одамнинг ички дунёси маъносидаги ўзак морфемаси хизмат қилади. Масалан: 热心 rèxīn – интилиш, ғайрат, ташаббус; 良心 liángxīn – виждон; 善心 shànxīn – эзгулик, шавқат; 耐心 nàixīn – сабр-тоқат; Бундан ташқари, мазкур ярим маъноли морфема жисмоний хиссиётларни ифодалайдиган сўзларни ҳам ҳосил қилади. Масалан: 恶心 èxīn қўнғил айниш, бузилиш; 醋心 cùxīn меъда (жиғилдон) қайнаши, зарда.

心 xīn ярим суффиксига эга айрим ясама сўзлар феъл категориясига мансуб бўлади, лекин синтактик транспозиция тартибида келса, отлар сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Мазкур турдаги лексик birlikлар одамнинг руҳий (психик) фаолиятига турли кўринишларини ифодалайди: 担心 dānxīn – хавотир қилмоқ, хавотир, безовта бўлмоқ, безовта бўлиш, хавфсирамоқ, хавфсираш; 操心 cāoxīn – қайгурмоқ, қайгуриш, безовта бўлмоқ, безовталаниш; 关心 guānxīn – безовта бўлмоқ, қайгурмоқ, қайгуриш.

意 yì ярим суффикси отларни ҳосил қилишда иштирок этади. Ушбу морфема иштирокидаги сўзлар 心 морфемаси билан келган сўзлар каби одамнинг хислат, фазилатларини ифодалайди. Мазкур морфема 意 yì *фикр, хоҳиш* ўзаги билан генетик мутаносибликда бўлади. Масалан: 大意 dàyì – эътиборсизлик, пала-партишлик; 敌意 dìyì – адоват, хусумат, ёқтирмаслик; Баъзан бу морфема инсоннинг жисмоний хиссиётлари, шунингдек, унинг руҳий фаолияти кўринишларини ҳосил қилиши мумкин. Масалан: 倦意 juànyì – чарчоқ, толиқиш; 酒意 jiǔyì – мастлик, маст бўлиш; 羞意 xiūyì – уят, уялиш.

物 wu ярим суффикси сўз ясовчи морфема сифатида от катогориясига мансуб аксарият отларнинг таркибига киради. Ушбу сўзлар турли хил нарсалар ва предметларни ифодалайди. Айрим, камдан-кам учрайдиган ҳолатларда бу сўзлар тирик жонзотларни англатиши мумкин. Мазкур морфема 物 wu *нарса, предмет* ўзак морфемаси билан этимологик боғлиқ. Масалан: 产物 chanwu – ҳосил, мева, натижа (кўчма маънодаги юзага келтириш); 刊物 kanwu – нашр, матбуот; 毒物 duwu – захар, оғу; 礼物 liwu – совға, ҳадья.

品 pin яримсуффикси муайян сифат, хусусиятларга эга предмет ва нарсаларни ҳамда уларнинг ясалган материали, ясашиш усули ва қўлланилишини билдирувчи отларни ҳосил қилади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу яримсуффикс турли хил маҳсулот, буюм, молларни ифодаловчи лексик бирликларни ясашишида иштирок этади. Мазкур яримсуффикс орқали ҳосил бўлган икки морфемали сўзларни кўриб чиқамиз: 作品 zuopin – асар, маҳсулот; 产品 chanpin – маҳсулот, фабрикат; 用品 yongpin – предмет, буюм; 次品 cipin – иккинчи навли (ўртача) маҳсулот (буюм);

品 pin ярим суффиксига эга уч морфемали лексик тузилмаларга мисоллар келтирамиз:

日用品 riuyongpin – кундалик истеъмолдаги восита (буюм)лар; 半成品 banchengpin – ярим маҳсулот (фабрикат)лар; 工业品 gongyepin – саноат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш маҳсулотлари; 印刷品 yinshuapin – матбуот нашрлари;⁸².

素 su ярим суффикси илмий тушунчаларни ифодалайдиган отларни, асосан, турли хил моддаларнинг номларини ҳосил қилади. Ушбу сўз ясовчи морфема 素 su *дастлабки модда, унсур* маънодаги ўзак морфемаси билан генетик боғлиқ. Масалан: 元素 yuansu – унсур (кимёвий); 抗生素 kangshengsu

⁸²Изоҳ: 物品 wupin – предметлар, нарсалар маъносига эга лексик birlik ўзакни кўшиш усули орқали ясалган бўлиб, синонимик турдаги мураккаб сўзлар каторига киритилади.

– антибиотик; 卫生素 weishengsu – витамин; 毒素 dusu – токсин (заҳарли модда);

性 xing ярим суффикси ярим маъноли морфема бўлиб, мавҳум (абстракт) отларнинг кўпгина қисмини ҳосил қилади. Бу қатордаги сўзлар предмет ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқадиган турли хил хусусиятларни ифодалайди. 性 xing ярим суффикси генетик равишда 性 xing тус, хосса, хусусият, табиат, ички табиат маъносидаги ўзак морфемаси билан боғлиқ. 性 xing ярим маъноли морфема ёрдамида ҳосил бўлган сўзларнинг морфологик ва маъновий хусусиятларини қўйидаги мисолларда кўришими мумкин:

可能性 kenengxing – имконият; 必然性 birangxing – зарурат, муқаррарлик; 革命性 gemingxing – инқилобийлик; 普遍性 pubianxing – умумийлик, шумуллик; Мазкур турдаги айрим лексик бирликлари нисбий сифатларнинг категориясига мансуб бўлиши мумкин, бу ҳолатда улар аниқловчи кўрсаткичи бўлмиш – 的 de ёрдамчи сўзи билан бирга қўлланилади⁸³. Масалан: 经典性(的)著作 jingdianxing (de) zhuzuo – мумтоз (классик) асар; 历史性(的)事件 lishixing (de) shijian – тарихий воқеа, ҳодиса; 先天性(的)心脏病 xiantianxing (de) xinzangbing – юракнинг туғма нуқсони; 风湿性(的)心脏病 fengshixing (de) xinzangbing – юракнинг ревматик нуқсони;⁸⁴.

切 qie яримсуффикси ўзининг семантик ва лексик хусусиятлари бўйича сифат категориясига мансуб лексик бирликларини ҳосил қилади. Ушбу ҳосила сўзлар предметларнинг туб (асл) белгиларини ифодалайди ва бу белгиларга юқори шиддатлик (кўп маротабалик) даражаси ҳосилдир. Мазкур

⁸³ В. А. Цыкин. Полуафиксация в системе китайского словообразования // Вопросы языкознания. – М., 1979. № 5. – С. 88.

⁸⁴Изоҳ: 天性 tianxing – табиат; 人性 renxing – одам табиати; 理性 lixing – онг, заковат (интеллект); 男性 nanxing – эркак жинси; 女性 nuxing – аёл жинсин; 个性 gexing – шахс, шахсият, индивидуаллик, хоссалик каби сўзларда 性 xing морфемаси ўзак бўлгани боис, ушбу сўзлар ўзак қўшиш (сўз қўшиш) орқали ҳосил қилинган. Батафсил қаранг: 任学良. 汉语造词法. 北京, 1981.-С.77.

ярим суффиксининг корелляти сифатида 切 qie *тегишли, муносиб, хос, мос келган* маъносига эга морфема хизмат қилади.

Хитой тилшуноси Жэнь Сюэлянининг фикрига кўра, бу қаторнинг сўзларида 切 qie постпозитив морфемаси ярим суффикс сифатида хизмат қилади ва ўзак морфемаси ифодалаган белгига шиддатлик (кучайтириш) тусини бериб туради⁸⁵. Мисол тариқасидаги қўйидаги гуруҳларни таҳлил қиламиз: 真切 zhenqie – аниқ, ойдин, равшан; 确切 queqie – аниқ, ҳақиқий, ишончли; 迫切 poqie – долзарб, зарурий; 急切 jqie – муҳим, зарур;

当 dang яримсуффикси (ярим маъноли морфема) 切 qie морфемаси каби, сифатлар категориясига мансуб лексик бирликларнинг ясалишида иштирок этади. Одатда бу ҳосила сўзлар предметларга хос бўлган ижобий белги, хосса ва хусусиятларни ифодалайди. 当 dang ярим суффикси 当 dang *тегишли, мос* маънодаги ўзак морфемаси билан этимологик боғлиқ бўлади. Масалан: 正当 zhengdang – тўғри, адолатли, қонуний; 妥当 tuodang – муносиб, зарурий, ўринли; 相当 xiangdang – тегишли, муносиб, мос (келадиган), лойиқ; 适当 shidang – зарурий, тегишли, мақсадга мувофиқ;⁸⁶.

化 hua яримсуффикси ҳозирги замон хитой тилининг сўз ясалиши тизимида кенг қўлланилади. Ушбу ярим суффикс ҳаракат жараёни, ўзгариш, предметнинг бошқа ҳолатга ўтишини ифодалайдиган кўпгина сўзларни ҳосил қилади. 化 hua *айланиб қолмоқ, айланиб қолиш* ўзак морфемаси мазкур ярим суффиксининг корреляти сифатида хизмат қилади. Бундай сўз ясалишига оид лексик бирликлар ўзининг лексик-грамматик хусусиятлари бўйича от категориясига мансуб бўлади. Бўғинлар миқдори нуктаи назаридан ушбу сўзлар уч морфемали (камроқ – икки морфемали) лексик ҳосилалар ҳисобланади. Масалан: 深化 shenhua – чуқурлашиш, чуқурлашмоқ; 激化 jihua

⁸⁵任学良. 汉语造词法.- 北京, 1981.-С.89-90.

⁸⁶Изоҳ: 切当 qiedang – тегишли (мос келувчи) – муносиб (тўғри келадиган)>зарурий, тегишли, муносиб маъносини ифодаловчи лексик бирлиги сўз қўшиш усули ёрдамида ҳосил бўлиб, синонимик турдаги мураккаб сўзлар қаторига киритилади.

– кескинлашиш, кескинлашмоқ; 僵化 jiānghuà – музлаш, музламоқ, қотиб қолиш, қотиб қолмоқ, 恶化 èhuà - ўлиб қолиш, ўлиб қолм;

化 huà ярим маъноли морфема мавжуд бўлган баъзи сўзлар от категориясига, шунингдек, синтактик транспозицияда феълга тегишли бўлади. Ушбу сўзлар юқорида кўриб чиқилган лексик бирликлардан фарқли равишда, феъллий кесим вазифасини бажариб, тўлдирувчи билан бирга келиши мумкин. Масалан: 简化 jiǎnhuà – соддалаштириш, соддалаштирмоқ; 分化 fēnhuà – чириш, чиритмоқ, қаватлашиш, қаватлашмоқ; 净化 jìnghuà – тозалаш, тозаланиш, тозаламоқ; 绿化 lǜhuà – кўкаламзорлаштириш, кўкаламзорлаштирмоқ;

Хитой тилининг яримаффиксация соҳасида сўз ясалиши синонимияси каби ҳодисани кузатиш мумкин. Синонимик сўз ясовчи морфемаларнинг қўлланилиши натижасида мутлақ (абсолют) синонимлар жуфтликлари ҳосил бўлади. Масалан, 心 xīn ва 性 xìng ярим суффикслари 耐心 nàixīn ва 耐性 nàixìng – *сабр, сабр-тоқат* тўлиқ синонимлар ҳосил бўлишида иштирок этади. Сўз ясовчи 物 wù ва 品 pǐn морфемалари ҳам 礼物 lǐwù ва 礼品 lǐpǐn – совға, ҳадъя маънодаги синонимик жуфтликни ҳосил қилади. Яримсуффиксал 虫 chōng ва 蛋 dàn морфемаларнинг қўлланилиши эса, 糊涂虫 hūtuchōng ва 糊涂蛋 hūtudan – тентак, аҳмоқ сўзлар-синонимларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

2 Боб бўйича хулоса

Хитой ва индонез тилларидаги яримаффикслар таҳлил қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Хитой тилида яримпрефикслар иштирокида ясалган янги сўзлар асосан терминологик лексика соҳасида учрайди.
2. Индонез тилида ярим префикслар келиб чиқиши нуктаи назаридан А.К.Оглоблиннинг "Индонез тили грамматикаси"

китобида 3 турга ажратилади: а) асл (туб) префикслар; б) санскрит ёки санскрит-ява тилидан; в) юнонча ва лотинча (халқаро) дан кириб келган ўзлашма префикслар.

3. Индонез тилидаги баъзи ярим префиксларнинг грамматик омонимлари - атрибутивлар ва предикативлари мавжуд.
4. Индонез тилидаги ярим префикслар билан санскрит тилидаги сонларнинг ўхшашликлари кузатилди.
5. Хитой тилида яримсуффикслар яримпрефиксларга қараганда анча сермахсулдир.
6. Хитой тилидаги яримсуффикслар асосан от сўз туркумига оид сўзларни ҳосил қилишда иштирок этади.
7. Хитой тилининг яримсуффиксация соҳасида сўз ясашиши синонимияси каби ҳодисани кузатиш мумкин. Синонимик сўз ясовчи морфемаларнинг қўлланилиши натижасида мутлақ (абсолют) синоним-яроимсуффикслар жуфтликлари ҳосил бўлади.
8. Индонез тили манбаларида яримсуффикслар ҳақида маълумот кузатилмади.

3 БОБ. ХИТОЙ ВА ИНДОНЕЗ ТИЛЛАРИДА СЎЗ ЯСАЛИШНИНГ МОРФОЛОГИК УСЛУБИ: АФФИКСАЦИЯ УСУЛИ

Морфологик усул – тилда мавжуд бўлган негизлар ва сўз ясовчи аффиксларнинг асосида янги сўзларни ҳосил қилишдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бу усулни аффиксация деб номлашади. Хитой тилида бу усулга префиксация ва суффиксацияни қўшишади. Аффиксал сўз ясалишига аралаш, қўшилган усул – префиксал-суффиксал усул, яъни ҳосил қилувчи сўз ёки негизга бир вақтнинг ўзида префиксал ва суффиксал морфеманинг қўшилиши ёрдамида янги сўзларнинг ясалиши киритилади. Морфологик усул охириги вақтларда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Аффикслар сони, уларнинг самарадорлиги тобора ортиб, аффиксал сўзларнинг татбиқ қилиш соҳалари кенгайиб бормоқда: терминологик (атамашунослик) лексикадан тортиб, кундалик оғзаки тилгача.⁸⁷

Аффиксация (加词缀 jiácízhǔ) – маънога эга морфемага аффиксларни қўшишдан иборат бўлган сўз ясовчи усул ҳисобланади. Ҳозирги замон хитой тилининг сўз ясалиши тизимида аффиксация ўзининг аҳамияти бўйича иккинчи ўрин эгалламоқда. Аффиксация сўз қўшиш усулидан бир оз торроқ бўлсада, аффиксал сўз ясалиши лексик бирликларнинг ҳосил бўлишида муҳим рол ўйнайди. Аффиксация ва сўз қўшиш усуллари муштарак

⁸⁷ А.А. Хаматова. Словообразование современного китайского языка. -М., 2003. -С.76.

жихатларга эга бўлиб, ёнма-ён турадиган ҳодисалар ҳисобланади. О. П. Фролованинг таъкидлашича, хитой тилида, бошқа кўпгина тиллардагидек, отларнинг аффиксал сўз ясалиши сўз қўшиш негизида вужудга келади ва шу боис у билан узвий ва ўзаро боғлиқликда бўлади⁸⁸.

Аффикс (词缀 cizhui) – формал морфема ҳисобланиб, маънога эга морфема (ўзак бўғини)га қўшилади. Хитой тилида маънога эга сўзларни тартибий унсурларга, сўз ясовчи формантларга айлантириш натижасида аффикслар пайдо бўлади. Маълумки, тўлик маънога эга сўз аффиксга айлангунча аста-секин ўзининг тўлиқ маъносини йўқотиб боради. Аффикс мавҳум (абстракт)-грамматик маънога эга, аммо предмет-лексик маънодан холи бўлади. 头 tou – бош маъносини англатувчи сўз мисолида маънога эга морфеманинг тадрижий грамматизациялаш ва уни “соф аффикс”га айланиши жараёнини кузатиш мумкин.⁸⁹

Аффиксация янги лексик бирликларини ҳосил қилишдаги сўз ясалиши усулларидан бири сифатида турли тузилмавий-семантик ҳодисаларни ҳам вужудга келтиради. Отларнинг сўз ясалишида мустақил сўз мавқеига эга бўлмаган ўзак бўғинига суффиксларни қўшиш усули кенг тарқалган. Бу ҳолатда ясама сўз асос қилиб олинган ўзак сўзга семантик тенг бўлган икки морфемадан ташкил топади ва путунхуада қўлланилади. Масалан: 桌 zhuo , 桌子 zhuozi – стол; 椅 yi, 椅子 yizi – стул; 鼻 bi, 鼻子 bizi – бурун; 帽 mao, 帽子 maози – бош кийим (шапка). Агарда суффикс орқали бир таркибли сўз ҳосил қилинса, унда бошланғич лексик бирликнинг иккинчи шакли сифатида унинг тузилмавий (морфологик) варианты пайдо бўлади. Масалан: 车 che, 车子 chezi – арава, улов; 路 lu, 路子 luzi – йўл; 刀 dao, 刀子 daozi – пичоқ; 旗 qi, 旗子 qizi – байроқ.

⁸⁸ О. П. Фролова. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск, 1981. – С. 77.

⁸⁹ В.И Горелов. Лексикология китайского языка. -М., 1984 -С.64.

Баъзиларда сўз ясалишининг суффиксал усули ҳосил қилувчи ўзак бўғинидан фарқ қилувчи лексик-грамматик категорияга мансуб сўзларнинг ясалишида қўлланилади. Шундай қилиб, сўз ясалиши жараёнида ўзак бўғининг категориал тегишлилик соҳасида ўзгариш рўй беради. Бундай вазифа 子 zǐ, 儿 er, 头 tóu каби субстантивлаштирувчи суффикслар учун хосдир. Н. Н. Коротковнинг таъкидлашича, “пекин шевасида кенг тарқалган феъл ва феълдан ясалган отнинг ўртасида фарқни белгиловчи морфологик усул сифатида 儿 er суффиксини қўшиш натижасида бўғиннинг ретрофлексизацияси хизмат қилади”⁹⁰.

子 zǐ, 儿 er ва 头 tóu суффикслари феълий ва адъектив⁹¹ ўзак бўғинларидан отларни ҳосил қилишда иштирок этади. Масалан: 剪 jiǎn – қирқмоқ, кесмоқ, 剪子 jiǎnzi – қайчи; 想 xiǎng – ўйламоқ, фикрламоқ, 想头 xiǎngtóu – фикр, ўй; 甜 tián – ширин, 甜头 tiántóu – ширинлик;

Сунь Чансюй ўзининг китобида қуйидаги мисолларни келтиради: 刺 cì – санчмоқ, сукмоқ, 刺儿 cìr – тикан, зирапча; 画 huà – расм чизмоқ, 画儿 huàr – расм, сурат; 包 bāo – ўрамоқ, 包儿 bāor – ўрам, боғлам, тугун; ва ҳоказо⁹².

Баъзан ўзак бўғинининг аффиксацияси натижасида ўзига хос лексик-грамматик категория ҳосил бўлади. Ушбу ҳодисани иккита грамматик синфга тегишли сўзлар мисолида кўришимиз мумкин. Хитой тилида префиксация орқали тартиб сонларнинг синфи ташкил топган. Санок сонларга қўшилган 第 dì префикси тартиб сонларни ҳосил қилади: 第一 dìyī – биринчи, 第二 dì'èr – иккинчи ва ҳ.к.

Хитой тилидаги феъл ҳосилалари соҳасида суффиксация ёрдамида ўзининг тузилмавий-семантик хусусиятларига эга натижавий (результатив)

⁹⁰ Н.Н.Коротков. Основные особенности морфологического строя китайского языка: (Грамматическая природа слова). – М., 1968. – С. 74.

⁹¹ Сифат категориясига мансуб.

⁹² 孙常叙. 汉语词汇. -长春, 1956, 151-152 页.

феъллар синфи ясалган. Масалан: 找到 zhaodao – топмоқ, излаб топмоқ; 听见 tingjian – эшитмоқ; 记住 jizhu – эслаб олмоқ;

Отларга оид сўз ясашида яна бир ҳодисага эътибор бериб ўтиш лозим. Айрим сўзлар (уларнинг сони нисбатан кам) суффиксал усули орқали ясалган бўлиб, ўзак морфемасида мужассамланган маънодан фарқли маънони англатади. Бир неча мисоллар келтирамиз: 腰 yao – бел ва 腰子 yaozi – буйрак; 麻 ma – кенаф, канопа 麻子 mazi – юзи чўтир (одам); 月 yue – ой ва 月子 yuezi – туғруқдан кейинги муддат (вақт); Бу ўринда Люй Шусян куйидаги мисолни беради: 书 shu – китоб ва 书子 shuzi – хат, ёзишма, хатлар⁹³. Аммо ҳозирги хитой тили (путунхуа) луғатларида ушбу сўз белгиланмайди.

Хитой тилида аффиксациянинг икки турини кўрсатиш мумкин: префиксация ва суффиксация. Айтиб ўтиш керакки, аффиксал сўзлар асосан суффиксал усул ҳисобига ясалади, префиксал усулнинг қўлланилиши эса, бир оз чегараланган. Суффиксация ёрдамида отлар ва феълларнинг аксарияти, шунингдек, айрим ҳоллар ясалади. Префиксация орқали эса фақатгина тартиб сонлар ва отларнинг маълум бир қисми ҳосил бўлади.

Индонез тилида аффиксация кенг қўлланилади. Аффиксация агглютинатив тус (характер)га эга, яъни сўздаги аффикслар ҳам фонетик жиҳатдан, ҳам ўзининг маъноси бўйича бир-биридан ва ўзак морфемадан ажралиб туради. Индонез тилидаги феълий аффиксацияга сўз ясаши ва шакл ясаши жараёнларининг ўзаро кириши (таъсири) хосдир. Бу куйидагиларда ўз аксини топади: 1) бир хил аффикс турли сўзларда ҳал хил вазифаларни бажаради (масалан: *ber-*, *ter-*, *me-* ҳам ўтимсиз феълларни, ҳам ўтимсиз феълларнинг нисбат шакллари ҳосил қилади; *-kan*, *-i* суффикслари феълий бўлмаган морфемалардан ўтимли феъллар негизларини ҳосил қилади, шу билан бирга ўтимли-феълий негизда ўтимликнинг турли

⁹³ 吕叔湘. 中国语法要略. -上海 1954, 17 页

маъноларини билдиради); 2) бир хил аффикс битта сўзнинг ўзида сўз ясашиши вазифаси шакл ясашиши билан бирлашиб келиши мумкин (масалан: *me-*, *di-* префикслари от морфемалар билан бирлашиб, ўтимли феълнинг нисбат шаклларини ҳосил қилади, *ter-* префикси эса отлардан ўтимсиз феълларни ҳосил қилиб, уларга натижавийлик маъносини беради).

Аффиксларнинг сўз ясовчи вазифаси янги лексик маънога эга, асос қилиб олинган (бошланғич) бирликдан фарқ қиладиган бошқа лексик-грамматик синф ёки синфостига тегишли бўлган сўзларни ҳосил қилишдан иборат. Ўтимсиз феъллар синфиостида сўз ясовчи вазифасини *ber-*, *ter-*, *me-* префикслари бажаради: *kerja* – иш, меҳнат – *bekerja* – ишламоқ, меҳнат қилмоқ; *bayang* – соя – *terbayang* – акс эттирилмоқ; *kuning* – сариқ – *menguning* – сарғаймоқ.

Ўтимли феъллар синфи остида сўз ясовчи вазифани, ўтимли-феълий негизни ҳосил қилиш вазифасини *-kan*, *-i* суффикслари, *per-* префикси ва *per-...-kan*, *per-... -i* конфикслари бажаради: *tenang* – тинч, жим, хотиржам – *tenangkan* – тинчлантирмоқ, хотиржам қилмоқ; *panas* – иссиқ – *panasi* – иситмоқ; *kepala* – бош – *kepalai* – бошқармоқ, бош бўлмоқ; *tajam* – ўткир, кескин – *pertajam* – ўткирламоқ, кескинлаштирмоқ; *isteri* – хотин, рафиқа – *beristeri* – хотинга эга бўлмоқ, *peristeri* – уйлантирмоқ.

Сифатлар синфи остида махсус сўз ясовчи аффикслар мавжуд эмас. Сифат даражасини ифодаловчи аффикслар шакл ясовчи воситалар сифатида ўрганилади.

Аффиксларнинг шакл ясовчи вазифаси грамматик шаклларини ҳосил қилишдан иборатдир. Бу жараёнда янги сўз ясалмайди; сўз фақатгина қандайдир янги грамматик маънони ифодалаш ва гапда бошқа сўзлар билан алоқаларни акс эттириш имконига эга бўлади. Аффикслар ўзининг шакл ясовчи вазифаларини кўпроқ ўтимли феъллар синфиостида намоён қилади. Уларнинг ёрдамида қўйидагилар ясалади: а) аниқ ва мажхул нисбатлар: *menulis*– ёзмоқ (аниқ нисбат) – *ditulis* – ёзилган бўлмоқ (мажхул нисбат); *mendinginkan* – совутмоқ, салқинлатмоқ (аниқ нисбат) – *didinginkan* –

совутилган бўлмоқ, салқинланган бўлмоқ (мажхул нисбат); б) мажхул нисбатда шахс шакллари бир-бирига қарши қўйилади: *tulis* (1- ва 2-шахс) – *ditulis* (3-шахс ва номаълум шахс) – *tulis* ёзмоқ негизидан.

Аффиксация ўзак морфемасининг иккиланиши билан бирга аксарият ҳолатларда грамматик маъноларни ифодалашга, яъни шакл ясашга хизмат қилади. Баъзи ҳолатларда сўз ясовчи ва шакл ясовчи вазифалар бирлашиши мумкин: *tidur - tiduran* – мудрамоқ, ўринда ётмоқ (*tidur* – ухламоқдан), *dengar-dengaran* – диққат-эътиборсиз тингламоқ (*dengar* – эшитмоқдан), *bermanja-manja* – ўйнамоқ, бола билан шуғулланмоқ (*manja* – эркалатмоқ; эркатой, эркаланган).

Ушбу усул қуйидаги грамматик маъноларни ифодалаш учун қўлланилади:

а) *ber-* + иккиланган ўзак морфемаси + *-an*: *memandang* – қарамоқ – *berpandang-pandangan* – бир-бирига қарамоқ, нигоҳ ташламоқ;

б) иккиланган ўзак морфемаси + *-an* (бу модель одатда оғзаки тилда учрайди): *memanggil* – чақирмоқ – *panggil-panggilan* бир-бирини чақирмоқ, бир-бирини чақиришмоқ; *membunuh* – ўлдирмоқ – *bunuh-bunuhan* – бир-бирини ўлдирмоқ.

в) ўзак морфемаси + *me-* + ўзак морфемаси: *metukul* – урмоқ, *pukul-metukul* – бир-бирини урмоқ; *menyerang*– хужум қилмоқ, тажовузлик қилмоқ , *serang-menyarang* – бир-бирига галма-гал хужум қилмоқ;

2. Бу ерда қуйидаги моделлар юқори самарага эга:

а) *ber-* + иккиланган ўзак морфемаси: *bersiul-siul*– хуштак чалмоқ, *berpindah-pindah* – кўчиб ўтмоқ;

б) *me-* + иккиланган ўзак морфемаси: *membalik-balik* – ўгирилмоқ, *menarik-narik* – тортмоқ, чўзмоқ;

в) ўзак морфемаси + *-an*: *nanti-nantian* – узоқ кутиб турмоқ, *ikut-ikutan* – изма-из бормоқ, юрмоқ;

г) иккиланган ўзак морфемаси + *-kan* : бу модель ўтимли феъл негизидан аниқ ва мажхул нисбатларни ҳосил қилади: *boros-boroskan* –

сарфламоқ, беҳуда ишлатмоқ; *lambai-lambaikan* – силтамоқ, силкимоқ, айлантирмоқ, хилпиратмоқ;

д) иккиланган ўзак морфемаси + *-i* : бу ўтимли феъл негизининг модели хам: *takut-nakuti* – кўрkitмоқ, дўқ-пўпписа қилмоқ, *lompat-lompati* – сакраб ўтмоқ, ҳатлаб ўтмоқ;

е) *per-* + иккиланган ўзак морфемаси + *-kan* – хамда ўтимли феъл негизи модели: *permanja-manjakan* – ўта, ҳаддан ташқари эркалатмоқ, *pertabur-taburkan* – атрофга сочмоқ, сочиб ташламоқ;

ж) *ter-* + иккиланган ўзак морфемаси: *tercengang-cengang* – жуда хайрон қолган, таажжубланган, *terbayang-bayang*– туюлмоқ, кўзга кўринмоқ;

з) ўзак морфемаси + *-em-* ёки *el-* инфиксли ўзак морфемаси (модель унча самарали эмас): *jajah-jelajah* – кезмоқ, мамлакат бўйлаб юрмоқ (*jajah* – саёҳат қилмоқдан);

3) сифатларнинг юқори ёки максимал сифат даражасини ифодалаш учун; бу ҳосилалар қуйидаги моделларга эга:

а) *se-* + иккиланган ўзак морфемаси + *-nya* : *besar* - катта , *sebesar-besarnya* – энг катта;

б) иккиланган ўзак морфемаси + *-nya* : *kecil* – кичкина – *kecil-kecilnya* – энг қичкина, майда; *kenyang* – тўқ - *kenyang-kenyangnya* – тўйдирилган, тўйғазилган;

4) сифатлардаги хусусиятлар (сифатлари)нинг монандлашиши, тақлид қилиниши ёки даражанинг пастлиги (камлиги)ни ифодалаш учун:

а) иккиланган морфема + *-an* : *biru-biruan* – кўкариб турган, кўкимтир, кўкишроқ, *abu-abuan* – кул рангли, кул ранги камроқ;

б) *ke-* + иккиланган ўзак морфемаси + *-an* : *hitam* – қора – *kehitam-hitaman* – қорамтир, қорайиб турган;

5) мазкур субъектнинг туб белгиси билан боғлиқ муайян ҳолатини ифодалаш учун. Ўтимсиз феъллар сифатида қўлланилаётган буундай сўзлар қуйидаги модель асосида ясалади:

ber- + сифатнинг иккиланган ўзак морфемаси: *banyak* – кўп, кўп сонли – *berbanyak-banyak* – тўпланмоқ, тўпланиб турмоқ, тўпланиб юрмоқ; *ramai* – кўп кишилиқ, аҳолиси кўп бўлган, гавжум – *beramai-ramai* – шовқинлашмоқ, катта омма бўлиб юрмоқ; *terang* – ойдин, равон, аниқ – *berterang-terang* – самимий бўлмоқ, тўғри бўлмоқ; *sungguh* – хақиқий, жиддий – *bersungguh-sungguh* – жиддий, ростгўй, тўғрисўз бўлмоқ.

Бундан кўриниб турибдики, аффиксация усули хитой тилида анча ривожлангандир.

3.1. Хитой ва индонез тилларида префиксация

Префиксал сўзлар префикснинг маънога эга морфема билан кўшиш йўли орқали ҳосил қилиниши. Префикс(前缀 *qianzhui*, 词头 *citou*) – аффиксал морфема бўлиб, кўшишда ўзакдан олдин келади. Хитой тилининг лексикологиясига оид ишларда одатда учта “соф” префикс кўрсатилади: 第 *dì*, 老 *lǎo* ва 阿 *a*⁹⁴. Баъзан префиксларнинг категорияси яримпрефиксал морфемаларнинг ҳисобига бир оз кўпайтириб юборилади⁹⁵. Префиксларнинг асосий грамматик вазифаси янги лексик бирликни муайян лексик-грамматик категориясига киритишдан, яъни унинг категориал мансублигини белгилашдан иборат.

第 *dì* префиксал морфемаси тартиб сонларнинг ясалиши воситаси ҳисобланади. Унинг ягона вазифаси: 第一 *dìyī* – биринчи, 第二 *dì'èr* – иккинчи, 第三 *dìsān* – учинчи ва ҳ.к.⁹⁶.

Сунь Чансуй сўз ясалишининг префиксал усули ёрдамида ясалган сўзлар қаторига 老 *lǎo* ва 阿 *a* формал морфемаларнинг ўзак бўғинига

⁹⁴Қаранг: 孙常叙. 汉语词汇.-长春, 1956年, 139-141页.

⁹⁵任学良. 汉语造词法.-北京, 1981, 31-51页.

⁹⁶Изоҳ: айрим ҳолатларда ўзбек (рус) тилларида тартиб сон қўлланилганда, хитой тилида санок сонлар ишлатилади, масалан: 一九五五年 *yī jiǔ wǔ nián* – бир минг тўққиз юз эллик бешинчи йил (сўзма-сўз: йил бир минг тўққиз юз эллик беш); 三等车 *sān děng chē* – учинчи тоифали вагон (сўзма-сўз: вагон тоифаси “уч”).

қўшилиши ёрдамида ҳосил бўлган сўзларни ҳам киритади⁹⁷. Ушбу префикслар хитой тили лексикологиясига оид бошқа ишларида ҳам кўрсатилади. Иккала префикс сўз ясалиши жараёнида фақатгина жонли предметлар (одамлар, ҳайвонлар, қушлар)ни ифодалайдиган отларни ҳосил қилади.

老 lao префикси ака-ука ва ўғилларни катталиги бўйича ифодалайдиган қариндошлик терминларини ҳосил қилади: 老大 laoda – ака (ўғил)ларнинг энг каттаси; 老二 laoeer – ёши бўйича иккинчи ака (ўғил); 老几 laoji – катталиги бўйича ака (ўғил)лардан қайси бири? Ушбу префикс қариндошчилик муносабатларига эга бўлмаган одамларни ифодалайдиган отларни ҳам ҳосил қилишда иштирок этади. Масалан: 老师 laoshi – ўқитувчи, устоз; 老师傅 laoshifu – уста; 老板 laoban – хўжайин, бошқарувчи, раҳбар, босс⁹⁸. Баъзан 老 lao сўз ясовчи морфемаси ҳайвон ва қушларни ифодалайдиган сўзларнинг таркибидаги префикс сифатида келади: 老虎 laohu – йўлбарс, 老鼠 laoshu – сичқон, каламуш.

阿 a префикси қариндошлик маъносини билдирувчи, гоҳида эркалиштиш тусига эга от-терминларни ҳосил қилади: 阿母 amu – она; 阿大 ada – қариндошларнинг каттаси; 阿哥 age – акажон; Эркалиштиш тусини 阿猫 amao – мушукча сўзида ҳам кўриш мумкин⁹⁹.

Аффикс негиз олдидан жойлашса, уни *префикс* дейишади. Индонез тилида префиксация янги сўзларнинг ҳосил бўлишининг асосий воситасидир. Ҳосил қилувчи (самарали) префикслар: *pe-, per-, me-, ber-, ter-, ke-, se-*.¹⁰⁰

⁹⁷孙常叙. 汉语词汇. -长春, 1956, 151-152 页,

⁹⁸ Ушбу мисол Лу Чживэйдан келтирилган.(录制为。汉语的构词法。 -北京。 1957 – 139 页

⁹⁹Изоҳ: Сунь Чансюйнинг фикрига кўра, 阿 a сўз ясовчи морфемаси айрим шеваларда қўлланилади, бироқ, бадий адабиёт асарларида кенг тарқалган бўлиб, ушбу морфема бутун мамлакат аҳолиси учун тушунарли. Қаранг: 孙常叙. 汉语词汇. 长春, 1956, 139 页.

¹⁰⁰ Ramlan, M. Morfologi: Suatu Tinjauan Deskriptif. -Yogyakarta: C.V.Karyono.1987

ber- префиксли феъллар уч хил фонетик вариантда кўлланилади: **ber-, be-, bel-**. Асосий вариант – **ber-** префикси ҳисобланади. Агар дастлабки (бошланғич) морфема **r** дан бошланса, унда префикс **be-** шаклига эга бўлади: *berenang* – сузмок (*renang* дан), *beracun* – захари бор (захарни ўз ичига олмок) (*racun* дан), *berubah* – ўзгармок (*rubah* дан). **be-** варианты ҳам биринчи бўғин *V + er* (яъни ундош + *er-*) тузилмасига эга морфемаларга кўшилади: *bekerja* – ишламок. **bel-** варианты *belajar* – ўқимок (негизи – *ajar*) сўзида мавжуд. *belunjur* – оёғини осилтириб, ўтирмок феълида (*be-lunjur*) **be-** префикси ҳам, (*bel-unjur*) **bel-** префикси ҳам ажратилиши мумкин.

ber- префикси орқали кўпгина сўзлар-предикативлар ҳосил қилинган. Буларнинг аксарияти ўтимсиз феъллар синфиостига мансуб, бироқ, **ber-** префиксига эга ўтимли феъллар ва сифатларга тегишли бўлган сўзлар ҳам мавжуд¹⁰¹.

Бошқа ўтимсиз феъллар каби **ber-** префиксига эга феълларнинг қуйидаги асосий грамматик хусусиятлари хос: эгага субъект, яъни белгини ифодаловчи сифатида муносабат ва ўтимсизлик.

Бундай эгага бўлган муносабатда доимо “эга бўлмок (ўз ичида, ўз устида, ўзида)”, яъни посессивлик, тегишлик маъноси мавжуд бўлади. Масалан, *bertopi* сўзи **ber-** + *topi* – шляпа сўзидан ҳосил бўлиб, “шляпани кийиб юрмок” посессив маъносига ҳам эга. Аммо *berpakaian* сўзи **ber-** + *pakaian* – кийим ҳам посессив, ҳам медиал маъноларига эга: 1) кийимга эга бўлмок, кийимни киймок ва 2) кийинмок; *berbatas* сўзи **ber-** + *batas* – чегара сўзида иккита маъно мавжуд: 1) чегараларга эга бўлмок ва 2) чегарадош бўлмок. Худди шундай *bekerja* – ишламок феъллини қуйидагича талқин қилиш мумкин: 1) иш, меҳнат, хизматга эга бўлмок, машғулот (*Selama setengah tahun ia tidak bekerja*) ва 2) иш жараёнида бўлмок (*Baramu sedang*

¹⁰¹ Изоҳ: Инглиз тилшуноси Е. Пейн **ber-** дериватив феъл префикси ва *di, dari*, йўналиш предлогларига тегишли бўлган **ber-** юкламасини фарқлайди. От (исмий) гуруҳларга кўшилиб, ушбу предлоглар гап гуруҳларини ҳосил қилади ва феъллий тузилмаларда кесим сифатида намоён бўлади. (Қаранг: Е.М.Ф. Payne, Basic Syntactic Structures in Standart Malay, Kuala Lumpur, 1970, -с. 18, 36, 69-70, 85)

bekerja, jangan diganggu). *ber-* префиксли сўзлар фақат посессив маънони, ёки фақат “эга бўлмоқ” маъноси яққол кўринмай, медиал маънони аниқ кўрсатиб туради.

ber- префиксига эга ҳосилалар, айниқса инкорлик билан биргаликда, кўпинча сифатлар орқали берилади: *berambut* – сочли, тукли (*rambut* – сочлар); *berbatu* – тошли (*batu* – тош); *berdisiplin* – тартибли (*disiplin* – тартиб); *berdebu* – чангли (*debu* – чанг); *tidak berkaki* – оёқсиз (*kaki* – оёқ); *tak berwarna* – рангсиз (*warna* – ранг) ва бошқалар. Бироқ, индонез тилида ушбу сўз ва бирикмаларни сифат деб ҳисоблашга асос мавжуд эмас.

- *ber-* префиксли феъл ↔ *per-...-kan* ёки *per-...-i* негизли ундалма (ундов) феъли: *bersuami* – эрга эга бўлмоқ – *persuamikan* – эрга бермоқ, узатмоқ; *beristeri* – хотинга эга бўлмоқ – *peristerikan* – уйлантирмоқ (хотин олиб бермоқ); *bertunangan* – унаштирилганига эга бўлмоқ – *pertunangan* – унаштирмоқ, фотиҳа қилмоқ; *bersenjata* – қуролга эга бўлмоқ – *persenjatai* – қуроллантирмоқ;
- *ber-* га эга феъл ↔ *-kan* негизли ундалма феъли: *berdasar* – асосга эга бўлмоқ – *dasarkan* – асос солмоқ; *berdiri* – турмоқ – *dirikan* – қурмоқ, асос солмоқ.

me-* префикси** ва унинг ***met-, men-, meny-, meng- вариантлари кўпгина ўтимсиз феълларни ҳосил қилади. Маълумки, бу префикс ўтимли феълларнинг аниқ нисбатини ҳам ясайди. Демак, феълнинг ўтимлик–ўтимсизлик хусусиятига эга бўлиши *me-* префиксини олиши билан эмас, балки ушбу префикс қўшилаётган негизнинг хусусиятига боғлиқ бўлади. Айнан шу жиҳат ўтимсизлик маъносига эга *ber-* префиксидан *me-* префиксини ажратиб туради.

Аксарият ҳолатларда *me-* префиксли ўтимсиз феъллар от ва сифат ўзакларидан ҳосил қилинади: *darat* – қуруқлик, ер – *mendarat* – (ерга) кўнмоқ, тушмоқ, келиб тўхмоқ (кемада); *batu* – тош – *membatu* – тошга

айланмоқ, тош қотмоқ; *bajang* – соя – *membajang* – акс эттирилмоқ; *baru* – янги – *tembaru* – янгиланмоқ; *kurang* – етишмовчи, етарли эмас – *mengurang* – қисқармоқ, камаймоқ (миқдор ҳақида); *hijau* – кўк, яшил – *menghijau* – кўкармоқ, яшил бўлмоқ.

Кам ҳолатларда *te-* префикси орқали қуйидагилардан ясалган феъллар учраб туради: сонлардан, масалан: *dua* – икки – *mendua* – иккиланмоқ, иккита ажралмоқ; олмошлардан, масалан: *aku* – мен – *mengaku* – тан олмоқ, иқроп бўлмоқ; идиоматик маъносига эга сўз бирикмаларидан, масалан: *darah-daging* – пушт ва қон (жон ва тана) – *mendarah-daging* – пушти ва қони (жони ва танаси)гақирмоқ (сингимок); *babi-buta* – кўзи кўр тўнғиз – *membabi-buta* – кутурмоқ, дуч келган жойга урмоқ; *tiga hari* – уч кун – *meniga hari* – ўлимидан уч кунни ўтказмоқ (нишонламоқ) (маҳаллий урфга кўра), *menujuh hari* – ўлимидан сўнг еттинчи кунни ўтказмоқ, *menyeratus hari* – ўлимдан сўнг юзинчи кунни ўтказмоқ.

Одатда *ter-* префикси сўзнинг негизига фонетик ўзгаришсизлар кўшилади: *terdapat* – мавжуд бўлмоқ, учрашмоқ; *terhias* – безатилган бўлмоқ.

te- варианты қуйидаги ҳолатларда ишлатилади:

а) агар сўзнинг негизи *r* дан ёки (камдан-кам) *l* дан: *terasa* – сезилмоқ (*rasa* – ҳис, сезиш); *telantar* – қаровчиз қолган, назоратсиз (*lantar* – қўйилган, ташлаб кетилган);

б) агар *ter-* префикси кетидан *per-* префикси келса: *teperdaya* – алданган, лақма қилинган.

tel- варианты *telanjur* сўзида қўлланилади (*tel-anjur* ; бу сўз *te-lanjur* сифатида ҳам бўлиниши мумкин).

Аксарият ҳолатларда *ter-* префикси ўтимсиз феълларни ҳосил қилади. Шу билан бирга ўтимсиз феълнинг негизи билан қўшилганда, *ter-* префикси мажхул нисбатнинг махсус шакллари ҳосил қилади. Бундан ташқари, *ter-* префикси сифатлар билан бирикиб келганда, сифатнинг энг юқори даражасини беради.

ter- префиксли ўтимсиз феъллар қуйидагилардан ҳосил бўлади:

1) содда феъллардан: *termasuk* – киритмоқ, қамраб олмақ (*masuk* – кирмоқ); *terduduk* – ўтириб олмақ (*duduk* – ўтирмоқ);

2) сифатлардан; бу ерга сифатнинг энг юқори даражаси маъносига эга бўлмаган айрим ҳосилалар қиритилади: *ternyata* – маълум бўлмоқ, билинмоқ;

3) отлардан: *terbayang* – акс эттирилмоқ; *terdiri* – ...дан иборат бўлмоқ; *terbatuk* – йўталмоқ; *tersenyum* – табассум қилмоқ, жилмаймоқ.

ter- префиксига эга айрим феъллар мажҳул нисбат кўрсаткичи бўлган *di-* префиксли феъллар билан ўхшаш бўлиб, натижавий мажҳул нисбати шакли сифатида талқин қилиниши мумкин: *tergambar* – *digambar* – тасвирланган, чизилган бўлмоқ; *terpaku* – *dipaku* михлар билан қоқилган бўлмоқ, михланган бўлмоқ.

Бир хил ўзак морфемасидан *ter-* префиксли ясамалар билан бир қаторда *ber-* ёки *me-*, ёҳуд иккаласи билан ҳам, ўтимсиз феъллар ҳосил бўлиши мумкин. Баъзиларда ушбу ясама сўзлар ўртасида лексик маънодаги аниқ фарқланишлар мавжуд бўлади: *berlalu* – ўтиб кетмоқ ; *terlalu* – жуда, жуда, ўта кўп; *berbatas* – чегарадош, ёндош бўлмоқ – *terbatas* – чегараланган; *berdiri* – турмоқ, тик турмоқ – *terdiri* – (дан) иборат бўлмоқ;

Айрим *ter-* префиксли ясама сўзлар ўзларининг ўтимсиз феълларга хос хусусиятларини йўқотиб, бошқа сўз туркумларининг хусусиятларига эга бўлган. Масалан; *terlalu*, *terlampau* – жуда, ҳаддан ташқари, ортиқ даражада (миқдор ва даражани англатувчи ёрдамчи сўзлар); *termasuk* – (шу) жумладан, киритилган ҳолда (предлог); *terserah* – истаганингдек, хоҳлаганингдек (равиш).

Ўтимсиз феълларнинг турларига оид маъноларини ифодалашда қуйидаги асосий воситалардан фойдаланилади:

Аффиксация. Ўтимсиз феълларда аффикслар асосан сўз ясашиши вазифаси бажаришига қарамай, ушбу аффикслар муайян тур маъноларини ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, жараёнлар ва ҳолатлар маъносига эга феълларни ҳосил қилувчи *me-* префикси, айниқса *ber-*

префикси, давомийлик, тугалланмаганлик, тўхтовсизлик маъноларининг кўрсаткичлари сифатида қабул қилинади. Аксинча, *ter-* префикси ўзининг натижавийлик маъноси билан одатда яқунланганлик ҳолатига ишора қилади. Бир хил морфемадан ҳосилалар ясалганда, ушбу фарқлар аниқ кўришиб туради; баъзан шу каби фарқлар биринчи ўринга чиқиб, аффиксларнинг бошқа маъноларини тўсиб қўяди. Масалан: *berlangsung* – ўтказилмоқ, амалга оширилмоқ – *terlangsung* – амалга оширилган бўлмоқ, ўтказилган бўлмоқ; *menjadi* – бўлиб қолмоқ, айланиб қолмоқ – *terjadi* – содир бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ;

Ўтимсиз феъллар каторига шартли равишда “бир хил, ўшанинг ўзи” маъносини ифодаловчи ***se-* префиксли** сўзлар-предикативлар гуруҳини киритиш мумкин. Одатда *se-* га эга феъллар отлардан (шу жумладан, ясамаотлардан ҳам): *tuju* – мақсад – *setuju* – келишиб олмақ, рози бўлмақ; *kampung* – қишлоқ овул – *sekampung* – битта қишлоқда, овулда яшамоқ; *perjuangan* – кураш – *seperjuangan* – биргаликда курашда иштирок этмоқ.

Аммо *se-* билан келган ҳисоб сўзлар (масалан: *seorang* – битта, бир одам, *sebuah* – битта, бир дона мева, *seekor* – бир дон, битта дум) феъллар тоифасига қиритила олмайди, чунки улар мутлақо бошқа синтактик белгиларга эга. *se-* га эга бир нечта феъллар қуйидаги феъл маъносини англатувчи негиздардан ясалган: *semakan* – биргаликда емоқ, танавуо қилмоқ; *seminum* – биргаликда ичмоқ; *sehidup-semati* – биргаликда яшамоқ ва биргаликда ўлмоқ.

se- префиксли феъллар ўхшашлик лексик маъносига эга: улар субъект-шахсни бирон-бир нарсага нисбатини (мутаносиблигини), яъни субъект учун ва бошқа шахс учун умумий бўлган жиҳатни англатади: *sebara* – битта отага эга бўлмақ, тутинган ака-ука бўлмақ; *sekerja* – битта жойда ишламоқ, ҳамкасабалар бўлмақ; *serumah* – битта уйда яшамоқ, қўшни бўлмақ; *serupa* – битта кўринишга эга бўлмақ, ўхшаш бўлмақ; *setanah-air* – битта ватанга эга бўлмақ, ватандош, ҳамнорт бўлмақ.

1) *se-* префикси + иккилантирилган негиз: *sepenuh-penuh*– энг тўлик. Масалан: *...bahwa ia bercintakan Asri dengan sepenuh-penuh hatinya–* у Асрини бутун қалби билан севади;

2) сифатдан кейин *se-* префикси билан от позициясида кўпинча *ini* – бу ёки *itu* – ўша, анави олмоши қўлланилади. Шу каби бирикма (*se-* префикси сифат + олмош) “бундай, шундай” сўзи билан келган сифатнинг бирикмаси маъносини билдиради. Масалан: Бундай фурсатли имконият бошқа бўлмайди.

***per-* префикси** ундаш маъносига эга ўтимли феълларни сифат негизларидан ҳосил қилишда энг фаол (самарали) восита сифатида қўлланилади. Бундай негизларнинг умумий маъноси: “объектдаги сифат даражасини кўпайтирмақ (орттирмақ)”. Масалан: *perpanjang* (*memperpanjang, diperpanjang, perpanjang*) – узайтирмақ, узунлаштирмақ, учун қилмақ; *percepat* (*mempercepat, dipercepat, percepat*) – тезлаштирмақ, тезлатмақ, тезлигини оширмақ; *perkuat* (*memperkuat, diperkuat, perkuat*) – кучайтирмақ, кучини орттирмақ; *perpayah* (*memperpayah, diperpayah, perpayah*) – янада оғирроқ, машаққатлироқ қилмақ, оғирлаштирмақ, чуқурлаштирмақ. Сифатлардан ясалган *per-* префикси негизлар яна бир маънода ишлатилиши мумкин: “объектга муаяйн (мазкур) сифат ёки хусусиятни бермақ” (яъни *-kan* суффикси негиз ифодалаган маъно билан бир хил).

per- префикси отлардан ясалган феъл негизларнинг ҳосил қилинишида кам самарали восита ҳисобланади. Бундай негизлар куйидаги маъноларни англатади: қандайдир тарзда одамга муомала қилмақ, қайсидир тарзда у билан муносабатда бўлмақ, уни қандайдир ҳисобламақ, уни қайсидир от, унвон билан номламақ ва ҳ.к.

***di-* префикси мажҳул нисбат шакли**

Мажҳул нисбатнинг бу шакли ўтимли феълнинг ҳар қандай негизига *di-* префиксининг фонетик ўзгаришсиз қўшилиши орқали ясалади, масалан:

lempar – ташламоқ, ирғитомоқ, улоқтирмоқ – *dilempar*; *buka* – очмоқ – *dibuka*; *karang* – ижод қилмоқ, яратмоқ, тузмоқ – *dikarang*;¹⁰².

di- га эга мажхул нисбат шакли иш-ҳаракат қилувчи на гапирувчи, на унинг суҳбатдоши сифатида келадиган ҳолатда қўлланилади. Одатда иш-ҳаракат қилувчи сифатида аллақайсидир 3-шахс, бегона бир предмет келиши ёки иш-ҳаракатни амалга оширувчининг ўзи гапда эслатиб ўтилмаслиги мумкин. Масалан: *Rumah itu tetap dijaga militer.* – Бино доимий равишда аскарлар томонидан қўриқланган эди; *Lima truk hancur, tak bisa dipakai lagi.* – Бешта юк ташувчи машина бузилган, бошқа ишлатила олмайди.

Агар иш-ҳаракатни бажарувчи кўрсатилмаган бўлса, назарда тутилаётган иш-ҳаракатни бажарувчи сифатида ҳам гапирувчи, ҳам унинг суҳбатдоши бўлиши мумкин: *Dan maukan dia dibawa kerumah ini kelak?* – У (аёл) бу уйга олиб келинишини истайдими? (саволни бир қизга уйланишни ва ўз ота-онасининг уйига уни олиб келишни хоҳлаётган йигит беради).

bersi- префикси ўзлик феълени яшаш учун хизмат қилади: *bersidekap* [*dekap* - ўрамоқ, қуршамоқ] қўли билан ўзини ўраб олмоқ, *bersikeras* [*keras* - қаттиқ] қатъият билан, қаттиқ турмоқ.

***ke-* префикси** 1. Жамловчи ва тартиб сонларни яшашда иштирок этади: *keseratus*[*seratus* - юз сони] 1. юзинчи; 2. юзтасиям (ҳаммаси) ; *keduapuluh* [*dua puluh* - йигирма] 1. йигирманчи; 2. йигирматасиям.

2. Оғзаки нутқда (жакарта шеваси ва ява тилининг таъсири остида) ***ke-*** префикси назорат қилиб бўлмайдиган иш-ҳаракат маъносида ***ter-*** префиксининг ўрнида ишлатилади: *ketangkap* [*tangkap* - тутмоқ] (*tertangkap* ни ўрнига), *ketawa* [*tawa* - кулгу] (*tertawa* нинг ўрнига) кулмоқ.

¹⁰² *mengerti*– тушунмоқ феъли ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл сифатида қўлланилиши, мажхул нисбатда эса – *dimengerti* шаклида бўлиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида аниқ ва мажхул нисбат префиксларига эга ушбу шакл грамматик коидаларнинг бузилиши ҳисобланади. Шунинг учун тилшунослар унинг ўрнига *dipahami* (негизи *paham* – яхши тушунмоқ), *dimaklumi* (негизи *maklum* – тушунмоқ, билмоқ, англамоқ) феълларини қўллашга тавсия қилади.

N-, *nge-* префикси оғзаки нутқда ва шевалврда *men-* префиксининг ўрнида ишлатилади: *nulis* [tulis] ёзмок *menulis* ни ўрнига; *ngomong* [omong оғзаки нутқда гаплашмок] гапирмок.

Бундан кўриниб турибдики, индонез тилида префиксларнинг сони хитой тилига нисбатдан анча кўп.

3.2. Хитой ва индонез тилларида инфиксация

Агарда аффикс ўзак морфеманинг ичида бўлса, у *инфикс* деб номланади. Ҳозирги замон индонез тилида инфикс орқали янги лексик birlikларнинг ҳосил бўлиши кўп учрайди. Инфиксларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: *-er-*, *-el-*, *-em-*, *-in-*.¹⁰³

Инфикслар ўзакнинг биринчи бўғинидаги ундош ва унли орасига киритилади:

1. *r-* + *-el-* + *-r* модели: (ўзакнинг бошланғич қисми + *-el-* + ўзакнинг қолган қисми). Бу модел от сўз туркумига оид сўзларни ясайди. Масалан:

$g + el- + embung = gelembung$ – пуфак (*gembung* – шишган, шишиб кетган ўзагидан).

2. *r-* + *-em* + *-r* модели: (ўзакнинг бошланғич қисми+ *-em* + ўзакнинг қолган қисми). Бу модел ўтимсиз феълга оид сўзларни ясайди. Масалан:

$g + -em- + uruh = gemuruh$ – гумбурлаган, гурдуросли, гуриллаган (*guruh* –гулдураш, гумбирлаш ўзагидан).

3. *r-* + *-er-* + *-r* модели: (ўзакнинг бошланғич қисми+ *-er-* ўзакнинг қолган қисми)

¹⁰³ А.К. Оглоблин. Грамматика индонезийского литературного языка.-СПб. 2008. -С.85.

$g + -er- + igi = gerigi$ – тишли ($gigi$ – тиш ўзагидан).¹⁰⁴

4. $r- + -in- + -r$ модели: (ўзакнинг бошланғич қисми $+ -in- +$ ўзакнинг қолган қисми). Бу модел от сўз туркумига оид сўзларни ясайди. Масалан:

$k + -in- + erja = kinerja$ - ютуқ ($kerja$ - ўзагидан)¹⁰⁵

Инфиксларни хитой тилида ҳам учратишимиз мумкин. Жэнь Сюэлян инфикслар сифатида 不 bu , 里 li, 七八 qiba, 三四 sansi унсурларини 花不棱登 huabulengdeng – ранг-баранг, ола-була, ; 乱七八糟 luanqibazao – тартибсизлик ва бошқа шу каби сўзлар мисолида кўриб чиқади.¹⁰⁶

Бундан маълум бўладики, инфиксация усули ҳар иккала тилда ҳам сермахсул сўз яшаш усули ҳисобланмасада, лекин инфикслар орқали ясаладиган сўзлар мавжуд.

3.3. Хитой ва индонез тилларида суффиксация

Суффиксал сўзлар маънога эга морфеманинг суффикс билан кўшиш йўли орқали ясалади. Суффикс (后綴 houzhui, 词尾 ciwei) деганда, кўшилиш жараёнида ўзакдан кейин келган аффиксал морфема тушунилади. Хитой тилига шакл ясовчи ва сўз ясовчи суффиксларнинг кам сонлиги хосдир. Бироқ, ярим суффиксларнинг сони кўплиги эса, суффиксация сўз ясалиши усулларида бири сифатида шиддат билан ривожланаётганидан далолат беради. Ҳозирги замон хитой тилидаги энг муҳим суффиксларнинг таснифини келтиришда баъзи хитой тилшунослари каби ҳосил қилинган сўзни у ёки бу сўз туркумига, у ёки бу лексик-грамматик синфи (тури)га тегишлигини аниқлашда грамматик белгисига таянилади.¹⁰⁷ Н. Н. Коротковнинг фикрига кўра, хитой тилида кенг тарқалган 子 zi, 儿 er, 头 tou

¹⁰⁴ Н.Ф. Алиева. Глагол в индонезийском языке. Проблемы аффиксации. Афтореферат дис.на соискание учен.степени кандидата филол.наук. М., 1963. -С.75

¹⁰⁵ А.К. Оглоблин. Грамматика индонезийского литературного языка. -СПб. 2008.-С.86.

¹⁰⁶任学良. 汉语造词法. -北京, 1981. 98-99 页.

¹⁰⁷ В.И.Горелов. Лексикология китайского языка. -М., Просвещение, 1984. -С.68.

суффикслари нафақат сўз ясовчи, балки синф (тур) ясовчи вазифасини бажаради¹⁰⁸. Синф (тур) ясовчи белги бўйича хитой тилининг суффиксал морфемаларнинг учта категорияси ажратилади: от, феъл ва ҳол суффикслари.

Отлар суффикслари. Деривация (ҳосил қилиш)нинг юқори даражасига эга отларнинг суффикслари орасида 子 zǐ, 儿 er ва 头 tóu суффиксал морфемалари ажратилади. Люй Шусяннинг таъкидлашича, 头 tóu суффикси энг “барқарор (турғун)” ҳисобланади, чунки ушбу суффикс орқали ясалган сўзлар ҳозирги замон хитой тилида бу суффиксиз ишлатилмайди. Бошқа сўзлар эса, 子 zǐ суффикси ёрдамида ясалган бўлса ҳам, бу суффикснинг иштирокисиз қўлланилиши мумкин (масалан, 车子 chezi ва 车 che – арава, улов). Юқорида кўрсатилган суффикслардан ташқари, 家 jiā, 者 zhě ҳамда 巴 bā суффиксал морфемаларни кўрсатиб ўтиш керак. Булардан биринчи иккитаси отларга мансуб бўлган кўпгина сўзларни ҳосил қилади.

子 zǐ суффикси (аффиксал морфема) предметлик умумий маъносини англатувчи отларни ҳосил қилади¹⁰⁹. Бу юқори самарали морфема ҳисобланиб, ҳам умумий истеъмолдаги, ҳам терминологик лексикада қўлланилади. Мисол учун:

房子 fāngzi – уй, бино; 炉子 lúzi – тандир, ўчоқ; 桌子 zhuózi – стол; 脑子 nǎozi – мия; 肚子 dùzi – ошқозон; 兔子 tùzi – қуён; 小伙子 xiǎohuózi – йигит, бола;

Юқорида кўриб чиқилган материал шуни кўрсатадики, 子 zǐ суффикси орқали ҳосил қилинган сўзлар турли хил семантик категорияларга мансуб бўлиб, одамлар, ҳайвонлар, қушлар, инсон танасининг қисмлари, уй анжомлари ва жиҳозларини ифодалаш мумкин. Лексик бирликларнинг ички тузилмаси таҳлил қилинганда, 子 zǐ суффиксини 子 zǐ ўзак морфемасидан

¹⁰⁸ Н. Н. Коротков. Основные особенности морфологического строя китайского языка: (Грамматическая природа слова). – М., 1968. – С. 122.

¹⁰⁹ Ли Цзиньси ва Лю Шижун кўрсатиб ўтадиларки, 子 zǐ суффикс ёрдамида ясалган лексик бирлик ҳар доим ҳам от категориясига тегишли бўлмайди. Мисол тариқасида улар равиш категориясига мансуб бўлган * – бирдан, бир ўтиришда, ётмасига сўзини келтиради. (****).

фарқини билиш керак. Ушбу морфема *тухум, дон, уруз* маъносида 鱼子 yuzi – икра (балиқ тухуми); 蚕子 canzi – грена (ипак курти тухуми); 松子 songzi – кедр ёнғоқлари; 莲子 lianzi – лотос уруғи каби сўзларни ҳосил қилади. Ушбу иккита морфеманинг ўртасида нафақат морфологик, балки фонетик фарқланиш ҳам бор. Ўзак морфемаси учинчи тон билан, суффиксал морфема эса кўпинча редуциялашади.

儿 er суффикси (аффиксал морфема) ҳам предметлик маъносини ифодаловчи отларни ҳосил қилади. Унинг этимологик корреляти сифатида 儿 er *ўғил* маъносини билдирувчи ўзак хизмат қилади.

Сунь Чансюй ушбу сўз ясовчи морфеманинг тўртта вазифасини кўрсатади: ҳиссиёт (хис-туйғу) коннотацияни ҳосил қилиши, ўзак морфеманинг маъносини аниқлаши, унинг категориал тешлилигини ўзгартириш ва бир таркибли сўзнинг фонетик тузилмасини ўзгартириш.

Биринчи вазифаси ҳиссиёт коннотациясини яратишдан иборат. 儿 er суффикси ўзак морфемаси маъносига қўшимча ҳиссиёт-баҳолаш тусини киритади, шунинг учун субъектив баҳолаш суффикси деб аталади. Кичрайтириш маъносига эга сўзларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: 旗儿 qir – байроқча; 棍儿 gunr – чўпча; 盆儿 peng – тоғорача; 盖儿 gai – қопқоқча; 帽儿 maor – телпакча; 兔儿 tur – қуёнча; 鱼儿 yur – балиқча; 刀儿 daor – пичоқча. Эркалатиш тусига эга сўзлар бир оз камроқ учрайди: 孩儿 hair – болача, гўдак; 宝贝儿 baobeir – болача, олтинча; 眼泪儿 yanleir – (кўзнинг) ёшчаси. Камдан кам ҳолатларда ҳосила сўзга таҳқирлаш (ерга уриш) туси берилади. Бунга мисол қилиб, Сунь Чансюй қадимги Хитойда ҳақоратомуз, ўқитувчига бериладиган номни ифодаловчи сўзни келтиради: 教员儿 jiaoyuanr – ўқитувчича (домлача) (савияси паст, лойиқ бўлмаганини билдиради).

Иккинчи вазифа ўзак морфеманинг маъносини аниқлаштиришдан иборат. Ушбу аниқлаш турлича ифодаланadi. Баъзан бу суффиксаниклик

киритиб, ўзакнинг маъносини торайтиради, баъзан эса мавҳум (абстракт) маънога эга сўзни ҳосил қилади. 儿 ег суффикси ўзакка қўшилиб, семантик модификацияларни ҳосил қилади: 口 kou – тешиқ, ёриқ, туйнук (ҳар қандай); 口儿 kouг лексик ҳосиласи таркибида 门口儿 menkouг – кириш, чиқиш, подъезд. 鼻 bi – бурун; 鼻儿 bir – қулоқ; 针鼻儿 zhenbir – игна қулоғи; 门鼻儿 menbir – лўкидон, ғалақа. 门 men – эшиқ, кириш; 邪门儿 xiemenг – ноқонуний йўл, рухсат этилмаган усул. 路 lu – йўл, тарика; 活路儿 huolug – маиший (яшаш учун зарур) воситалари ҳамда чиқиш (мавжуд ҳолатдан).

Учинчи вазифа ўзак морфеманинг категориал тегишлилигини ўзгартиришдан иборат. Ушбу ҳолат 儿 ег суффикси феъл ва адъектив морфемалардан отларни ҳосил қилганда юз беради. Феъллардан ясалган отлар: 盖 gai – ёпмоқ, қопламоқ ва 盖儿 gaig – қопқоқ (ча); 伴 ban – ҳамроҳлик қилмоқ ва 伴儿 banг – улфатчилик (компания) (масалан, 我跟你作个伴儿 . wo gen ni zuo ge banг. Мен сенга ҳамроҳлик (улфатчилик) қиламан)¹¹⁰; 画 hua – расм чизмоқ ва 画儿 huag – сурат, расм; 塞 sai – тикинлаб беқитмоқ, беқитмоқ ва 塞儿 saig – тикин, пўкак; 包 bao – ўрамоқ, ўраб қўймоқ ва 包儿 baog – ўрама, тугун, боғлам; Сифатлардан ҳосил қилинган отлар: 尖 jian – ўткир, кескир ва 尖儿 jiang – (ўткир нарсанинг) учи; 短 duan – калта, қисқа ва 短儿 duang – камчилик, иллат, салбий томон; 亮 liang – ёрқин, равшан ва 亮儿 liangг – ёруғлик; 干 gan – қуруқ ва 干儿 gang – қоқилар, қоқи озик-овқатлар.

Тўрттинчи вазифа бу – бир таркибли сўзнинг фонетик тузилмасини ўзгартириш. Айрим бир таркибли бўғинлар уларга 儿 ег суффикси қўшилгандагина ҳозирги замон хитой тилида қўлланилиши мумкин. Ушбу суффикс унга ёнма-ён бўлган морфема билан бирикиб, битта бўғин ҳосил

¹¹⁰现代汉语八百词. -北京, 1981, 166 页.

қилади¹¹¹. Ушбу турга оид лексик бирликлар унча кўп эмас. Масалан: 景儿 jǐngér – манзара, кўриниш, пейзаж; 簪儿 zānr – (бу сўзнинг бошқа варианты – 簪子 zānzi) – соч тўғноғичи; 爪儿 zhuār – (бошқа варианты – 爪子 zhuāzi) – тирноқ, чангал, панжача;

头 **tou** **суффикси**(аффиксал морфема) турли семантик қаторларга тегишли отларни ҳосил қилади. Мазкур аффиксал морфеманинг корреляти сифатида 头 **tou** **бош** маъносига эга морфема хизмат қилади. 头 **tou** суффикси ёрдамида ҳосил бўлган сўзларнинг сони 子 **zǐ** ва 儿 **ér** суффикслари орқали ясалган сўзларга нисбатан анча кам. Мисол учун, “Путунхуадаги энг кўп қўлланиладиган 3000 та сўзлар рўйхати”да отлар суффикси ёрдамида ҳосил қилинган 214 та сўздан 25 тагина сўз 头 **tou** суффикси орқали, 子 **zǐ** ва 儿 **ér** суффикслари ёрдамида ясалган сўзларнинг сони эса – тегишлича 51 та ва 138 та сўзни ташкил қилади¹¹².

头 **tou** аффиксал морфеманинг фонетик хусусиятларига келсак, у баъзи лексик бирликларда ўзининг этимологик тони (оҳанги)ни сақлаб қолади, бошқаларида эса – тон (оҳанг)нинг редукцияси юз беради. Грамматизациянинг биринчи босқичида 头 **tou** суффикси маънога эга 头 **tou** – бош ўзаги билан семантик алоқани сақлаб қолади. Ушбу суффикс ёрдамида ясалган сўзлар асосан аниқ (конкрет), юмалоқ, чўзиқ, цилиндрик шаклга эга предметларни ифодалайди. 木头 **mùtóu** – дарахт; 石头 **shítóu** – тош;

Грамматизациянинг иккинчи босқичида 头 **tou** суффикси маънога эга 头 **tou** ўзагидан узоқлашади. Турли хил семантик қаторларга тегишли мавҳум (абстракт) тушунчаларни ифодаловчи отлар ҳосил қилинади. 念头 **niàntóu** – фикр, ният, ғоя; 话头 **huàtóu** – сўзлар, гап, суҳбат, нутқ; 头 **tou** суффиксал морфемаси орқали ясалган сўзлар одатда умумий истеъмолдаги, адабий-

¹¹¹ Коротков Н. Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка: (Грамматическая природа слова). – М., 1968. – С. 123.

¹¹² 普通话三千常用词表, 1962.

оғзаки лексикадаги сўзларга тегишли. Буларнинг айримлари салбий хиссиёт-баҳолаш маъноларига эга бўлади: 滑头 huatou – муғомбир, хийлакор, муғомбирлик, хийла; 奸头 jintou – жазман, ўйнаш, маъшуқа;

家 jia суффикси (постпозитив морфема) у ёки бу фаолият билан шуғулланувчи одамларни ифодаловчи отларни ҳосил қилади. Ушбу морфема 家 jia *оила* маъноси эга ўзак морфемаси билан этимологик боғлиқ. 家 jia сўз ясовчи морфема ўзининг дастлабки (туб) лексик маъносини буткул йўқотиб, шу билан бирга ушбу семантик қатордаги сўзларда этимологик тон (оҳанг)ни сақлаб қолди: 专家 zhuanjia – мутахассис, эксперт; 作家 zuojia – ёзувчи; Хитой тилида ушбу сўз ясовчи морфеманинг бошқа варианты ҳам мавжуд. У шуғулланиш фаолиятига тегишли бўлмаган ҳолда одамларни ифодаловчи отларни ҳосил қилади. Ушбу морфеманинг вариантыга тон (оҳанг)нинг редукцияси хосдир. Қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: 老人家 laorenjia – ёши катта одамга ҳурмат билан мурожаат қилиш; 您老人家 nin laorenjia – Сиз, Сиз Хазрати олийлари; 他老人家 ta laorenjia – у, унинг хазрати олийлари.¹¹³

者 zhe суффикси (формал морфема) 家 jia форманти каби ўзининг лексик-семантик хусусиятлари от категориясига мансуб сўзларни ҳосил қилади. Ҳосила сўзларда этимологик тон (оҳанг) сақланиб қолади. Жэнь Сюэяннинг фикрига кўра, қадимги хитой тилидаги икки таркибли сўзларда 者 zhe суффикси (масалан, 长者 zhangzhe – катта, каттаси сўзида) суффикс бўлиб ҳисобланади¹¹⁴. Ушбу суффиксни юқори самарали сўз ясовчи воситалар қаторига киритиш мумкин. Бу суффикс ҳам бирон бир фаолият билан шуғулланувчи, шунингдек, муайян бир ижтимоий-сиёсий қарашларни кўллаб-қувватловчи одамларни ифодаловчи отларни ҳосил қилади: 医务工作者 yiwugongzuozhe – тиббиёт ходими, тиббий ходимлар; 新闻记者

¹¹³Қаранг: 任学良. 汉语造词法. -北京, 1981, 63-64 页.

¹¹⁴任学良. 汉语造词法. -北京, 1981, 63 页.

xinwenjizhe – мухбир, журналист, репортёр; 巴ъзан 者 zhe суффикси шуғулланиш фаолиятига тегишли бўлмаган сўзларни ҳосил қилиши мумкин: 强者 qiangzhe – кучли, бақувват (одам); 消费者 xiaofeizhe – истеъмолчи, фойдаланувчи; 爱好者 aihaozhe – хаваскор, ихлосманд;

巴 ba суффикси. Баъзан хитой тилида суффикслар категориясига 巴 ba морфемасини ҳам киритишади. Ушбу сўз ясовши формант ўзининг лексик-грамматик хусусиятлари бўйича отларга мансуб лексик бирликларни ҳосил қилади. Жэнь Сюэлянинг фикрига кўра, ушбу суффикснинг келиб чиқишини, унинг 巴 ba префикси билан ўзаро муносабатини ҳам аниқлаш бир оз қийин¹¹⁵. 巴 ba суффикси кам самарали морфема ҳисобланади. Бироқ, шунга қарамай, хитой тилининг сўз ясаши воситаларининг хусусиятларини аниқлашда ушбу “соф” формантнинг аҳамияти жуда катта. Хитой манбаларидан қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: 下巴 xiaba – дахан; 嘴巴 zuiba – тарсаки, шапалок; 哑巴 yaba – соқов; 泥巴 niaba – лой, ифлос, кир; 磕巴 keba – дудук; 干巴 ganba – курук; Бу ердаги 泥巴 niaba – лой, ифлос, кир ва 磕巴 keba – дудук сўзлари диалектизмлар ҳисобланади¹¹⁶.

Феъллар суффикслари. Хитой тилидаги феълларга оид суффиксация соҳасида иккита синф феълларини – асл (туб) натижавий ва натижавий-йўналтирилган феълларни ҳосил қилувчи формал морфемаларга таъриф бериш керак. Феълий суффиксациянинг хусусияти шундаки, сўз ясовчи суффикслар содда натижасиз (бўлишсиз) феълнинг лексик маъносини модификациялаштириб, уни натижага эришиш имконияти маъносига эга мураккаб феъллар синфига ўтказишади. Туб (асл) натижасий (бўлишли) феълларни ҳосил қилувчи морфемалар қаторига қуйидаги сўз ясовчи

¹¹⁵任学良. 汉语造词法. -北京, 1981, 79 页.

¹¹⁶ В.И. Горелов. Лексикология китайского языка. -М., Просвещение, 1984. 321с

формантлар киради: 到 dao , 着 zhao, 得 de, 住 zhu, 见 jian, 好 hao, 成 cheng, 完 wan, 了 liao, 掉 diao.

到 dao суффикси муайян натижага эришиш маъноси ифодалайди: 等到 dengdao – эришгунча кутмоқ, куту-кута етмоқ, сабр билан кутмоқ; 买到 maïdao – харид қилмоқ, сотиб олмоқ;

着 zhao суффиксини асосли равишда 到 zhao суффиксининг синоними деб аташ мумкин. У ҳам натижавийлик (бўлишлик)нинг умумий маъносини ифодалайди. Шунинг учун ҳам ушбу суффикс ёрдамида ҳосил бўлган лексик бирликлари натижавий (бўлишли) феълларнинг энг кўп сонли гуруғини ташкил қилади: 等着 dengzhao – эришгунча кутмоқ, кутиб олмоқ; 找着 zhaozhao – топиб олмоқ, излаб топиб олмоқ, топиб бўлмоқ;

得 de суффикси 到 dao суффиксининг мутлақ (абсолют) синоними ҳисобланади. Ли Цзиньсининг хабар беришича, ўрта аср хитой романларида натижавий (бўлишли)лик маъносини ифодалаш учун бир-бирини ўрнини босувчи 到 dao, 得 de морфемалари қўлланилиб, 到 dao – *эришмоқ, етиб бормоқ, етиб олмоқ, етиб бўлмоқ* умумий лексик маъносига эга морфема билан бирлаштирилган. Замонавий тилда 得 de морфемасининг 到 dao морфемасидан фарқи шундан иборатки, 得 de морфемаси самарали (продуктив) суффикс ҳисобланмайди¹¹⁷. 听得 tingde – эшитиб олмоқ, эшитиб бўлмоқ; 看得 kande – кўриб олмоқ, кўриб бўлмоқ; Юқорида кўрсатиб ўтилган феъллар ташқари путунхуада бир неча феъллар мавжуд: улардаги 得 de постпозитив морфемаси натижавийлик маъносини йўқотган. Масалан: 懂得 dongde – тушунмоқ, фахмламоқ; 记得 jide – эсда тутмоқ, хотирада сақламоқ;

见 jian суффикси асосан сезги органлари томонидан сезиш жараёнида натижага эришиш маъносини ангалатади. Айрим сўзларда ушбу сўз ясовчи

¹¹⁷ С. Е Яхонтов. Категория глагола в китайском языке. – Л., 1957. С. 99.

морфеманинг этимологик тони (оҳанги)да редуция кузатилади:看见 kanjian – кўрмоқ, кўриб қолмоқ; 望见 wangjian – кўрмоқ, кўриб қолмоқ;

完 wan, 成 cheng, 好 hao суффикслари: буларнинг биринчиси якуний натижага, иккинчиси – муваффақиятли натижага ва учинчиси – ижобий натижага эришишни англатади: 做完 zuowan – тугатмоқ, битирмоқ, тамомламоқ, якунламоқ, якун ясамоқ; 吃完 chiwan – еб олмоқ, еб бўлмоқ; 变成 biancheng– айланиб қолмоқ, айланиб бўлмоқ; 写成 xiecheng – ёзиб олмоқ, ёзиб бўлмоқ, ёзиб қўймоқ; 做好 zuohao – тугатмоқ, тамомламоқ, якунламоқ, якун ясамоқ, бажариб бўлмоқ; 坐好 zuohao – (яхшилаб) ўтириб олмоқ.

了 liao суффикси эҳтимоли бор натижага эришиш ёки бошқача қилиб айтганда, ушбу ҳаракатнинг амалга оширилиши эҳтимоли маъносини ифодалайди¹¹⁸. Ушбу суффиксга хос модал туси ҳосила феълларнинг вазифасини белгилайди. Бундай феъллар 得 de (不 bu) инфикси ёрдамида ясалган модал формада келиб, иш ҳаракатнинг амалга оширилиши эҳтимоллиги/ эҳтимолсизлиги (имкони бор/йўқ) маъносида қўлланилади: 吃得(不)了 chide(bu)liao – ейиш мумкин (мумкин эмас); 做得(不)了 zuode (bu) liao – қилиш имкони бор (имкони йўқ);

住 zhu суффикси эришилган натижани мустаҳкамлаб, сақлаб қолиш маъносини ифодалайди: 记住 jizhu – ёдда сақлаб қолиш, ёдлаб олиш, эслаб қолиш; 站住 zhanzhu – тўхтамоқ, тўхтаб қолмоқ;

掉 diao суффикси объект ёки ҳаракатнинг йўқ бўлиб кетиши, йўқ қилинишига олиб келган натижага эришишни ифодалайди. Айрим ҳолатларда ушбу морфема объект ёки ҳаракат жойи билан алоқани йўқотиб қўйилганини билдириши ҳам мумкин: 打掉 dadiao – уриб чиқармоқ, уриб ташламоқ, уриб чиқариб олмоқ; 去掉 qudiao – бартараф этмоқ, йўқ қилиб ташламоқ, ташаб юбормоқ;

¹¹⁸现代汉语八百词, -北京 1981, 327 页.

Натижавий-йўналтирилган феълларни ҳосил қилувчи морфемалар қаторига қуйидаги сўз ясовчи формантлар киритилади: 上 **shang**, 下 **xia**, 进 **jin**, 出 **chu**, 过 **guo**, 起 **qi**, 回 **hui**, 开 **kai**. Ушбу суффикслар ҳосил сўзга натижага эришиш эҳтимоли маъносини бериб, шу билан бирга ҳаракатнинг йўналтирилиши маъносига ишора қилади.

上 shang суффикси юқорига йўналтирилган ҳаракатни билдиради: 走上 **zoushang** – кўтарилмоқ, кўтарилиб олмоқ, ...га чиқиб олмоқ, юқорига туриб олмоқ; 跑上 **paoshang** – юқорига югуриб чиқмоқ;

下 xia суффикси паст, қуйи томонга оширилаётган ҳаракатни ифодалайди. Ушбу суффикс ҳам юқори самарали морфема ҳисобланади: 走下 **zouxia** – тушиб олмоқ, пастга тушиб олмоқ; 跑下 **raoxia** – югуриб тушмоқ;

进 jin ва 出 chu суффикслари тегишлича ичкари томонга, иккинчиси эса – ташқарига ҳаракатнинг йўналтирилганлиги билдиради: 走进 **zoujin** – ичкарига кирмоқ, кириб олмоқ, кириб бўлмоқ; 跑进 **raojin** – югуриб кирмоқ.

过 guo , 起 qi ва 回 hui суффикслари: биринчиси ҳаракатнинг (бир нима) орқали, ...дан ошиб, устидан амалга оширилиши; иккинчиси – юқорига кўтарилиши ва учинчиси – орқага қараб ҳаракатланишни кўрсатади: 走过 **zouguo** – кесиб ўтмоқ, ўтиб кетмоқ; 跑过 **paoguo** – югуриб ўтмоқ, югуриб келмоқ.

开 kai суффикси (ён) томонга йўналтирилган ҳаракатни ифодалайди: 走开 **zoukai** – четга ўтмоқ, четга чиқмоқ; 跑开 **paokai** – югуриб четга чиқмоқ, югуриб қочмоқ; Ушбу суффикснинг бошқа маъноси – бу кенгликка йўналтирилган ҳаракатни ифодалайди: 展开 **zhankai** – ёйиб олмоқ, ёйиб ташламоқ, ёйилиб олмоқ; 传开 **chuankai** – тарқатиб юбормоқ, тарқалиб кетмоқ, тарқатилиб олинмоқ; Бундан ташқари айрим ясама сўзларда бу суффиксал морфема *ажратилиши, қисмларга бўлиниши* англатади: 解开 **jiekai** – ечиб ташламоқ, ечиб олмоқ, тугунни, чигални ечиб олмоқ; 咬开

yaokaі – ғажиб ташламоқ, тишлаб ташламоқ. Натижавий-йўналтирилган феълларни ҳосил қилувчи суффиксларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маконда ҳаракатланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатни ифодаловчи вербал морфемаларга кўшилиши ҳам мумкин. Бу ҳолатда улар натижага эришиш имконияти мавжуд бўлган маъносига эга туб натижавий феълларни ҳосил қилади: 坐上 zuoshang – ўтириб бўлмоқ; 爱上 aishang – севиб қолмоқ, севиб бўлмоқ, яхши кўриб қолмоқ; 发下 faxia – бермоқ, ичмоқ (масалан, қасамни, онтни); 定下 dingxia – ишлаб чиқмоқ (масалан, режани); 买进 majin – сотиб олмоқ, харид қилиб олмоқ; 引进 yinjin – ўзлаштирмоқ, ўзлаштириб олмоқ; 做出 zuochu – қилиб олмоқ, бажариб қўймоқ, бажариб бўлмоқ; 看出 kanchu – кўриб қолмоқ, эътибор бермоқ; 赛过 saiguo – ошиб кетмоқ, устун бўлиб олмоқ; 说过 shuoguo – баҳслашиб устун бўлиб чиқмоқ, баҳслашиб ошиб кетмоқ; 说起 shuoqi – гапга солмоқ, гапни бошлаб юбормоқ; 问起 wenqi – сўраб қўймоқ, сўраб суриштирмоқ, сўраб билиб олмоқ; 收回 shouhui – орқага қайтриб олмоқ, қайтариб олиб қўймоқ; 取回 quhui – олиб қўймоқ, қайтариб олиб қўймоқ; 笑开 xiaokaі – кулиб юбормоқ; 哭开 kukai – йиғлаб юбормоқ;

Равиш суффикслари. Хитой тилида адвербал суффиксация фақатгина тўртта сўз ясовчи морфемалар орқали ўз ифодасини топади: 然 ran, 地 di, 头 tou, 儿 er. Равишлар учун хос, энг типик бўлиб, 然 ran ва 地 di суффикслари қўлланилади. 头 tou ва 儿 er формантларига келсак, улар от категориясига мансуб лексик бирликларини ҳосил қилгани боис, улар ёрдамида ясалган сўзларнинг фақат айримлари равиш деб ҳисобландаи.

然 ran суффикси адвербал суффиксациясида энг самарали сўз ясовчи морфема ҳисобланади. Унинг ёрдамида кўпгина туб равишлар ясалади. Жэнь Сюэлян ўзининг “Хитой тилида сўз ясалиши” деб номланган асаида 然 ran суффикси орқали ясалган сўзларнинг рўйхатини келтириб, 70

дан ортиқ лексик бирликларни кўриб чиқади¹¹⁹. 忽然 huran – тўсатдан, бехосдан, бирдан, дабдурустдан; 陡然 douran – кескин равишда, дабдурустдан, бирдан; 惨然 canran – маъюс, ғамгин равишда; 默然 moran – жимгина, индамай, сукут сақлаб; 岸然 anran – ифтихор, ғурур, дабдаба билан; 安然 anran – тинчгина, тинчлик билан;

地 di суффикси бир неча туб равишларни ҳосил қилади¹²⁰. Масалан: 忽地 hudi – тўсатдан, бехосдан, бирдан, дабдурустдан; 特地 tedi – айниқса, хусусан, махсус равишда.

头 tou суффикси (формал морфемаси) бир нечта ҳаракат жойига ишора қилувчи ҳол равишларини ҳосил қилади: 上头 shangtou – юқорида, теппада; 下头 xiatou – пастда, қуйида;

儿 er суффикси (формал морфема) айрим олмошли равишлар таркибига киради: 这儿 zher – бу ерда; 那儿 nar – у (ўша) ерда;

的 de квази-суффикси. Баъзан, ҳозирги замон хитой тилидаги суффикслар қаторига 的 de морфемасини кўшишади, чунки у қуйидаги лексик тузилмалари таркибида отлар суффиксининг постпозитив сўз ясовчи унсури сифатида хизмат қилади: 送信的 songxin de – хатни етказмоқ + de ; 看门的 kanmen de – давроза олдида кўриқламоқ + de¹²¹.

Юқорида кўрсатилган морфемаларнинг бирикиши сўзлар эмас, булар – номинатив сўз бирикмалари. 的 de морфемаси суффикс эмас, балки ёрдамчи сўз бўлиб, субстантив сўз бирикмаларидаги алоҳида бир турининг синтактик мажмуасининг кўрсаткичидир¹²². Бу ерда айтиб ўтиш жоизки, хитой

¹¹⁹任学良. 汉语造词法. -北京, 1981., 85-89 页.

¹²⁰Қаранг: 任学良. 汉语造词法. -北京.1981, 94 页.

¹²¹Қаранг: Япониялик хитойшунос Тодо Акиясунинг “Очерки по китайскому языку”, ҳамда В. А. Цыкин Именное словопроизводство в современном китайском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 1980. – С. 9.

¹²²Батафсил қаранг: В. И Горелов. Исследования по синтаксису китайского языка. – М., 1968. – С. 25-26.

тилшунослари ушбу ҳосилаларни сўз деб ҳисобламагани боис, уларни луғатларга киритмайдилар¹²³.

的 de ёрдамчи сўзи вербал ва адъектив морфемаларнинг субстантивлаштириш (отлашиш), шунингдек, предикатив сўз бирикмалари воситаси ҳисобланади, субстантив сўз бирикмаларининг алоҳида тури сифатида синтактик мажмуаларнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Синтактик мажмуалар одатда субъект ва ҳаракат ёки ҳаракат ва объектни билдиради. Тузилиш жиҳатидан бундай ҳосилалар ёйиқ сўз бирикмалари сифатида намоён бўлиб, икки қисмни ўз ичига олади: исмий ва феълий, баъзан уларга тегишли сўзлар билан¹²⁴. Бироқ, шуни айтиб ўтиш керакки, хитой олимларининг аксарияти сўз ясовчи 的 de морфемасини суффикс деб ҳисобламайдилар. Тилшунос олим Шы Цуньчжининг фикрига кўра, хитой тилидаги грамматик тизимининг хусусиятларидан келиб чиқиб, 的 de морфемаси мустақил сўз ҳисобланади. Н. Н. Коротковнинг ҳам айтишича, 的 de морфемаси бевосита сифат ва феълга бирикиб, мустақил ёрдамчи сўз сифатида хизмат қилади¹²⁵.

Кўриниб турибдики, хитой тилида сўз ясовчи суффикслар анча ривожланган. Индонез тилида ҳам суффиксларнинг кўп турлари мавжуд. танишамиз.

-kan суффикси энг самарали феъл ясовчи аффикс ҳисобланади. **-kan** суффиксига эга ясама негизлар ўтимлиликнинг турли лексик маънолари ва тусларини ифодалайди. Ясама негизнинг маъноси бевосита бошланғич (ҳосила бўлмаган) морфеманинг маъносига ва хусусиятларига боғлиқ.

Феъл ўзакларидан **-kan** суффикси орқали ясалган негизлар одатда ўзнинг лексик маъноси бўйича бошланғич негиздан фарқ қилмайди. Ушбу негизларнинг қуйидаги учта ўтимли-ундаш маънолари мавжуд.

¹²³Қаранг: 汉俄词典. -北京, 1977, 现代汉语词典. -北京 1979.

¹²⁴Батафсил қаранг: В. И. Горелов. Исследования по синтаксису китайского языка. – М., 1968. – С. 25-26.

¹²⁵ Н. Н. Коротков. Основные особенности морфологического строя китайского языка: (Грамматическая природа слова). – М., 1968. – С. 107.

1. Бевосита таъсир остида ёки ҳаракат натижаси бўлган объектга ҳаракатнинг йўналтирилганлиги: *berikan* – бермоқ (нимадирни), *lemparkan* – отмоқ, ташламоқ, ирғитмоқ (ниманидир).

2. Инструментал (асбоб-қуролли) объектга ҳаракатнинг йўналтирилганлиги. Бундай негизли феълларда *-kan* суффикси *dengan* предлогига ўхшаб, қурол, асбоб маъносини англатади. Шу каби феълларнинг сони унча кўп эмас: *belikan (uang)* – сотиб олмақ (пулга) *pukulkan (tongkat)* – урмақ (таёқ билан),

3. Субъектнинг иродаси (истаги) билан ҳаракат қилувчи шахсга таъсир қилиш, яъни объектни воситали тўлдирувчи билан ифодаланган бошқа шахсга кўрсатилган ҳаракатни бажариш учун топширмақ. Масалан: *membawakan surat kepada anak* – болага хатни олиб боришини буюрмақ; *meminumkan obat* – дорини ичиш учун (кимгадир) бермоқ. Ҳозирги замон тилида *-kan* суффикси мазкур маънода самарали эмас, аммо баъзи кўлланиладиган негизларда учраб туради: *minumkan* – (кимгадир ниманидир) ичишга бермоқ; *titipkan* – (кимгадир) назорат қилиш учун (кимнидир, ниманидир) бермоқ; *percayakan* – (ниманидир кимгадир) ишонмоқ (ишониб бериб қўймоқ).

Одатда, *-kan* суффикси “учун” маъносини билдиради. Мазкур негизлардан ҳосил бўлган феъллар билан келган шахс бевосита (тўғридан-тўғри, воситасиз) объектли бўлак (эга ёки тўлдирувчи) орқали ифодаланади: *Si Manan kaya itu dibelikan ayahnya sepeda yang baru* – Бу бойвачча Мананга отаси янги велосипед олиб берди (*Si Manan kaya itu* – эга);

-kan суффикси ёрдамида кўпгина негизлар от морфемаларидан ҳосил қилинади. Бундай негизларнинг аксарияти ўзининг маъносида ундаш маъно тусларига эга. Қуйидаги бир неча семантик гуруҳларни белгилаш мумкин:

1. Предмет маъносини англатувчи от морфемаларидан “объектни мазкур предмет сифатида ишлатиш, объектни ўзак морфемаси ифодалаётган предметга айлантириш” умумий маъносига эга негизлар ҳосил қилинади. Масалан: *palu* – болға – *palukan (batu)* – болға (тош) сифатида қўлламоқ;

kalung – маржон – *kalungkan (rantai emas)* – маржон қилиб (сифатида) такмоқ;
2. Натижа, фаолият самараси (натижаси) маъносини ифодаловчи от морфемаларидан ушбу фаолиятни англатадиган негизлар ҳосил бўлади. Масалан: *ceritera* – ҳикоя, ривоят – *ceriterakan* – ҳикоя қилмоқ; *lapor(an)* – маъруза, хабар – *laporkan* – хабар бермоқ, ҳисобот бермоқ;

3. Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни билдирувчи от морфемаларидан “кимгадир нисбатан муносабатда бўлмоқ, кимнидир сифатида кўрмоқ, кимдир деб ҳисобламоқ” маъносига эга негизлар ҳосил филинади. Масалан: *anak emas* – суюкли бола (сўзма-сўз: олтин бола) – *anak-emaskan* – севимли, суюкли боласига қарагандек муомала қилмоқ; *raja* – раджа – *rajakan*– жаноб, хўжайинга қарагандек муносабатда бўлмоқ, таъзим қилмоқ;

4. *-kan* суффикси билан бирга келган жой, макон маъносини англатувчи бир нечта от морфемалари “объектни айтилаётган жойга, маконга жойлаштирмоқ” маъносига эга негизларни ҳосил қилади. Масалан: *tempat* – жой – *tempatkan* – жойлаштирмоқ; *sekolah* – мактаб – *sekolahkan* – мактабга бермоқ;

Ҳаракат ва ҳолатларни номлайдиган бир қатор от морфемалари *-kan* суффикси билан бирга ушбу ҳаракатни объектга йўналтириш маъносидаги негизларни ҳосил қилади: *bukti*– исбот, далил – *buktikan* – исботламоқ (ниманидир); *rembuk* – музокаралар, *rembukkan*— маслаҳатлашмоқ, кенгашмоқ;

-kan суффикси II синфнинг деярли барча морфемаларига қўшилиши мумкин. Шунда асосан ундаш маъносига эга, яъни ифодаланаётган ҳаракатлар натижасида объект ўзининг белгиси, сифати, ҳолатини ўзгартиришига ва ҳаракат ёки ҳаракатланишга ундашни англатадиган морфемаларни ҳосил қилинади. Масалан: *dekati*– яқин – *dekatkan* яқинлаштирмоқ; *sempurna* – қомил, такомиллаштирилган – *sempurnakan* – камолликга етказмоқ, такомиллаштирмоқ;

Юқоридаги маънолардан фарқ қиладиган *-kan* суффикси орқали содда феъллар ва сифатлардан ясалган негизларнинг бир нечта қичик гуруҳлари мавжуд.

1. *lari* – югурмоқ, *terbang* – учмоқ, *renang*– сузмоқ содда феълларидан ясалган *larikan*, *terbangkan*, *renangkan* негизлари ундаш маъно (тегишлича: югуртирмоқ, югуришга мажбурламоқ, учиртириб юбормоқ, суздирмоқ, сузишга қўйиб юбормоқ) билан бир қаторда, ўзига хос (алоҳида) ундаш маъносида ҳам ишлатилади: булар “объектни ўзи билан олиб кетмоқ ва шунда югурмоқ (ёки учмоқ ёки сузмоқ).

2. Сифатлардан *-kan* суффикси орқали ясалган феъл негизлари – “деб ҳисобламоқ” деган маънони билдиради: *pentingkan* – муҳим деб ҳисобламоқ, *samakan* – бир хил хил деб ҳисобламоқ, тенглаштирмоқ.

3. *-kan* суффикси содда феъллардан муносабатларни англатувчи феъл негизларини ҳосил қилади; улар бир хил лексик маънога эга бўлиб, фақат ўтимлилик хусусияти билан фарқ қилади. Масалан: *inginkan* – хоҳламоқ, истамоқ, *mohonkan* (*pohonkan*) – сўрамоқ,

4. *-kan* га эга негизлардан *ter-* префикси орқали ясалган бир неча феъллар *tak* (*tidak*) инкор билан бирга сифат белгиларини ифодалаш мумкин: *tak terkalahkan* – енгилмас, мағлубиятга учрамайдиган; *tak terpatahkan* – енгиб бўлмайдиган; Мазкур сифат ҳосилалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, сифатнинг турли даражаларини ифодала олмайди, чунки буларнинг ўзи сифатнинг энг олий даражасини ифодалаб туради.

Одатда **-i суффикси** орқали ясалган феъл негизлари ўтимли-изоҳловчи маъносини билдиради. Бошланғич морфеманинг маъноси ва хусусиятларидан келиб чиқиб, *-i* суффиксли негизлар бир нечта гуруҳларга тақсимланади.

Феъл ўзакларидан бир хил лексик маънога эга негизлар ҳосил қилинади; ушбу негизлар ҳар доим ўтимли-изоҳловчи маъносини ифодалайди. Масалан: *tulisi* – ...да ёзмоқ, ёзиб ташламоқ; *tanami* – ...га экмoқ, экиб ташламоқ, экиб қўймоқ; *-i* суффикси *-kan* суффикси билан парадигматик муносабатларга эга ҳисобланади, чунки кўплик маъноси ўтимлилик

кўрсаткичи бўлмиш *-i* суффиксининг асосий маъносига ҳамроҳ бўлади. *-i* суффикси ўтимсиз ёки *-kan* суффиксига эга феълларда бундай маънони ифодала олмайди. Баъзан кўпликни ёки кўп марталикни ифодалаш *-i* суффиксининг ягона вазифаси ҳисобланади. Одатда гапда кўplik ва кўп марталикни ифодалаш учун бошқа воситалар ҳам мавжуд (иккиланган шаклдаги сўзлар, махсус сўзлар). Масалан: *Tak sempat mereka memunguti kawan-kawanya yang celaka.* – Улар ўзларининг жароҳатларган ўртоқларини йиғиб олишга улгурмас эдилар.

-i суффиксининг от морфемаларига қўшилиши орқали предметнинг турғун (муқим) объектга бирикиб келиши маъносига эга феъл негизлари ҳосил қилинади: *obati* – даволамоқ, дорини қўлламоқ (*obat* – дори, дармоқ); *pengaruhi*– таъсир қилмоқ (нимагадир) (*pengaruh* – таъсир); *jiwai* – илҳомлантирмоқ, илҳом бағишламоқ (*jiwa* – кўнгил, қалб).

От морфемаларига *-i* суффиксининг қўшилиши натижасида турғун (муқим) объектга иш-ҳаракат, ҳаракатланиш ёки ҳолатнинг йўналтирилганлиги маъносига эга феъл негизлари ҳосил қилинади: *tangis* – йиғлаш, йиғи-сиғи – *tangisi*– йиғламоқ, йиғи-сиғи қилмоқ; *belakang*– орқа. Орқа тараф – *belakangi* – орқаси билан ўгирилмоқ (нимагадирга), кўчма маънода – менсимай қарамоқ. Отлардан ҳосил қилинган *-i* суффиксига эга айрим феъл негизларида урғун (ҳаракатсиз) объектга нисбатан предметнинг бирикиб келиши маъносига тесқари маъно бўлиши мумкин. Бу ерда бошланғич морфемада англатилган предметни объектдан “олиб қўйиш, олиб ташлаш” маъноси пайдо бўлади, масалан: *kuliti*– терини, пўстни, пўчоқни олиб ташламоқ, шилмоқ (*kulit* – тери, пўст, пўстлоқ, қобик); *rumputi* – ўтни юлмоқ, ўтоқ қилиш (*rumput* – ўт, майса);

II синф морфемаларидан *-i* суффикси орқали ясалган айрим феъл негизлари ундаш маъносига эга: *merah* – қизил – *merahi* – қизил билан бўямок; *basah* – нам, хўл – *basahi* – намламоқ, хўлламоқ; *terang* – ёрқин, равшан – *terangi* – очартирмоқ, рангини оч қилмоқ;

Худди шу морфемаларидан *-kan* суффикси ёрдамида ундаш маъносига эга негизлар ҳосил қилинади, аммо улар *-i* суффиксига эга феъл негизларидан маъно ва стилистик хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан: *hidupi* – яшашга имкон бермоқ, (кимгадир) ҳаётни таъминламоқ ва *hidupkan*– тирилтирмоқ (кимнидир), қайта ҳаётга келтирмоқ (кимнидир, ниманидир); *merahi* – қизил рангни (бўёкни) фақат ташқарисидан юргазмоқ [масалан, *merahi bibir (pipi)*– лабларни бўёмоқ, юзларни қизарттирмоқ] ва *merahkan* – қизил қилмоқ; -

***-an* суффикси** билан сифат шакли орқали; бундай шакллар барча феъллардан ҳам ҳосил қилинмайди ва фақатгина кундалик оғзаки нутқда (джакарта шевасининг таъсирида) учрайди: *Paku disini harus panjangan dari diatas*. – Бу ерда теппадагига қараганда, узунроқ миҳлар керак.

3.4. Индонез тилида конфиксация

Агар аффикс икки қисмдан иборат бўлиб, биттаси ўзак морфемасидан олдин, иккинчиси эса – бу морфема кетидан келса, бундай аффикс *конфикс* деб аталади. Конфикслар ёрдамида сўз ясалиши индонез тили учун хос ҳодиса бўлиб, улар орқали талайгина ясама сўзлар ясалади. Энг самарали конфикслар: *pe-...-an, per-...-an, ke-...-an, ber-...-an, ter-...-kan, per-...-kan, per-...-i*.¹²⁶

***ber-...-kan* конфиксли феъллар** тур ёки хил тушунчасини ифодаладиган отлардан ҳосил бўлиб, ўзидан кейин биринчисига нисбатан (бир) доналик ёки хусусий (бир оз торроқ) маънодаги тўлдирувчини талаб қилади. Бундай феълларнинг аксарияти “тўлдирувчи орқали ифодаланган предметга эга бўлмоқ (предметни қўлламоқ)” маъносини ифодалайди. Қуйидаги феъллар энг кўп қўлланиладиган ҳисобланади: *bersuamikan* – эр сифатида эга бўлмоқ; *beristerikan* – хотин сифатида эга бўлмоқ.

¹²⁶ Н.Ф. Алиева, В.Д. Аракин, А.К. Оглоблин., Ю.Х. Сирк. Грамматика индонезийского языка. - М., 1972. -С.83.

ber- га эга феълларни ўрнига маънони ўзгартирмаган ҳолда *ber...-kan* конфиксли посессив феълларни ишлатиш мумкин. Масалан: *bersuamikan saudagar* ва *bersuami saudagar* – савдогарга эрга теккан бўлмоқ; *beristerikan perempuan Jawa* ва *beristeri perempuan Jawa* – яваликка (явалик аёлга) ўйланмоқ; *bersenjatakan keraben* ва *bersenjata keraben* – қарабин (милтиқ) билан қуролланган бўлмоқ; *ber-* префиксига эга бирикмалар кўпроқ ва бемалолроқ ҳосил бўлади. Шундай қилиб, *ber...-kan* конфикси *ber-* префиксининг варианты деб ҳисоблаш мумкин. ЎЗ навбатида, *ber...-kan* конфиксли феълларни *ber-* префиксли посессив феълларнинг тури сифатида ўтимсиз феъллар синфиостига киритилиши ҳақлидир.

***ke...-an* конфикси** иккита ёрдамчи унсурдан иборат бўлиб, буларнинг ҳар бири турли вазифаларни бажаради. Феъл тизимида *-an* морфемаси мустақил аффикс сифатида умуман қўлланилмайди; баъзи феълларда *ke-* кам самарали префикс ҳисобланади (*ke- + alah > kalah* – мағлубиятга учрамоқ)¹²⁷. *ke...-an* конфикси бошланғич (ўзак) морфемасига ҳеч қандай фонетик ўзгаришсиз қўшилади.

Ушбу конфикс қуйидаги мақсадларда самарали қўлланилади:

а) мавҳум (абстракт) маъносидаги отларни ҳосил қилиш учун: *keturnian* – тозалик, озодалик, орасталик; *keterbelakangan* – қоқоқлик, жоҳиллик;

б) сифатларнинг даражаларидан бирини ҳосил қилиш учун: *kehitam* – *hitaman* қорайиб турган, қорайиб кетаётган;

в) ўтимсиз феълларнинг турли хилларини ясаш учун.

ke...-an га эга феъллар асосан II синф ўзак морфемалари (сифатлар ва содда феъллар)дан ҳосил қилинади: *lapar* – очикқан, оч қолган – *kelaparan* –

¹²⁷ Оғзаки нутқдан адабий тилга бошқа префиксларнинг, одатда *ke-* префиксининг вазифасини бажараётган, *ter-* префиксли феъллар кириб келмоқда: *ketimpa* – учрамоқ, йўлиқмоқ, бирор нарсанинг таъсири остига олинмоқ; *kedapat* – олинган бўлмоқ; *ketubruk* – дуч келмоқ, тўқнашмоқ; баъзан *ber-* префиксининг вазифасида: *ketemu* – учрашмоқ. Бу ҳодиса индонез тилига жакарта шевасининг таъсири билан боғлиқ. (Қаранг: Алиева Н.Ф., Аракин В.Д., Оглоблин А.К., Сирк Ю.Х. Грамматика индонезийского языка. -М., 1972. -С.135)

оч қолмоқ; *dingin* – совуқ – *keinginkan* – совуқ қотмоқ; *kurang* – етарли бұлмаган, етишмайдиган – *kekurangan* – етишмовчиликни бошдан кечирмоқ.

Бир неча *ke...-an* га эга феъллар от морфемалардан ясалган: *kehujan* – ёмғирга дуч келиб қолмоқ; *kesiangan* – кун ёруғлигига дуч келиб қолмоқ.

ke...-an конфиксли феъллар ёрдамида шахс ёки предметнинг ташқи таъсир натижасида ноқулай, нохуш ҳолатга тушиб қолиши ифодаланади: *keinginkan* – совуқ сезмоқ, совуқни бошдан кечирмоқ, совуқдан азият чекмоқ; *ketularan* – юктириб олмоқ.

Баъзи *ke...-an* конфиксига эга феъллар имконият модал тусини мужассамлайди. У деярли ҳар доим *kelihatan* – кўринган бўлмоқ, кўринмоқ, *kedengaran* – эшитилган бўлмоқ, эшитилмоқ каби феълларда мавжуд бўлади. *ke...-an* конфиксли феълларнинг кўпгина қисми гапда мажхул нисбатдаги (*di-*) феъллар билан алмаштирилиши мумкин, аммо бу феъллар *ke...-an* конфиксли феъллардек ихтиёрсизлик, тасоддуфийлик ва исталмаганлик тусига эга эмас. Масалан: *kelihatan* – *dilihat* – кўринган бўлмоқ; *kedengaran* – *didengar* – эшитилган бўлмоқ; *kedapatan* – *didapati* – учратилган, топилган бўлмоқ; *ketahuan* – *diketahui* – билиб олинган, ўрганилган бўлмоқ¹²⁸.

Ясама отлар бир неча сўз ясалиши турларига бирлаштирилган қуйидаги моделлар бўйича ясалаши мумкин

1-тур: *p* + *R*, яъни префикс + ўзак морфемаси. Бу тур фақатгина битта сўз ясалиши модели орқали ифодаланади: *pe-* (*pen-, peng, peny, pet-*) + *R*. Ушбу модель орқали ясалган отлар қуйидаги маъноларни англатади:

а) бажарувчи шахс; улар жараён маъносига эга ўзак морфемаларидан ясалади:

pe- + *kerja* ишламоқ = *pekerja* – ишчи;

¹²⁸Изоҳ: *ke...-an* га эга феъллар аксарият ҳолатларда отлар билан мос келади. Масалан: *kepanasan* – иссиқдан азобланмоқ, иссиқдан қийналмоқ – *kepanasan* – иссиқлик, илиқлик; *kehilangan* – бирон бир нарсани йўқотмоқ – *kehilangan* – йўқотиш, ажралиш; *kekurangan* – етишмовчиликни бошдан кечирмоқ – *kekurangan* – етишмовчилик, камчилик; *kebanyakan* – (керагидан) ортиқдан қийналмоқ, азият чекмоқ – *kebanyakan* – кўпчилик; *kelaparan* – очликдан азобланмоқ, азият чекмоқ – *kelaparan* – очлик; *kedatangan* – хузурига (униқига) етиб келишган кимса бўлмоқ – *kedatangan* – етиб келиш, келиш. (Қаранг: Алиева Н.Ф., Аракин В.Д., Оглоблин А.К., Сирк Ю.Х. Грамматика индонезийского языка. М., 1972. -С.136)

pen + terbang учмоқ = *penerbang* – учувчи;

peng + kendar машинани бошқармоқ = *pengendara* – ҳайдовчи;

peny + serta бирга бўлмоқ = *penyerta* – иштирокчи;

pet- + *pakai* истеъмол қилмоқ, ишлатмоқ = *petakai* – истеъмолчи;

б) ўзак морфемаси англатган иш-ҳаракати қуроли:

pet- + *pukul* урмоқ = *petukul* – болға;

pen- + *tembus* ёриб ўтилган = *penembus* – ёриб, тешиб ўтувчи;

peng- + *kais* кавламоқ, қазимоқ = *pengais* – сихмола, борона, хаскаш;

peny + sari супурмоқ = *penyari* – супурги.

1-турга *p + (c- + R+ -c)* турости киради. Бу турости қуйидаги модел орқали ифодаланади: *se-* + [*pe-* (*pen-*, *pet-*, *peng-*, *peny-*) + *R+ -an*]. Ушбу модель орқали ясалган камдан-кам отлар биргалик, умумийлик маъносини англатади:

se- + [*pet-* + *pakai* – киймоқ + *-an*] = *sepakaian* – кийимнинг тўлиқ комплекти, мажмуаси;

2-тур: *R + s*, яъни ўзак морфемаси + суффикс. Ушбу тур *R + -an* модели орқали ифодаланади. Бунга тегишли отлар қуйидагиларни билдиради:

а) ўзак морфемаси ифодалаётган иш-ҳаракат номи билан боғлиқ тушунчаларни:

makan – емоқ + *-an* = *makanan* – овқат, озуқа, емак;

minum – ичмоқ + *-an* = *minuman* – ичимлик, шарбат;

pimpin – бошқармоқ + *-an* = *pimpinan* – раҳбарлик, бошқарув;

б) ўзак морфемасида англатилган иш-ҳаракат уларнинг ёрдамида бажарилаётган предметлар:

tapis – сузгичдан ўтказмоқ, сузмоқ + *-an* = *tapisan* – элак, сузгич;

timbang – вазнини тортмоқ + *-an* = *timbangan* – тарози;

в) жамловчи тушунчалар:

puluh – ўн + *-an* = *puluhan* – ўнликлар;

ratus – юз + *-an* = *ratusan* – юзликлар;

manis – ширин + *-an* = *manisan* – ширинликлар;

г) ўзак морфемаси ифодалаётган иш-ҳаракатнинг натижаси тушунчаси:

bahagi – бўлмоқ, ажратмоқ + *-an* = *bahagian* – қисм, бўлак;

goda – хавасини келтирмоқ + *-an* = *godaan* – хавасни келтириш, кизиқтириш;

gugat – айбламоқ, танқидламоқ + *-an* = *gugatan* – айблов;

buat – қилмоқ, ишлаб чиқармоқ + *-an* = *buatan* – маҳсулот;

д) ўзак морфемаси белгиси орқали билдирилаётган тушунчалар:

bulat – юмалоқ + *-an* = *bulatan* – айнала, доира;

ringkas – қисқа, калта + *-an* = *ringkasan* – конспект;

е) ўзак морфемаси орқали белгиланган муддатда вақтли матбуот номлари:

bulan – ой + *-an* = *bulanan* – ойнома;

hari – кун + *-an* = *harian* – кундалик газета;

minggu – ҳафта + *-an* = *mingguan* – ҳафтанома.

3-тур: *c-* + *R* + *-c* , яъни (*c-...-c*) конфикс + ўзак морфемаси. Бу ерга куйидаги учта модель бўйича ясалган отлар тегишлидир:

1. *ke-* + *R* + *-an* модели. Ушбу модельга асосан ҳосил бўлган отлар куйидагиларни ифодалайди:

а) мавхум отлар; бу ясама отлар белгини англатувчи ўзак морфемаларидан ясалади:

ke- + *baik* – яхши, эзгу + *-an* = *kebaikan* – яхшилик, эзгулик;

ke- + *biasa* – оддий + *-an* = *kebiasaan* – одатланиш, ўрганиш;

ke- + *tangguh* – мустаҳкам + *-an* = *ketangguhan* – мустаҳкамлик.

Ушбу модель *tidak* инкор шаклини ҳам олиши мумкин: *ke-* + *tidak* + *R* + *-an*. Бу модельга асосан ясалган отлар салбий (инкор қилинаётган) белгини билдиради:

ke- + *tidak* + *adil* – адолатли + *-an* = *ketidakadilan* – адолатсизлик;

ke- + *tidak* + *matruh* – қобилиятли + *-an* = *ketidakmatruhan* – кучсизлик, заифлик, ноқобиллик;

б) жамловчи тушунчалар; бу ҳосила отлар предмет маъносига эга ўзак морфемаларидан ясалади:

ke- + *bangsa* – халқ + *-an* = *kebangsaan* – миллат;

ke- + *pulau* – орол + *-an* = *kepulauan* – архипелаг;

ke- + *hutan* – ўрмон + *-an* = *kehutanan* – ўрмон хўжалиги;

в) ўзак морфемаси англатаётган жараённинг оқибатида вужудга келган натижа ёки ҳолат тушунчалари:

ke- + *datang* – келмоқ + *-an* = *kedatangan* – келиш, етиб келиш;

ke- + *pergi* – кетмоқ + *-an* = *kepergian* – кетиш, жўнаб кетиш;

ke- + *tau* – хоҳламоқ, истамоқ + *-an* = *ketauan* – истак, хоҳиш;

ke- + *mati* – ўлмоқ + *-an* = *kematian* – ўлим;

ke- + *maju* – олдинга ҳаракат қилмоқ + *-an* = *kemajuan* – тараққиёт, прогресс.

2. *pe-*(*pen-*, *peng-*, *peny-*, *pet-*)+*R*+*-an* модели. Бу модель орқали ўтимли феълларнинг ўзак морфемалари ва ҳосил негизларига тегишли (ўзаро мутаносибликда) бўлган отлар ясалади; улар қайсидир объектга йўналтирилган фаол жараён тушунчасини ифодалайди:

pen- + *jaga* – кўриқламоқ, навбатчилик қилмоқ + *-an* = *penjagaan* – кўриқлов, қоровулчилик;

peng + *keluarkan* – олиб чиқмоқ, олиб чиқиб кетмоқ + *-an* = *pengeluaran* – олиб чиқиб кетиш, экспорт;

3. *per-* + *R* + *-an* модели. Бу модель орқали ясалган отлар одатда *ber-* префиксга эга ўтимсиз феълларга тегишли бўлади:

а) ўзак морфемаси англатган жой (макон):

per- + *mandi* – ювинмоқ, чўмилмоқ + *-an* = *permandian* – чўмиладиган жой, пляж;

per- + *guru* – ўқитувчи + *-an* = *penguruan* – мактаб;

per- + *damar* – ёғоч қатрони, шираси + *-an* = *perdamaran* – катрон, ёғоч ширасини еғиб оладиган жой;

б) ўзак морфемаси ифодалаётган касб, машғулотлар, илмлар соҳалари:

per- + *ikan* – балиқ + *-an* = *perikanan* – балиқ овлаш саноати, иши;

per- + *kamus* – луғат + *-an* = *perkamusan* – лексикография;

per- + *kapal* – кема + *-an* = *perkapalan* – кемачилик;

в) жараён ва ҳодисаларни ифодаловчи мавҳум тушунчалар:

per- + *jalan* – ҳаракат + *-an* = *perjalanan* – саёҳат;

per- + *buat* – қилмоқ + *-an* = *perbuatan* – иш, амал, ҳаракат.

3-турга қуйидаги сўз ясовчи турости киритилади: *c-* + (*p* + *R*) + *-c*. Ушбу туростига учта модель тегишли:

1) *ke-* + (*se-* + *R*) + *-an* модели. Бу модель орқали ясалган отлар мавҳумликнинг умумий ғояси билан бирлаштирилади:

ke- + *se-orang* – битта одам + *-an* = *keseorangan* – индивидуум;

ke- + *se-rupa* – битта қиёфа, ташқи кўриниш + *-an* = *keserupaan* – ташқи ўхшашлик;

ke- + *se-imbang* – бир хил вазнга эга бўлмоқ + *-an* = *keseimbangan* – мувозанат, тенг вазинлик;

2. *per-* + (*se-* + *R*(ўзак)) + *-an* модели. Ушбу модель ёрдамида ҳосил бўлган отлар мавҳум отларни аналатади:

per- + *se-nyawa* – бир овоздан, якдилли + *-an* = *persenyawaan* – таркибли (мураккаб) сўз;

per- + *se-tuju* – ҳамжиҳат бўлмоқ, биргаликда бўлмоқ + *-an* = *persetujuan* – битим, шартнома, келишув.

Иккилантериш усули отлар синфи (туркуми)да қўлланилиб, бошланғич морфемнинг маъносидан фарқ қиладиган янги сўзларни ҳосил қилишда ҳам, кўпликни англатувчи грамматик маънони ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Ўзак морфемасини иккилантериш орқали ясалган отлар қуйидагилар тақсимланади: 1) фақатгина ўзак морфемасини иккилантериш асосида ҳосил бўлган отлар; 2) ўзак морфемасининг иккилантериши ва аффиксация орқали ясалган отлар.

Ўзак морфемасини иккилантирилиши ва аффиксация ёрдамида ясалган отлар бир неча таркибий турларга тегишли:

1-тур: R+ R + s. Бу ерга R(ўзак) + R + *-an* модели орқали ҳосил бўлган отлар киритилади:

daun – барг + *daun* + *-an* = *daun-daunan* – барглар, япроқлар;

perang – уруш + *perang* + *-an* = *perang-perangan* – (харбий) манёврлар, машқлар, машғулотлар;

2-тур: с- + R + R + -с . Бу турга умумий маънони англатувчи *per-* + R + R + *-an* модели асосида ҳосил бўлган отлар киради:

per- + *undang-undang* – қонун + *-an* = *perundang-undangan* – қонунчилик;

3-тур: R + r- + i + -г [бу ерда R – ўзак, r- - ўзакнинг бошланғич қисми, -г – ўзакнинг охириги қисми (яъни r- + -г = R), i – инфикс]. Ушбу турга R + r- + *-em* + -г модели орқали ясалган баъзи отлар тегишли:

gunung – тоғ + *g-em-unung* = *gunung-gemunung* – тоғлар занжири;

tali – арқон + *t-em-ali* = *tali-temali* – абзаллар, арқонлар;

***per-...-kan* ва *per-...-i* конфиксли негизлар** баъзи ҳолатларда *per-...-kan* конфикси мустақил маънога эга мустақил аффикс, айримларида эса – ундаш маъносини билдирувчи *per-* префиксининг варианты бўлиб ҳисобланади; масалан, *perpanjang* негизи – узунлаштирмақ, *perpanjangkan* узун қилмоқ феъли билан бир хил маънога; *perpayah* сўзи *perpayahkan* – оғирлаштирмақ, мураккаблаштирмақ, қийинлаштирмақ феъли билан бир хил маънога эга.

Мустақил аффикс сифатида *per-...-kan* конфикси кенг қўлланиладиган феълларнинг нисбатан оз миқдорини ҳосил қилади. Баъзан унга тенг равишда *per-...-i* конфикси ҳам ишлатилади. *per-...-kan*, *per-...-i* конфиксларига эга негизлар ўзининг маъноси бўйича *ber-* префикси орқали ясалган ўтимсиз феъллар билан ўзаро мутаносиб бўлади; *per-* префикси ўтимли феъл негизи таркибига киритила олмайдиган *ber-* префикси ўрнига келиши мумкин.

se-...-nya конфикси + иккилантирилган негиз: *seelok-eloknya* – энг чиройли; *sedalam-dalamnya* – энг чуқур. Масалан: Ўйма нақш солинган уй энг башанг шаклда безатилган; *Rumah berukir itu sudah terhias seelok-eloknya*. – Оёқларим тагида энг чуқур ғор ётар эди;

se-...-nya конфикси орқали ясалган сўзлар гуруҳи нисбий сифатларга якин туради. Бирок, бу сўзлар нисбий сифатлар вазифасида қўлланилгани туфайли, равишлар сифатида ҳам кўрилиши мумкин. Бу уларга хос вазифа, кесим вазифаси эса уларга хос хусусият эмас. Масалан: *selanjutnya* – кейинги, навбатдаги, келгуси; сўнг, кейин; *sebenarnya, sesungguhnya* – ҳақиқий, чин; дарҳақиқат, ҳақиқатдан ҳам; *sepatutnya* – муносиб, ярашган; керак эди, лозим эди; *sewenangnya, sewenang-wenang* – ихтиёрий, ўзбошимча; ихтиёран, ўзбошимчалик билан: *sewajarnya* – қонуний, табиий, қонунан, табиий равишда, ўзи-ўзидан.

ke-...-an конфикси иккилантирилган ўзак морфемасига кўшилиб, камайган (сусайган) сифат, баъзан монандлашиш маъносини ифодаловчи шаклни ҳосил қилади: *Seorang penjaga tilpun tidur sangat nyenyak... kehitam-hitaman dalam sinar yang tak terang itu* – Битта навбатчи ширин тош қотиб ухлар эди... [унинг қиёфаси] бу хира чироқда қораяр эди.

-nya энклитикасига эга бирлаштирувчи сонларнинг вазифалари анча кенгроқ. **ke-...-nya** орқали ясалган бирлаштирувчи отлар қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) гапнинг от бўлаклари – эга ва тўлдирувчи ролини бажаради. Бу ерда **-nya** энклитикаси контекст бўйича зикр этилган ёки маълум бўлган предметлар билан сонни ўзаро мутаносибликка келтириб, кўрсатиш маъносини англатади. Масалан: *Tak ada yang dapat dicela tentang pergaulan Syamsu dan Wartini. Keduanya hormat menghormati* – Шамсу ва Вартини муносабатлари ҳақида ёмон нарса айтиб бўлмайди. Уларнинг иккаласи ҳам бир-бирини ҳурмат қилар эди;

2) от ёки кишилик олмоши билан саноқ маъносига эга аниқловчи ролида намоён бўлади. **-nya** энклитикасига эга бирлаштирувчи сон

аниқловчига нисбатан постпозицияда келади. Масалан: *ketiga sahabat=sahabat ketiganya* – учта дўст; *Kami ketiga-tiganya termenung sebentar* – Уччаламиз (уччаловимизнинг барчаси) бир лаҳзага ўйланиб қолдик;

Сифат эга вазифасида қуйидаги тузилма (таркибот)ларда келади:

-*nya* суффикси билан қўшилганда: *Hilang payahnya bekerja pada hari itu.*

– Кун бўйи бўлган ишдан чарчоқ тарқади;

Сон -*nya* суффиксли жамловчи сон ҳам эга вазифасида келиши мумкин: *Kedua-duanya bercita-cita tinggi.* – Икковлон юксак орзуларга эга бўлган. Гапда иккита ёки бир нечта уюшиб келаётган эгалар ҳам келиши мумкин. Улар ўзаро қўшилиб, боғланган алоқа билан сўз бирикмаларини ҳосил қилади.

3 Боб бўйича хулоса

Шундай қилиб, учинчи бобдаги тадқиқот бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

- 1) Хитой тилида префиксация у қадар маҳсулдор усул эканлиги изланишларимиз натижасида намоён бўлди. Улар асосан тартиб сон ҳосил қилишда, ака-ука ва ўғилларни катталиги бўйича ифодаланган қариндошчилик терминларини ҳосил қилишда ва гоҳида эркалатиш тусига эга от терминларни ҳосил қилишда иштирок этади;
- 2) Индонез тилида префиксация усули хитой тилига қараганда анча маҳсулдор усул ҳисобланиб, кўп префиксларнинг ҳар хил фонетик вариантлари мавжуд. Префикслар тегишлилик, мажҳул нисбат, тартиб сон, бир хиллик, ўхшашлик каби маъноларни ифодалаш мақсадида қўлланилади;
- 3) Инфиксация усули ҳар иккала тилда ҳам у қадар ривожланмаган сўз яшаш усули ҳисоблансада, аммо бу усул орқали ясаладиган янги сўзлар ҳар иккала тилда ҳам мавжуд. Буни хитой тилшуноси Жэнь Сюэлян ва индонез тилшуноси Алиева Н.Ф. ларнинг ўз илмий асарларида келтирган мисолларида учратишимиз мумкин;

- 4) Хитой тилида ҳам, индонез тилида ҳам сўз ясовчи суффиксларнинг сони префикс ва инфиксларга нисбатдан кўп миқдорни ташкил этиши аниқланди;
- 5) Хитой тилида суффикслар от суффикслари, феъл суффикслари категорияларига ажратилиб, хитой тилида энг кўп от сўз туркумига оид сўзлар ясадиши, индонез тилида эса энг кўп феъл сўз туркумига оид сўзлар ясадиши мисоллар орқали таҳлил этилди.
- 6) Индонез тилида конфикслар ёрдамида ясалувчианги сўзлар кам эмас. Улар маъно маъносидаги отларни ҳосил қилиш учун, сифат даражаларини билдириш учун, шахс ёки предметнинг ташқи таъсир натижасида ноқулай, нохуш ҳолатга тушиб қолиши, имконият-модал каби маъноларни ифодалашда қўлланилади.
- 7) Индонез тилида отлар, сифатлар ва сонлардан феъллар ясади.
- 8) Хитой тили манбаларини таҳлил қилиш жараёнида конфиксга оид мисоллар учрамади.

Хулоса

1. Хитой ва индонез тилларида сўз ясалиши усули деганда айнан аффиксация бирламчилиги илмий адабиётлар таҳлили натижасида аниқланди, хитой тилшунослари томонидан аффиксация усули охиригача ўрганилмаганлиги бу усулнинг аниқ таърифи мавжуд эмаслигида, аффиксаларнинг умумклассификацияси мавжуд эмаслиги мисолида аниқланди; индонез тилида ҳам шу ҳолат кузилди, лекин асосан шевалар мисолида;

2. Хитой ва индонез тилларида аффиксация усулида синонимия ходисасининг кенг қўлланилиши кузатилди, ягона фарқи хитой тилида бу ходиса кўпроқ суффикслар мисолида, индонез тилида эса префикслар мисолида учради;

3. Хитой тилида ҳам индонез тилида ҳам инфиксация усули ривожланмаган усул сифатида гавдаланди, хитой тилида инфиксация модалликни ифодалашда кенг қўлланилиши кузатилди, аммо индонез тилида инфиксларнинг бундай грамматик маъноси йўқлиги аниқланди. Модалликни ифодалаш хусусияти индонез тилида конфикслар мисолида учради;

4. Хитой тилида ҳам, индонез тилида ҳам сўз ясовчи суффиксларнинг сони префикс ва инфиксларга нисбатдан кўп миқдорни ташкил этиши аниқланди;

5. Хитой ва индонез тилларида лексик маънони ўзгартирувчи формантлар хилма-хиллиги кузатилди.

6. Хитой тилшуносларининг асарларида аффикслар борасида фикрлар хилма-хиллиги кузатилди;

7. Индонез тилшуносларнинг илмий асарларида аффикслар асосан адабий индонез тилида бирламчилиги қайд этилганлиги аниқланди;

8. Аффиксация усули ҳам хитой ҳам индонез тилларида янги лексик ва грамматик маъноларни ҳосил қилади, фарқли томони шундаки янги лексик маъноларнинг ҳосил бўлиши кўпроқ хитой тили мисолида кузатилди, индонез тилида ҳам бу усул ёрдамида лексик маънолар ҳосил бўлади, лекин аксарият ҳолатда грамматик маъноларнинг ҳосил бўлиши устунлиги мисоллар ёрдамида кузатилди;

9. Хитой тилида яримпрефикслар иштирокида ясалган янги лексик маънолар асосан терминологик лексика соҳасида учраши аниқланди;

10. Индонез тилидаги яримпрефикслар билан санскрит тилидаги сонларнинг ўхшашликлари кузатилди;

11. Хитой тилидан фарқли ўлароқ индонез тилида яримсуффикслар мавжудлиги кузатилмади;

12. Структур жиҳатдан хитой тилидаги аффикслар 100% туб лексик бирликлардир, индонез тилида бир, икки бўғинли аффикслар қўлланилиши кузатилди;

13. Хитой тилида ўзакдан сўнг айрим суффиксларнинг кетма-кет қўлланилиши натижасида янги лексик маъно ҳосил бўлиши ҳодисаси кузатилди; индонез тилида бундай ҳодиса грамматик маънони ҳосил қилишда, ёки синонимик вариант сифатида учраши аниқланди;

14. Хитой тилида префиксация эркалатиш маъносини ифодалашда кенг қўлланилиши кузатилди, индонез тилида префиксларнинг бу маънода қўлланилиши кузатилмади;

15. Индонез тилида префиксация усули ёрдамида асосан феълларни ҳосил бўлиши аниқланди, хитой тилида эса от сўз туркумини яшашда бу усул самарали;

16. Хитой тилида квазисуффиксларнинг мавжудлиги аниқланди, индонез тилида бундай бирликлар учратилмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари.

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 10-декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ -1875-сонли қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

- 2) Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ.1997. – Б.185

III. Илмий адабиётлар

Ўзбек тилида

- 3) А. Ҳожиёв. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. -Т., 2010.-140б
- 4) Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи. Филол.ф.н. ...дис. Автореферат. -Т., 2005. -Б. 7.
- 5) Хашимова С. Хитой тилида сўз ясалиши. -Т. 2011.

Рус тилида

- 6) Жданкин И.В. Слова - единицы речи в китайском языке: Дис. ...канд.филол.наук. -М., 1986. -С.146.

- 7) Демидюк Л.Н. Сопоставительный анализ аффиксальных именных словообразовательных систем некоторых индонезийской группы // Языки и литература Дальнего Востока и Юго-Восточной Азии. - СПб., 1994. -С.21-27
 - 8) Оглоблин А.К.. Грамматика индонезийского литературного языка. -СПб. 2008
 - 9) Аракин В.Д. Грамматика индонезийского языка. -М.,1972.
 - 10) Горелов. В.И.. Лексикология китайского языка. -М., Просвещение, 1984. 321с
 - 11) Горелов В. И. Исследования по синтаксису китайского языка. – М., 1968. – С. 25-26.
 - 12) Драгунов А.А. Грамматическая система современного китайского языка. -Л., 1962. -270с
 - 13) Кленин И.Д., Щичко В.Ф. Лексикология и фразеология китайского языка. -М., 1978.-С. 72-110.
 - 14) Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. -М., 1968.
 - 15) Семенас А.Л. Лексика китайского языка. -М., 2000
 - 16) Солнцев В.М. Очерки по современному китайскому языку. – М., 1957. – с.204
 - 17) Фролова О. П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск, 1981. – Б. 79.
 - 18) Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка.- М., 2003.
 - 19) Яхонтов С. Е. Категория глагола в китайском языке. – Л., 1957. -С. 99.
- Хитой тилида*
- 20) 吕叔湘.中国文法要略. -上海 1954, 17 页
 - 21) Ли Цзиньси, Лю Шижу.Nanyu yufa jiaosai. [Учебные материалы по грамматике китайского языка]. -Пекин, 1959. -С. 595

Индонез тилида

- 22) Samsuri. Analisis Bahasa. – Jakarta 1987. 97- h
- 23) Sutan Takdir Alisjahbana. Grammatika Bahasa Indonesia. – Jakarta, 2001. - 158 h

IV. Манбалар

Рус тилида

- 24) Алиева Н.Ф. Глагол в индонезийском языке. Проблемы аффиксации. Автореферат дис. на соискание учен. степени кандидата филол. наук. -М., 1963.
- 25) Алиева Н.Ф. Особенности грамматического строя индонезийского языка в типологическом освещении. Доктор филол. наук. ...дисс. -М., 1992.
- 26) Цыкин В.А. Полуаффиксация в системе китайского словообразования // Вопросы языкознания. 1979. № 5. -С.80-91.
- 27) Цыкин В. А. Именное словопроизводство в современном китайском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 1980. – Б. 9.

Хитой тилида

- 28) 录制为。汉语的构词法。 -北京。 1957 – 160 页
- 29) 任学良. 汉语造词法. -北京, 1981, 31-51 页.
- 30) 涛良. 改革开放的来汉语新词语构词分析 [Словообразовательный анализ неологизмов китайского языка периода политики "открытых дверей"] // 汉语论存 [Сборник статей по изучению китайского языка]. -太原? 2002. 105-130 页.
- 31) 孙常叙. 汉语词汇. -长春, 1956, 151-152 页

Индонез тилида

- 32) Alwi H., Dardjowidjojo S., Lapoliwa H., Moeliono A.M. Tata bahasa baku bahasa Indonesia. Edisi ketiga. - Jakarta, 1998. -158 h.
- 33) Ramlan, M. Morfologi: Suatu Tinjauan Deskriptif. -Yogyakarta: C.V.Karyono.1987.

- 34) Chaer, Abdul. Morfologi Bahasa Indonesia(Pendekatan Proses). -Jakarta. 2008
- 35) Kridalaksana, Harimurti. Kelas Kata Dalam Bahasa Indonesia (Edisi Ketiga). -Jakarta. 1994
- 36) Resmi, Novi. Kebahasaan.(Fonologi, Morfologi, dan Semantik). -Bandung. 2003.

V. Луғатлар рўйхати:

- 37) Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т. 2002. Б.98-99.
- 38) Mustafaeva S. Xitoycha - o'zbekcha tilshunoslik terminlari izohli lug'ati. -Т. 2014. 111b.
- 39) 中国语学新词典。 - 北京。 1969. -340 页
- 40) 汉俄词典. -北京, 1977.
- 41) 现代汉语词典. -北京 1979.
- 42) 现代汉语八百词, -北京 1981, 327 页.
- 43) Han e sidian. Beijing, 2000. (Китайско-русский словарь.) -Пекин, 2002
- 44) Xiandai hanyu sidian. Beijing, 2002 [2002](Словарь современного китайского языка. -Пекин, 2002).
- 45) Indo-dic E-dictionary (Indonez-ingliz lug'ati)
- 46) Kamus lengkap. Inggeris- Indonesia, Indonesia-Inggeris. -Bandung. 2005. (То'liq lug'at. Ingliz-indonez, Indonez-ingliz tili lug'ati. -Bandung, 2005)

VI Интернет сайтлари

- 47) <http://www.chinaembassy.uz>
- 48) <http://www.ncac.gov.cn>
- 49) <http://www.cninaview.org>
- 50) <http://www.ac.id>

